

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси
Солиқ академияси**

**ШАРБАТ АБДУЛЛАЕВА
АКРОМ ОМОНОВ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИ ВА
УНИ БОШҚАРИШ**

ТОШКЕНТ– 2006

Ўқув қўлланмада банк капиталининг иқтисодий моҳияти ўрганилган; банк капиталини шакллантириш билан боғлиқ жараён назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда мавжуд асосий тенденциялар аниқланган; банк капиталини бошқаришнинг халқаро Базель андозалари моҳият жиҳатдан очиб берилган; банк капиталини самарали бошқаришга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган; банк капиталини самарали бошқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Қўлланмадан банкларнинг молиявий ресурслари ва банк капитали масалалари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчилар, аспирантлар, молия-кредит йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар, банк муассасалари ходимлари ҳамда банк ишига қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент молия институти қошидаги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

**Иқтисод фанлари доктори,
профессор Т.С.Маликов таҳрири остида.**

Тақризчилар: **Хайдаров Н.Х.** - иқтисод фанлари доктори
 Қоралиев Т.М. - иқтисод фанлари номзоди, профессор

© «IQTISOD-MOLIYA», 2006

Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш.
–Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. 120 б.

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида молия-кредит тизимининг ривожланишига асос солган муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов ушбу масалага доимий равишда катта эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш ва молиявий ресурсларни реал иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўриш ҳақида қатор долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Ўқув қўлланмада Президентимиз томонидан банклар капитали миқдорини ошириш ва уларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш бўйича қўйган вазифа ва топшириқларидан келиб чиққан ҳолда банк капиталини шакллантириш ва уни самарли бошқаришда эришилган ютуқлар ва уларни янада такомиллаштириш йўллари ҳақида сўз юритилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ш.Абдуллаева ва А.Омоновнинг банк капиталини шакллантириш ва уларни самарли бошқариш масалаларига бағишланган қўлланмаси мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш жараёнида миллий банк тизимининг ўрнини ва аҳамиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшади, деган умиддаман.

Академик М.Ш.Шарифхўжаев

КИРИШ

Тижорат банклари капиталини шакллантириш ва уни оқилона бошқаришга эришиш иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларининг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Кўпчилик ривожланган мамлакатлардаги сингари, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотларнинг тобора чуқурлашуви тижорат банклари капиталини самарали бошқариш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тижорат банклари ташкил топиши ва ривожланиши учун методологик ва қонуний асос яратилди ҳамда амалиётга жорий этилди. Бироқ, бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлардаги сингари республикамызда ҳам тижорат банклари капиталини шакллантириш ва уни самарали бошқариш билан боғлиқ айрим муаммолар мавжудлиги сезилиб қолмоқда. Жумладан, банкларнинг устав капиталини барқарор даражасини таъминлаш, банк активларини рискка тортиш, капитал таркибини молиявий жиҳатдан нисбатан барқарор манбалар ҳисобига шакллантириш, банкларнинг регулятив капиталини халқаро Базель андозалари талабларига мослаштириш каби муаммолар мавжуд бўлиб уларнинг ечимини аниқлаш ушбу ўқув қўлланмани вужудга келишига туртки бўлди.

Шунингдек, миллий иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан банк капитали ва уни бошқариш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги, шу йўналиш бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчилар, аспирантлар, молия-кредит йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар, банк муассасалари ходимлари ҳамда банк ишига қизиқувчилар учун банк капитали ҳақида ягона бир тизимга келтирилган дарслик ва ўқув қўлланмалар мавжуд эмаслиги муаллифларга ушбу ўқув қўлланмани тайёрлаш ва чоп эттиришга асос бўлди.

Ушбу ўқув қўлланма тижорат банклари капитали ва уни бошқариш ҳақида нашрдан чиқарилаётган илк иқтисодий адабиёт бўлгани туфайли иқтисодчи олимлар, мутахассислар ва ўқувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларига эҳтиёж сезилади.

Ўқув қўлланмани тайёрлаш ва уни шу даражага етиб келишида ўзининг қимматли вақтларини аямасдан маслаҳат ҳамда ёрдам берган академик М.Ш.Шарифхўжаев, и.ф.д. проф. Қодиров, и.ф.д. проф. Абдурахмонов. Қ.Х., и.ф.д. проф. Ғозибеков Д.Ғ., и.ф.д. проф. Олимжонов О.О., и.ф.д.Ҳамроев О.Ҳ. и.ф.д. Иминов О.К. и.ф.н. Алиев М.Ғ., и.ф.н.проф. Назаров А.Ш., и.ф.н. доцент Холмахмадов З.А., и.ф.н. доц. Норқобилов С.Х., и.ф.н. Бобоқулов Т.И. ва тақризчиларга чуқур миннатдорчилик билдирамыз.

I-БОБ. БАНК КАПИТАЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

1.1. Банк капиталининг иқтисодий мазмуни ва унинг таркиби

Тижорат банклари капиталининг иқтисодий мазмунини тўлақонли талқин қилишга эришиш ва унинг амалиётдаги аҳамиятини янада тўлиқ англаб етиш уни самарали бошқаришда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари капиталини самарали бошқаришни йўлга қўймасдан туриб банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини қозониш мушкул вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда тижорат банклари вужудга келишининг дастлабки давридаёқ банк капиталига асосий молиявий манба сифатида катта эътибор қаратилди. Ушбу хатти-ҳаракат ҳозирги кунда ҳам ўзининг иқтисодий жиҳатдан долзарблигини сақлаб турибди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бу хусусда тўхталиб, жумладан шундай деган эдилар: «Бугунги кунда банк тизimini ислоҳ қилиш, уларга янада кўпроқ мустақиллик бериш, банкларнинг ўз активларини ва устав фонддини кўпайтириш, сармоялаш имкониятларини ошириш муаммоларига катта эътибор бераётганимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, банк капитали орқасида ўз активларининг кўпайишидан, банкларнинг самарали ишлашидан, фойда кўришидан манфаатдор бўлган ҳақиқий мулкдорлар туриши, айниқса, улкан аҳамиятга эга»¹.

Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш ҳақида сўз юритишдан олдин банк капитали иқтисодий моҳиятининг аниқ тўхтамига келиш мақсадга мувофиқ. Чунки, банк капитали иқтисодий моҳиятига шу соҳа олимлари ва мутахассисларининг ягона ёндошуви мавжуд эмас.

Банк капиталига берилган иқтисодий таърифларнинг барчасида унинг иқтисодий моҳиятини очиб берувчи у ёки бу жиҳатлари ифодаланган, холос. Бунинг асосий сабаби муаллифларнинг банк капитали хусусидаги таърифлари

¹ Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 32-бет.

маълум даврда ва жараёнда шаклланган бўлиб, ўша даврнинг талабларига мос келган ва унинг айрим йўналишдаги моҳиятини ёритишга хизмат қилган.

Масалан, профессор В.М.Усоскин банк капиталига банк молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди². Кўриниб турибдики, бу ерда капитал банк ресурсларининг муҳим ва таркибий қисми сифатида қаралиши натижасида унинг асосий вазифалари (ҳимоя, тезкор ва тартибга солиш) эътибордан четда қолган.

Шу билан бирга, тижорат банки капитали Марказий банк томонидан, унинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли операцияларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулосалар чиқариш учун, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда жаҳондаги кўпчилик банклар, шу жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг банклари омонатчиларни кўпайтириш ҳамда банк фаолияти билан боғлиқ бўлган риск даражасини камайтириш мақсадида банкка қўшимча капитал жалб қилишга катта эътибор беришмоқда. Тижорат банкларининг капиталини кўпайтиришдан кутилаётган асосий мақсад сифатида, Марказий банк томонидан белгиланган капиталнинг етарлилик даражасини таъминлаш ва молиявий бозорга кириш имкониятини ошириш ҳамда миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция даражасининг таъсиридан ҳимояланишни эътироф этишимиз мумкин. Чунки инфляция мавжуд бўлган шароитда банкларнинг активлари ва мажбуриятлари қийматининг доимий равишда ўсиб бориши банк капиталининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иқтисодий ўсишнинг бир маромда бормаслиги банк даромади барқарорлигини таъминлаш рискинни оширади.

Иқтисодиётнинг узлуксиз барқарорлигини таъминлаш мақсадида заиф капиталга эга, яъни банк капитали етарлилигини таъминлаш юзасидан муаммолари мавжуд бўлган тижорат банклар, давлатнинг тегишли молиявий органлари томонидан назорат остига олинади ва бу жараён банк капиталининг зарур меъёрга етказилгунга қадар давом этади. Ушбу назоратдан кўзланган асосий мақсад банкнинг банкротлик ҳолатига тушиб қолишини олдини олиш ва

² Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: «Вазар- Ферро», 1994. С. 92.

мавжуд риск даражасини камайтиришдан иборатдир. Тижорат банкларининг молиявий жиҳатдан мустаҳкамлигига эришиш уларнинг акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Иқтисодчи олим Р.Г.Ольхова банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда «ҳимоя ёстиғи» деган иқтисодий тушунчани олдинга суради. Агар тижорат банклари кутилмаганда иқтисодий жиҳатдан зарар кўрса, капитал «ҳимоя ёстиғи» сифатида кўрилаётган зарарнинг оқибатларини енгилаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади³. Ушбу таърифда банк капиталининг бир жиҳати, яъни ҳимоя вазифасига урғу берилган. Ваҳоланки, банк учун капитал молиялаштиришнинг манбаси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Худди шунингдек, хорижлик иқтисодчи Крис Барлтропнинг банк капиталига «қимматли» манба⁴ сифатида берган таърифини эътироф этган ҳолда, бу ерда ҳам капиталнинг моҳиятига бир томонлама аҳамият берилганлигини таъкидламоқчимиз. Ҳолбуки, банк капитали нафақат қимматли манба, балки кўшимча манба ва ҳимоя воситаси сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Капиталнинг «қимматлилиги» шундан иборатки, банк ўз капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириб бориш мақсадида оддий акцияларни чиқариш, уларни молиявий бозорларда жойлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни амалга оширади. Ушбу жараён тижорат банки харажатларининг ошишига ва фойдасининг камайишига олиб келади. Агар, харажатлар эвазига молия бозорига сотиш учун таклиф этилган қимматли қоғозлар харидорини топмаса, уларнинг баҳоси номинал қиймати миқдоридан ҳам тушиб кетиши, бу эса ўз ўзидан банк капитали миқдорининг ошишига эмас, балки иқтисодий қийинчиликларга дучор бўлишига хизмат қилади.

³ Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: «ФиС», 2001. С. 74.

⁴ Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, Д.С., С. 102.

Тижорат банки ишига оид илмий изланишлари билан обрў қозонган таниқли иқтисодчи олим Жан Матук банк капиталига унинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи восита сифатида қарайди⁵. Албатта, банкда унинг фаолияти давомида тўловга лаёқатлилиқ (ликвидлик) рисқи доимо сақланиб қолади, яъни бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари учун кутилмаган ҳар қандай ҳолатда етарли даражада ликвид маблағисиз қолиш хавфи мавжуд. Ушбу хавф банк омонатчилари маблағини ўз вақтида беролмаганда, ишончли мижозларнинг вақтинчалиқ кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаганда вужудга келади. Агар банк, омонатчиларнинг нақд пулга ва вақтинчалиқ кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаса, мижозларда бошқа банкларга кетиб қолиш мойиллиги туғилади, бу эса, ўз навбатида, банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган ҳолатнинг сурункали равишда давом этиши банкнинг тўловга лаёқатсизлигини, охир оқибат мижозлар ва омонатчиларнинг ўз ҳисоб рақамларидан маблағларни ёппасига олишига ва банкнинг банкротликка учраш ҳолатига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодчи олим Жан Матукнинг банк капиталини банкнинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи омил, деган фикрига қисман қўшилган ҳолда, банк капиталининг тўловга қобиллигини таъминлаб туриш учун Марказий банк томонидан белгиланган капиталнинг етарлилигига қўйилган талабларни доимо бажариб бориши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодчи олимларнинг банк капитали иқтисодий моҳиятига берган таърифларига қисман қўшилган ҳолда, унга янгича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Шу боис, иқтисодчи олимларнинг банк капитали хусусида берган таърифларининг қиёсий таҳлилига таянган ҳолда муаллифлар томонидан банк капиталининг иқтисодий мазмунига қуйидагича таъриф берилди: «**Тижорат**

⁵ Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том I. Пер. с англ. – М.: «Финстатинформ», 1994. С. 25.

банкларининг капитали барқарор манба бўлиб, банкнинг операцион жараёнида қутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир».

Демак, тижорат банклари капиталига барқарор молиялаштириш манбаи ва ўзига хос ҳимоя воситаси сифатида қараш лозим. Бу ўз навбатида, банк капитали таркибини барқарор ресурслардан ташкил этиш заруриятини юзага келтиради.

Тижорат банклари ўз фаолиятини энди бошлаётган даврда уларнинг устав капитали бирламчи ва муҳим молиялаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Кейинчалик банк фаолиятининг кўлами кенгайиши билан устав капитали банк фаолиятида юзага келадиган рисклардан ҳимояланиш воситаси сифатида кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдориغا нисбатан мажбурий талаб ўрнатилган.

Ян Вилле Ван дер Фоссеннинг маълумотларига кўра, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда тижорат банклари учун устав капиталининг минимал миқдори 5 млн. евро миқдорида белгиланган. Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси бозор иқтисодиётига ўтаётган кўпчилик мамлакатлар учун устав капиталининг минимал миқдорини 1 млн. АҚШ доллари миқдорида белгилаш лозимлигини қайд этган⁶.

Шуниси характерлики, халқаро банк амалиётида тижорат банки капиталининг минимал миқдори деганда икки хил тушунча назарда тутилади⁷:

1) Марказий банкнинг, банк операцияларини бажаришга ҳуқуқ берувчи лицензиясини олиш ва банк ўз фаолиятини бошлаш учун меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган банк капиталининг минимал миқдори.

2) Иқтисодий нормативларни бажарилиши устидан назорат қилиш учун асос сифатида қўлланиладиган капиталнинг етарлилик миқдори.

Шу билан бирга, тижорат банки асосий капиталининг етарлилик миқдори уларнинг фаолиятига нисбатан қўлланилаётган иқтисодий нормативларни

⁶ Ян Вилле Ван дер Фоссен. Начальный капитал банков. Семинар по банковскому надзору. Вена, 26 февраля – 8 марта 1996. С. 1.

⁷ Ўша манба.

аниқлашда ҳам асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Масалан, тижорат банкларининг битта мижозга ёки ўзаро боғлиқ мижозлар гуруҳига берадиган ишончли кредитларининг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 5 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Агар бундай мижозларга таъминланган кредитлар берилаётган бўлса, ушбу кредитларнинг максимал миқдори биринчи даражали банк капиталининг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Тижорат банклари мижозларга берадиган йирик кредитларининг умумий миқдори банк биринчи даражали капиталининг 8 баробаридан ошиб кетмаслиги керак⁸.

Ёки очиқ валюта позицияларига нисбатан ўрнатилган иқтисодий нормативни олайлик. Ушбу нормативга кўра, тижорат банкининг битта валютадаги очиқ позициясининг миқдори банк капиталининг 5 фоизидан, барча валюталардаги очиқ позициясининг миқдори эса банк капиталининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим⁹.

Худди шунингдек, банк бир корхонанинг устав капиталига инвестиция қилиш учун сотиб олган қимматли қоғозлар миқдори банк биринчи даражали капиталининг 15 фоизидан, барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилган инвестициялари миқдори банкнинг биринчи даражали капиталининг 50 фоизидан, олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қуйилмалари банкнинг биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак¹⁰.

Демак, банк капиталининг етарлилик миқдори тушунчасидан тижорат банклари фаолиятига нисбатан Марказий банк томонидан қўлланилаётган иқтисодий нормативларни белгилашда ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда фойдаланилади.

Бозор муносабатларига ўтаётган кўпчилик мамлакатларда, айниқса, юқори инфляция ва заиф банк тизимига эга бўлган мамлакатларда банк

⁸ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 189- бет.

⁹ Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 28 мартда тасдиқланган «Очиқ валюта позициясини юритиш» қоидаларининг 2-банди.

¹⁰ Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 226- бет.

капиталининг миллий валютада акс этадиган минимал миқдорини ошириш зарурлиги қуйидаги уч омил билан белгиланади:

1. Инфляцияни қоплаш мақсадида.

Чунки бу мамлакатларда Марказий банкнинг бош лицензиясини олиш учун зарур бўлган минимал капитал миқдорининг реал қиймати вақт ўтиши давомида инфляциянинг юқори даражаси туфайли пасайиб кетиш эҳтимолига эга.

2. Банклараро бозорга кириш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида.

3. Молия-кредит бозоридан нисбатан кам миқдордаги ресурсга эга бўлган банкларни сиқиб чиқариш мақсадида. Чунки ривожланаётган давлатларда кичик банкларнинг банкрот бўлиш эҳтимоли юқори бўлади. Уларнинг банкрот бўлиши эса, ўз навбатида, миллий банк тизимида бўлган ишончни пасайишига хизмат қилади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда.

Халқаро Базель қўмитасининг андозаларига эътиборан банкнинг жами капитали **асосий** ва **қўшимча капитал**га ажратилади. Ушбу андозалар биринчи марта 1988 йилда ишлаб чиқилди. Аммо, амалиётга 1993 йилдан бошлаб жорий этилган¹¹.

Базель андозаларига кўра асосий капитал қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1. Устав капиталининг тўланган қисми (оддий акциялар қиймати);
2. Муддатсиз некумулятив имтиёзли акциялар;
3. Эмиссион даромад;
4. Соф фойда ҳисобидан шакллантирилган захира суммалари;
5. Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси.

Шуниси эътиборга моликки, хорижий банк амалиётида банкларда аудит текшируви ўтказилиб, аудит хулосаси тасдиқлангунга қадар жорий йилнинг

¹¹ Банковские дело. Под редакцией О.И.Лаврушина. –М.: «ФиС», 2001.С. 77.

foyдаси асосий капитал таркибига киритилади. Аудит хулосасидан кейин эса фақат тақсимланмаган фойда киритилади.

Халқаро Базель андозалари бўйича банкларнинг қўшимча капитали таркибига қуйидаги асосий элементлар киритилади:

1. Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиранинг рискка тортилган активлар миқдорининг 1,25 фоизидан ошиб кетмайдиган қисми;

2. Қайта баҳолаш захираси. Бунда банкка тегишли бино ва иншоотлар ҳамда ернинг қийматини қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган захира миқдори тушунилади;

3. Субординациялашган қарз мажбуриятлари;

Субординациялашган қарз мажбуриятлари Ғарбий европа давлатларининг банк амалиётида узок муддатли (8-10 йил) облигациялар ёки имтиёзли акциялар шаклида мавжуддир. Уларни субординациялашган мажбуриятлар дейилишининг сабаби эса, банк банкрот бўлганда мазкур қимматли қоғозларнинг эгалари ўз улушларини банкнинг бошқа қимматли қоғозларига эга бўлган субъектлардан кейин олади.

Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида банкларнинг субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳозирча мавжуд эмас.

4. Консолидациялашган шўъба корхоналарини ташкил этиш мақсадига йўналтирилган қуйилмалар.

Базель андозалари бўйича консолидациялашган шўъба корхоналари деганда банк қошида ташкил этилган, мустақил балансга эга бўлмаган кредит муассасалари (лизинг, факторинг, траст, форфейтинг компаниялари) кўзда тутилади.

Базель кўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган рискларни қоплаш мақсадида 1997 йилдан III даражали капитални амалиётга жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра, учинчи даражали капитал қисқа муддатли (икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим) субординар қарзлардан

иборат бўлиб биринчи даражали капиталнинг 250 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим¹².

Банк капитали таркибини шакллантиришга Базель андозалари асос сифатида олинган бўлса-да, иқтисодчи олимлар унга турлича ёндашдилар. Жумладан, хорижлик олимлардан Р.Г.Ольхова, Ю.П.Савинский ҳамда ўзбекистонлик олимлардан проф. О.О.Олимжонов ва и.ф.н. Б.Б.Бабаевларнинг номларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Масалан, доцент Р.Г. Ольхова махсус захираларни ва девальвация захирасини капитал таркибига киритмаган¹³.

Махсус захиралар банк балансининг контр-актив ҳисоб варақасида акс эттирилиб банк харажатлари ҳисобидан шакллантирилади. Базель қўмитасининг андозаларига кўра активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захирасини рискка тортилган жами активлар суммасининг 1,25 фоизга тенг миқдорини II-даражали банк капитали таркибига киритилади. Демак, муаллифнинг махсус захираларни 100 фоиз банк капитали таркибига киритмаслиги мақсадга мувофиқ эмас.

Девальвация захирасига келсак, у шубҳасиз банкнинг ўзига тегишли бўлган хорижий валютадаги капитал захира қийматининг ўсиши натижасида юзага келади. Бошқача қилиб айтсак, девальвация захирасига нобарқарор молиявий манба сифатида қараш мумкин. Демак, Р.Г.Ольхованинг девальвация захирасини банк биринчи даражали капитали таркибига киритмаслигига қўшиламыз.

Айни вақтда, миллий валютасининг курси нобарқарор бўлган мамлакатларда девальвация захираси миқдорида кескин тебраниш юз бермоқда. Бу эса девальвация захирасини нобарқарор молиялаштириш манбаига айлантirmoқда. Шу муносабат билан таклиф қилардикки, хорижий валюталар бўйича девальвация захирасини асосий капитал таркибидан чиқариб қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

¹² Грязнова А.Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. –М.: «Ф и С». 2002. С.387.

¹³ Банковские дело. Под редакцией О.И.Лаврушина. –М.: «ФиС», 2001.С. 73. Шунингдек, Мамонова И.Д.Экономический анализ деятельности банка.– М.:«ИНФРА–М»,1996. С.4.

Капиталнинг таркиби хусусида ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар О.О.Олимжонов ва Б.Б.Бабаевлар кредит рискинни қоплашга мўлжалланган захира миқдорини тўлиғича капитал таркибига киритмаслигини илмий жиҳатдан асослаб беришган. Шунингдек, улар жорий йилнинг соф фойдасини капитал таркибига киритмаганлар¹⁴.

Муаллифларнинг фикрича, тижорат банкларида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўғридан-тўғри харажатларга олиб борилаётганлиги сабабли, ушбу захира ажратмалари тўлиғича капитал таркибига киритилмаслиги мумкин, деган хулосани шакллантиришга асос бўлган.

Кредит рискларига қарши қилинган захира ажратмалари тўғридан- тўғри харажатга олиб борилсада, улар доимо банкнинг операцион фаолиятида молиялаштириш манбаи сифатида ишлатилади. Чунки, муддати ўтган кредитлар қайтганда, кредитнинг асосий қарз миқдори ресурс сифатида тикланади. Шунга кўра, Марказий банкнинг 420 – сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, кредит рискларига қарши қилинган захира ажратмалари банк активларининг рискка тортилган миқдорининг 1,25 фоизидан ошиб кетмайдиган миқдори банк капитали таркибига киритилади.

Жорий йилнинг соф фойдасига тўхталадиган бўлсак, уни капитал таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир. Фақат жорий йилнинг соф фойдасини капитал таркибига киритиш зарур. Чунки у мазмунан тақсимланмаган фойдага яқин. Бунинг учун аудитор хулосасига қадар жорий йил фойдасини асосий капитал таркибида акс эттириб бориш зарур.

Фикримизча, биринчидан, тижорат банкларнинг капиталини шакллантириш учун халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалар етарли даражада асос бўла олади; иккинчидан, капиталнинг барқарорлиги нуқтаи назаридан олганда, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банк активларини рискка тортиш методикасида айрим камчиликлар

¹⁴ Б.Б.Бабаев. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования. Дисс. на соиск уч. ст. к.э.н. –Т.: БФА. 2002. С. 17.

мавжуд. Ушбу ҳолатга қўлланманинг кейинги параграфиди эътибор қаратилади.

Хусусан, АҚШ тижорат банкларида ссудалардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира миқдори ва шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар асосий капитал таркибига киритилган. Бу эса банк капиталининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, асосий капиталнинг барқарорлик даражаси қўшимча капиталнинг барқарорлик даражасига нисбатан юқори бўлиши лозим. Ушбу қонуният халқаро Базель қўмитасининг асосий капиталнинг етарлилиги коэффициентиди ўзининг яққол ифодасини топган. Ушбу коэффициентга кўра, банк жами капиталининг камида 50 фоизи асосий капиталдан иборат бўлиши шарт.

Банк капитали таркиби хусусиди сўз борар экан соф капитал индекси даражасини аниқлаш усулини кўриб чиқиш зарур бўлади, ушбу усул чет эл амалиётида жуда кенг кўламда қўлланилиб «банк капитали таркиби кўрсаткичи» номини олган.

Тижорат банкларининг соф капитали индекси (СКИ) қуйидаги тартибда аниқланади.

$$\text{СКИ} = \frac{\text{Капитал} + \text{Захира} - \text{Таснифланган активлар}}{\text{Активлар ўртачаси}} \times 100$$

Таснифланган активларга, тартибга солиш органлари томонидан белгиланган ностандарт, шубҳали ёки зарарли активлар киради. Ушбу кўрсаткич 1973-75 йилларда АҚШ банк амалиётда қўлланила бошлади, ўша даврда белгиланган меъёрга мувофиқ:

«агар СКИ < 2,74 фоиз бўлса, ушбу банк «муаммоли банк» ҳисобланади»

Кўп йиллар давомида йиғилган халқаро банк тажрибасидан маълум бўлмоқдаки, тижорат банкларининг капитали барқарор манбалар ҳисобидан ташкил топиши керак. Чунки тижорат банкларининг капитали банкнинг кутилмаганда вужудга келадиган зарарларини қоплаш орқали банк тушиб қолиши мумкин бўлган иқтисодий инқироздан чиқариб олиш имкониятига эга.

Шу билан бирга, аҳолининг мамлакатдаги банк тизимига бўлган ишончини сақлаб туриш ва уни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис, фикримизча, тижорат банклари асосий капитали қуйидаги элементлардан ташкил топши лозим.

1.1-расм

Тижорат банклари асосий капиталининг элементлари¹⁵



Асосий капитал таркибидаги махсус захира капитал захираси ва имтиёзли кредитлаш фонди учун ажратилган маблағлардан ташкил топади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда махсус захира таркибида ҳисобга олиб келинаётган девальвация захирасини эса қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

Базель андозалари бўйича қўшимча капитал таркибида кўзда тутилган барча капитал элементлари иккинчи даражали капитал таркибига киритилиши лозим.

Тижорат банклари капиталининг иқтисодий моҳиятини очишга хизмат қилувчи асосий масалалардан бири, банк капиталининг етарлилиги масаласидир.

Базель андозалари бўйича банк жами капиталининг минимал етарлилик даражаси 8 фоизни, асосий капиталининг минимал етарлилик даражаси эса 4 фоизни ташкил этади. Бунда капиталнинг рискка тортилган активлар миқдорига нисбати банк капиталининг етарлилиги сифатида олинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу андозалар 1988 йилда ишлаб чиқилган бўлса-да амалиётга 1993 йилдан бошлаб жорий этилган.

¹⁵ Расм муаллифлар томонидан тузилган.

Базель андозалари ишлаб чиқилгунга қадар халқаро банк амалиётида АҚШ Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган капиталнинг етарлилик коэффициентидан кенг кўламда фойдаланилар эди. Унга кўра, банк капиталини депозитларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этади¹⁶.

Базель андозалари қабул қилингунга қадар тижорат банклари устав капиталининг хорижий валютадаги қисми билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд эди. Бизнинг фикримизча, бу борадаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Маълумки, тижорат банкларнинг баланси миллий валютада тузилади. Капитал таркибига хорижий валютада маблағ қўйилганда, у жорий даврдаги курс бўйича банк баланс ҳисоботларида миллий валютада акс эттирилади. Бунда банкнинг даромади миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида юзага келадиган фарқ миқдорини қоплаш учун етадиган даражада бўлиши керак. Акс ҳолда банк чет эл валютасидаги соф активларини хорижий валютадаги капитал миқдорига тенг равишда сақлаб туришга мажбур бўлади.

2. Агар капитал таркибидаги хорижий валюта чет эл банкларига депозит сифатида қўйилган бўлса, унда банк капиталининг қийматини тўлиқлигича сақлаш имконияти юзага келади. Лекин хорижий банк депозитларга бозор ставкаси бўйича фоиз тўлайди. Ривожланаётган хорижий мамлакатларда эса, одатда, хорижий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси жуда паст бўлади. Демак бунда, хорижий валютада қўйилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги паст бўлади.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан тижорат банклари капиталини тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган андозада тижорат банкларининг хорижий валютада шакллантириладиган устав капитали билан боғлиқ мунозарали баҳсларга чек қўйилди.

Ушбу андозага кўра, тижорат банкларнинг хорижий валютада шакллантирилган устав капитали банкнинг балансида тадрижий қиймат бўйича ҳисобга олинади. Бундан буён хорижий валюта алмашув курсининг

¹⁶ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: «Вазар- Ферро», 1994. С.97.

ўзгаришидан қатъий назар, унинг банк балансидаги миллий валютада акс этган қиймати ўзгармасдан қолади. Аммо банк бу маблағларни ўзининг актив операцияларида эркин ишлатиш ҳуқуқидан фойдаланиб устав капиталига қўйилган хорижий валюталар актив операцияларда ишлатилганда қайта баҳоланади. Натижада, банкнинг активлари ва пасивлари ўртасида қайта баҳолаш миқдорида фарқ юзага келади. Бу фарқ миқдори тижорат банки балансининг пасивидаги девальвация захираси ҳисобварағига ўтказилади.

Банк капиталининг етарлилигини баҳолашда Базель андозалари ишлаб чиқилгунга қадар АҚШ Федерал захира тизими андозаларидан фойдаланиб келинар эди. Унинг асосий камчиликлари, фикримизча, қуйидагилардан иборат эди:

1. Мазкур андоза банк активларини риск даражасига кўра табақалаш имконини бермасди.

2. Банк депозитлари барқарорлиги жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, нобарқарорлик даражаси нисбатан юқори бўлган депозит тури трансакцион депозит ҳисобланади. Жамғарма депозитлари эса энг барқарор депозитлар ҳисобланади. Мазкур коэффициентда депозитлар барқарорлик даражасига кўра фарқланмаган.

3. Тижорат банкларининг балансдан ташқари активлари инобатга олинмаган.

Ҳолбуки, банкларнинг балансдан ташқари операцияларини асосий қисми юқори рискли операциялар ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлигига ва тўловга қобиллигига бевосита таъсир қилади. Масалан, кафолатлар бериш, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш, форвард операциялари каби балансдан ташқари операцияларнинг риск даражаси Базель андозалари бўйича 100 фоиз қилиб белгиланган.

Ўзбекистонда ҳозирча тижорат банкларининг миллий валютадаги балансдан ташқари юқори рискли операциялари ривожланмаган. Хусусан, опцион, фьючерс, форвард операцияларини банк амалиётида ривожлантириш зарур.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тижорат банклари асосан таъминланган хужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан ўрнатилган талаблар халқаро Базель андозаларида кўзда тутилган талаблардан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Яъни, Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги 420 – сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, банк умумий капитали адекватлилик коэффициентининг минимал даражаси 0,1 ёки 10 фоиз, асосий капиталининг етарлилик коэффициентини минимал даражаси эса 0,05 ёки 5 фоиз миқдорида ўрнатилган. Айни вақтда, тижорат банкларининг капитали етарлигининг минимал даражаси Базель андозаларида кўзда тутилган даражадан маълум жиҳатдан фарқ қилади. Ушбу фарқ ҳақидаги маълумот биринчи иловада келтирилган. Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан қўйилган талаблар Базель андозаларидан бундай тарзда фарқланишининг асосий сабаблари, фикримизча, қуйидагилардан иборат:

1.Тижорат банклари капитал базасини мустаҳкамлашда айрим муаммоларнинг мавжудлиги. Масалан, тижорат банклари жами капитали таркибида устав капитали салмоғини пасайиш тенденциясига эга бўлаётганлиги бу борадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ушбу муаммо мамлакатимизнинг қатор олимлари, шу жумладан, О.Ф. Абдусаломова томонидан қайд этилган¹⁷.

2.Тижорат банклари корпоратив мижозларига тегишли депозитларни суғурталаш тизимининг мавжуд эмаслиги.

Мазкур тизимнинг мавжуд эмаслиги банк капиталидан депозитларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш заруриятини кучайтиради.

Тижорат банклари капиталининг етарлигини баҳолашда марказий ўринни банк активларини рискка тортиш масаласи эгаллайди.

Халқаро Базель андозалари бўйича банк активларини рискка тортишда 4 та риск даражасидан фойдаланилади: 0 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз. Банк

¹⁷Абдусаломова О.Ф. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертацияси. – Т.: БМА., 2002, 50-бет.

активларининг риск даражалари бўйича гуруҳланиши 2-иловада батафсил берилган.

Республикамиз банк амалиётида ҳам 4 тоифали риск даражасидан фойдаланилади, активларнинг риск даражаси бўйича гуруҳланиши ҳақидаги маълумот тадқиқотнинг 3-иловасида келтирилган.

Шуниси эътиборлики, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган банк активларини рискка тортиш методикаси билан халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методика ўртасида жиддий фарқлар мавжуд эмас. Масалан, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган методикада банкларнинг рисксиз, яъни 0 фоиз рискка эга бўлган активлари таркибига 6 та актив киритилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

а) Банкнинг айланма кассасидаги нақд пуллар;

б) Банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб - варағининг қолдиғи;

в) Ҳукумат ва Марказий банк томонидан 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли қоғозлар;

г) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;

д) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банкларига нисбатан талаблар ҳамда бу давлатларнинг нақд валюталари билан таъминланган активлар;

е) Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар.

Ўзбекистон Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган методикада Базель методикасидан фарқланувчи икки жиҳат мавжуд.

1. Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган методикада ҳукуматнинг қимматли қоғозлари риск даражасига кўра фарқланмаган. Бизнинг фикримизча, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари риск даражасига кўра фарқланиши лозим. Чунки ҳукуматнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларида даромадликнинг пасайиш rischi доимо мавжуд;

2. Марказий банкнинг тижорат банклари активларини рискка тортиш бўйича мавжуд методикасида Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар ўз аксини топмаган.

Фикримизча, мазкур ҳолат мамлакатимиз банк амалиётида тратталар муомаласининг мавжуд эмаслиги туфайли юзага келган.

Бошқа риск тоифалари бўйича сезиларли фарқлар мавжуд эмас.

Шуниси амалий аҳамиятга моликки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо қатор мамлакатларда Базель андозаларидан фарқланувчи риск тоифалари мавжуд. Масалан, Россия Федерацияси Марказий банкининг биринчи йўриқномасига асосан банк активлари 7 та риск тоифаси бўйича рискка тортилади: 0,5 фоиз, 15 фоиз, 25 фоиз, 30 фоиз, 60 фоиз, 70 фоиз, 80 фоиз. Ушбу риск тоифаси 1996 йилнинг 30 январидан янгиланди ва уларнинг сони 5 тани ташкил қилди: 0 фоиз, 10 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз.

Худди шунингдек, Россияда банк капитали миқдорини ва унинг етарлилигини аниқлаш методикаси Базель қўмитаси томонидан таклиф қилинган методикадан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, ўтган давр ва жорий йил фойдаси, мақсадли йўналтиришни ҳисобга олмаган ҳолда, тўлиғича банк капитали таркибига қўшилади, бу ҳолат капитал суммасини асосиз равишда ошишига олиб келди. Иккинчидан, банкнинг корпоратив қимматли қоғозларининг риск даражасини ҳисоблашда риск коэффиценти даражаси камайтирилган. Ушбу тартиб ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган, у қуйидаги формула асосида ҳисобланади¹⁸:

$$K1 = \frac{K}{Ar - Pц - Pк - Pд + KPB + KPC + PP} \times 100$$

К- банк капиталининг ҳисобланган миқдори;

Ar- рискка тортилган активлар миқдори;

Pц- қимматли қоғозлар билан таъминланган жами захира суммаси;

Pк- активларнинг 2 ва 4 риск гуруҳига киритилган, йўқотилиши мумкин бўлган ссудалар бўйича яратилган захира суммаси;

¹⁸ Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина.– М.: «ФИС». 2001. С. 84.

Рд- йўқотилиши мумкин бўлган бошқа активлар ва дебиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича яратилган захира суммаси;

КРВ-балансдан ташқари ҳисоб-варақларда акс эттирилган кредит воситаларининг қиймати;

КРС-муддатли келишувлар бўйича кредит rischi қиймати;

РР-бозор rischi қиймати.

Базель кўмитаси томонидан 1988 йилда ишлаб чиқилган андозадаги асосий камчиликлардан бири кредитларга нисбатан қўлланилаётган риск даражаларини бир-бирига ноадекватликдан иборат экани амалиётда ўз исботини топди. Ушбу камчиликнинг моҳияти эса, кредитлар бўйича риск тоифалари мижознинг иқтисодий қайси секторига мансуб эканлигига қараб белгиланиши эди.

Масалан, Индонезия банкига берилган кредитнинг риск даражаси 20 фоизга тенг бўлса, «Форд» ёки «Женерал Электрик» каби юқори нуфузли компанияларга берилган кредитларнинг риск даражаси 100 фоизга тенг эди.

Юқорида қайд этилган эътирозларни инобатга олиб Базель кўмитаси янги андозаларни ишлаб чиқди ва ушбу андозалар бўйича 2001 йилнинг охиригача эътирозлар қабул қилинди. Айти пайтда эътирозлар асосида ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган янги андозалар 2004 йилда амалиётга жорий қилиниши режалаштирилди¹⁹.

Базель кўмитасининг капитални етарлилик коэффициентини янги андозасида қуйидаги учта асосий ҳолат жорий қилиниши лозим эди.

Биринчидан, ушбу методикада капиталнинг етарлилигини ҳисоблашнинг янги тартиби. Иккинчидан, янги методикада, назорат органлари банк капиталини етарлилик миқдорига ўрнатилган даражадан юқорироқ кўрсаткичга эришишни талаб қилади. Ушбу тартиб жорий қилинишининг асосий мақсади эса, Марказий банк тижорат банклари фаолиятини назорати жараёнида улардан минимал капитал миқдорига ўрнатилган талабдан юқорироқ кўрсаткичга эга бўлишни талаб қилишида эди. Шу орқали банк бўлимини инқирозга юз

¹⁹ М.Ю.Матовников.Новая система регулирования достаточности капитала Базельского комитета – «за» и «против». //Деньги и кредит. 2001. №2. С. 30.

тутишини олдини олиш мақсадида Марказий банкка унинг капитал сиёсатиغا аралашувига имконият яратилади. Учинчидан, банк капиталини етарлилиги ва таркиби юзасидан банк мижозлари ва ташқи экспертларга ўзларининг таклифларини киритишга рухсат берилади.

Шуниси аҳамиятга моликки, янги таҳрирда бир вақтнинг ўзида банклар ва корхоналарнинг рейтинги ва улар жойлашган мамлакатдаги риск даражасини ҳисобга олиш имкони юзага келди. Кредит рискинни баҳолашда ҳар бир мамлакатнинг рейтингини ҳисобга олиш сиёсий риск билан боғлиқ кредит рискинни муаммосини чуқурлашувига йўл қўймайди. Мексика, Аргентина, Россия каби давлатларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, сиёсий риск кредит рискинни бевосита кучайтирувчи омил ҳисобланади. Бунда ҳукуматнинг тўловга ноқобил бўлиб қолиши, хорижий валютадаги тўловларни тўхтатилиши ушбу мамлакатларга кредит берган банкларнинг «кредит портфелида» умидсиз кредитлар салмоғини сезиларли даражада ўсишига олиб келади.


Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари капитали улар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлиб банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир. Айтилганда, банк капиталининг сифат даражаси унинг етарлилик ва манбаларининг таркиби даражаси билан белгиланади.

1.2. Банк капиталини бошқаришнинг асослари ва унга таъсир этувчи омиллар

Тижорат банкларининг капиталини самарали бошқаришга эришиш иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларининг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай ташкилотнинг фаолияти юксак даражадаги бошқаришни талаб этади. Самарали бошқариш тизимини яратмасдан туриб қўйилган мақсадга эришиш, рақобатбардошликни таъминлаш ва самарали фаолият юритишнинг имконияти маълум даражада чекланади. Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви тижорат банкларининг капиталини самарали бошқариш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда. Тижорат банкларининг жамият миқёсидаги вақтинчалик бўш маблағларни жалб қилиш каби асосий вазифасини эътиборга олсак, ушбу масаланинг нақадар муҳим эканлиги яққол намоён бўлади.

Тижорат банклари капиталини бошқариш кўпқиррали жараён бўлиб, ушбу жараёнда асосий эътибор капиталнинг таркибига қаратилади. Қуйидаги расмда банк капиталини бошқариш объектларидан келиб чиқиб унинг банк фаолиятига таъсирини кўриш мумкин²⁰.

1.2-расм



Расмда банк капиталини бошқаришнинг объектив асослари келтирилган. Демак, бундан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг капиталини барқарор даражасини таъминлаш банк капиталини бошқаришнинг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

²⁰ Расм муаллифлар томонидан тузилган.

Бунда асосий эътиборни тижорат банклари капиталини шакллантиришнинг барқарор манбаларига қаратилади. Тижорат банклари капитали таркибида барқарор манбалар сифатида уларнинг устав капитали ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини келтириш мумкин. Чунки устав капитали тижорат банкларининг фаолиятини дастлабки давридаёқ шакллантирилиб банк фаолияти тугатилгунга қадар ҳисобда туради. Шу билан бирга, ушбу маблағ реал молиявий маблағлар ҳисобидан шакллантирилади. Халқаро банк амалиётида устав капитали асосий ва барқарор элемент ҳисобланади. Республикамиз банкларида ҳам устав капиталига нисбатан ана шундай сифат берилади.

Тижорат банклари ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳам реал қийматга эга бўлган маблағлар ҳисобидан шакллантирилиб банк акциядорлари йиғилишининг қарори асосида маълум мақсадларга йўналтирилиши мумкин.


Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг иккинчи асосий жиҳати сифатида улар жами капиталининг етарлилигини таъминлаш масаласи ҳисобланади. Жами капиталнинг етарлилигини таъминлаш тижорат банкларининг фаолиятини нормал равишда ҳаракат қилишга имкон бериш билан бирга, уларнинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Банклар асосий капитали етарлилигини таъминлаш банк капиталини бошқаришнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Унинг асосий кўрсаткичларидан бири банк фаолиятининг самарадорлик даражасини паст ёки юқори эканлиги билан изоҳланади. Чунки тижорат банклари маълум даражадаги риск асосида банк капиталидан кредит ресурслари сифатида фойдаланиши ҳам мумкин. Кредит ресурси сифатида берилган капитал қарздорлар томонидан самарали фойдаланиши натижасида даромад келтирса банкнинг молиявий жиҳатдан бақувват бўлишига хизмат қилади. Агар ушбу ҳолатнинг акси бўлса, тижорат банклари молиявий жиҳатдан икки томонлама зарар кўрадилар. Яъни, биринчидан, берилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмайди ва ушбу кредитдан мўлжалдаги фоизли даромадларни ололмайди. Иккинчидан, кредит ресурсларининг белгиланган муддатда

қайтмаслиги банкни молиявий жиҳатдан заиф қилиб қўяди. Демак, ушбу жараёнда кредит рискинни оқилона баҳолаш банк капиталини бошқаришдаги муҳим масалалардан бири ҳисобланди.

Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг объектив асосларидан келиб чиққан ҳолда, унга таъсир қилувчи асосий омилларни қуйидаги расмда келтирилган тартибда гуруҳлаб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ²¹.

1.3-расм



Расмнинг чап устунидаги гуруҳга мансуб омилнинг бир неча жиҳатлари мавжуд бўлиб, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

а) Тижорат банклари оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳосининг ўзгариш омили.

Тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳосининг ўсиши уларни сотиш жараёнини тезлаштиради ва сотилиш коэффициентининг юқори даражасига эришиш имкониятини беради. Бунинг натижасида устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисми ошади. Аксинча, банкнинг оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳоси пасайиши уларни сотишдан олинандиган тушумлар миқдори ва эмиссиявий даромадлари ҳажмига салбий таъсир қилади.

Шуниси характерлики, кўпчилик ривожланаётган давлатларда молия бозорининг ривожланмаганлиги оқибатида оддий ва имтиёзли акцияларнинг

²¹ Расм муаллиф томонидан тузилган.

бозор баҳосини аниқлаш имконияти мавжуд эмас. Бунинг устига, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллиги тўғрисида ишончли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги инвесторларда қимматли қоғозларни сотиб олишга бўлган ишончни пасайишига сабаб бўлади.

Ривожланаётган давлатларда инфляция даражасининг юқорилиги банк акцияларининг бозор баҳосига салбий таъсир қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Инфляциянинг юқори даражаси инвесторлар томонидан банк акцияларини сотиб олишга қилинган қуйилмаларнинг ва улардан олинадиган даромадларнинг реал қийматини пасайишига олиб келади.

Тижорат банклари молиявий аҳволининг нобарқарорлиги унинг операцион ва соф фойдасининг миқдorigа салбий таъсир кўрсатади. Операцион фойданинг етарли даражада шаклланмаслиги имтиёзли акцияларга тўланадиган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига салбий таъсир кўрсатади. Соф фойданинг етарли даражада шаклланмаслиги эса оддий акцияларга тўланадиган дивидендларнинг миқдorigа салбий таъсир кўрсатади.

Акцияларнинг бозор баҳоси ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири миллий валюта курсининг хорижий валютага нисбатан сезиларли даражада тебранишидир. Бунга мисол қилиб 1998 йилда Россия рублининг алмашув курси кескин пасайиб кетганлигини ва 2001 йил февралда турк лираси курсининг АҚШ долларига нисбатан кескин тушиб кетганлигини келтириш мумкин. Бунинг натижасида мазкур мамлакатларда миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга йўналтирилган қуйилмалар ва уларнинг ҳисобидан олинадиган даромадлар кескин пасайиб кетди.

б) Акциядорларнинг устав капиталини шакллантириш бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажариш омили.

Бизга маълумки, акциядорлик тижорат банкларининг устав капитални икки қисмдан иборат бўлади: 1) устав капиталининг эълон қилинган қисми; 2) устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисми.

Акциядорларнинг маълум қисми айрим ҳолларда ўзларининг устав капиталини шакллантириш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришдан бош тортадилар ёки бажариш муддатини жуда чўзиб юборади. Бунинг натижасида

устав капиталини шаклланишига нисбатан салбий таъсир юзага келади. Бу, ўз навбатида, уни бошқариш жараёнининг самарадорлигини пасайтиради.

Ғарбий европадаги айрим мамлакатлар банклари тўланмаган устав капиталини ресурс сифатида ҳисоботларда акс эттиради. Чунки амалдаги маҳаллий қонунларга мувофиқ акциядорларнинг банк олдидаги мажбурияти юридик кучга эга, деб ҳисобланади. Бу ҳолат бозор иқтисодиётининг талабларига унчалик мос келмайди. Бунинг сабаби, бозор иқтисодиёти шароитида акциядорлар молиявий аҳволи ёмонлашиб бораётган банкнинг устав капиталига қўйилмалар қилишдан қонуний асосда бош тортиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Тижорат банклари жами капиталининг етарлилигини таъминлашга таъсир қилувчи омил гуруҳига қуйидаги омиллар киради.

а) Тижорат банклари капиталининг оқилона таркибини шакллантириши ва унинг етарлилигига нисбатан қўйиладиган минимал талабнинг мўътадил даражасини аниқлаш омил.

Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан қўйиладиган талаблар дунёнинг юздан ортиқ мамлакатда қўлланилаётган бўлсада, банк капиталининг таркиби ва унинг етарлилигига қўйилган минимал талаб даражаси кўпчилик мамлакатларда бир-биридан фарқ қилади. Масалан, халқаро Базель андозалари бўйича жами капиталга қўйилган минимал талаб 0,08 ни ташкил қилса, Марказий банк томонидан республика тижорат банклари жами капиталига белгиланган минимал талаб даражаси 0,1 ни ташкил қилади. Шунингдек, тижорат банклари асосий капиталига нисбатан белгиланган минимал талаб ўртасида сезиларсиз даражада фарқ мавжуд.

Халқаро Базель андозаларидан фарқланувчи минимал талаб даражаларини бошқа қатор мамлакатлар банк амалиётида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси банк амалиётида устав капиталининг миқдори 5 млн. евродан кам бўлган тижорат банклари учун жами капиталнинг етарлилигига қўйилган минимал талаб даражаси 11 фоизни ташкил этади, устав

капиталининг миқдори 5 млн. евро ва ундан юқори бўлган тижорат банклари учун бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади.

Швейцарияда банк капиталининг минимал етарлилик даражаси банк балансидаги ҳар бир гуруҳ активларига нисбатан алоҳида белгиланган. Масалан, банк капитали:

- ҳукуматнинг қимматли қоғозлари, векселлар, пул бозорининг қатъий белгиланган фоиз ставкадаги мажбуриятлари ва экспорт кафолатига эга бўлган муддатли ссудаларининг 2 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

- бошқа банкларнинг бу банк олдидаги 90 кун муддатгача бўлган қарзлари, Халқаро ҳисоб-китоблар Банки ва бошқа мамлакатларнинг Марказий банкларидаги депозитлари, кўчмас мулк билан таъминланган контокоррент кредитлари умумий миқдорининг 4 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

- бошқа банкларнинг бу банк олдидаги 90 кундан ортиқ муддатдаги қарзлари ва векселлар ҳамда пул бозорининг қатъий фоиз ставкаларига эга бўлган мажбуриятлари, кўчмас мулкдан ташқари бошқа гаров объектлари билан таъминланган контокоррент кредитлари умумий миқдорининг 6 фоизидан кам бўлмаслиги керак;

- банк портфелидаги биржа қимматли қоғозлари суммаларининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;

- бозорда котировка қилинмайдиган хусусий қимматли қоғозлар, инвестицион трастларнинг акциялари, банк биноларининг қиймати, банкнинг хорижий валютадаги активлари умумий миқдорининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;

- консолидациялашган компаниялардаги иштирок миқдорининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Миллий банк тизимидаги тижорат банкларининг тўловга қобиллигини уларнинг активлари ва пасивлари мавжуд таркибидан келиб чиққан ҳолда жами капиталига қўйиладиган минимал талаб даражасини белгилаш лозим. Асосий капиталга нисбатан белгиланган 50 фоизли талаб сақланиб қолиши

зарур, деб ҳисоблаймиз. Яъни, асосий капитал регулятив (жами) капиталнинг 50 фоизи ёки ундан кўпини ташкил қилиш лозим²².

Тижорат банклари капиталининг таркибини оқилона шакллантириш банк капиталини бошқаришнинг муҳим амалий масалаларидан бири ҳисобланади.

б) Банк активларини рискка тортилган миқдорининг ўзгариши омили.

Бу омилнинг жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини шундан ҳам билса бўладики, халқаро Базель андозалари бўйича жами капиталнинг ҳам, асосий капиталнинг ҳам етарлилик даражаси активларнинг рискка тортилган миқдorigа нисбатан белгиланган.

Мазкур андозаларни амалиётга жорий қилингунга қадар тижорат банклари тўловга қобиллигининг асосий кўрсаткичи сифатида уларнинг мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олиш имконияти эътиборга олинар эди. Унга кўра, банк мижознинг, асосан, муддатсиз депозитлари бўйича қўйган талабларини шу заҳоти бажара олиш имкониятига эга бўлиши зарур эди. Албатта, ушбу кўрсаткич ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Лекин банкларни иқтисодий жиҳатдан инқирозга тушиб қолишининг асосий омиллари сифатида уларнинг актив операциялари таркибида рискка тортилган активлари даражасининг ҳолатига қараб аниқланиши муҳим кўрсаткич бўлиб қолди.

Шуниси эътиборга молики, халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг иқтисодий жиҳатдан банкротликка учрамасликлари учун қанча миқдорда капитал маблағи зарур бўлади деган саволга, аниқ жавоб мавжуд эмас. Чунки катта миқдордаги капиталга эга бўлган Япония, Ғарбий европа мамлакатларидаги кўзга кўринган банклар иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутганлиги тарихдан маълум. Демак, Базель андозаларига кўра банк капиталининг етарлилиги тижорат банкларининг рискка тортилган активлари сифатига боғлиқлиги мантиқан тўғри. Яъни, рискка тортилган активларнинг

²² Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. 376- бет.

сифати қанчалик ёмон бўлса банк капиталининг миқдори ҳам шунга нисбатан юқори бўлиши ва тегишли захираларни яратиш лозимлиги, ва аксинча.

Тижорат банкларида рискка тортилган активлар миқдорининг ўзгаришини куйидаги жадвал маълумотлари орқали кўриб чиқамиз.

1.1-жадвал

Тижорат банкларида рискка тортилган активлар миқдорининг ўзгариши

(фоизда)

Т/р	Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2002 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши (пункт)
1.	Рисксиз активлар	27,9	17,0	16,1	-11,8
2.	Риск даражаси 20 % га тенг бўлган активлар	7,4	12,7	14,3	+6,9
3.	Риск даражаси 50 % га тенг бўлган активлар	9,1	13,5	13,1	+4,0
4.	Риск даражаси 100 % га тенг бўлган активлар	55,6	56,8	56,5	+0,9
Рискли активлар-жами		100,0	100,0	100,0	X

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, кўрилаётган давр мобайнида тижорат банкларида рисксиз активлар салмоғининг сезиларли даражада пасайиши юз берди. Ушбу пасайиш 20 фоиз риск даражасига эга бўлган банк активларининг рискка тортилган ҳажмдаги активлар умумий салмоғини сезиларли даражада ўсиши ҳисобига юз берди. Бу эса ижобий ҳолат сифатида баҳоланади. Чунки рисксиз активлар салмоғининг пасайиши юз фоиз рискка эга бўлган активлар салмоғининг ўсиши ҳисобига бўлмади. 100 фоиз рискка эга бўлган банк активларининг рискка тортилган ҳажмдаги активлар умумий салмоғининг ўсиши таҳлил қилинган давр мобайнида атиги 0,9 пунктни ташкил қилди.

20 фоизли риск даражасига эга бўлган активларнинг 99 фоизи тижорат банкларининг хорижий банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобварақлари қолдиғига тўғри келади, қолган бир фоизи эса инкассация жараёнидаги пул маблағлари ҳиссасига тўғри келади. 20 фоиз рискка эга бўлган бошқа турдаги банк активлари республикамиз банк амалиётида мавжуд эмас. Хусусан,

ҳукуматнинг ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлари, ҳукумат томонидан кафолатланган корпоратив қимматли қоғозлар банк амалиётида мавжуд эмас.

Шуниси характерлики, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида банкларнинг рискка тортилган активлари миқдорининг сезиларли қисмини уларнинг баланسدан ташқари активлари миқдори ташкил этади. Баланسدан ташқари банк активлари таркибида ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш, форвард шартномалари тузиш, колл ва пут опционлар бериш эгаллайди. Биз ушбу баланسدан ташқари операцияларга халқаро Базель қўмитаси томонидан 100 фоиз риск даражаси белгиланишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки ушбу операцияларнинг ҳар бирида банкнинг йўқотиш эҳтимоли жуда каттадир. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйишда банк мижознинг тўлов мажбурияти юзасидан кафилликни тўлиқ ўз зиммасига олади. Мижоз тўловга ноқобил бўлиб қолганда ёки мижознинг жорий ҳисобварағида вақтинчалик пул маблағлари етишмаслиги юз берганда, банк тўлов миқдорини тўлиғича тўлаб беради. Аммо Ўзбекистон тижорат банклари очаётган ҳужжатлаштирилган аккредитивларга нисбатан юқори рискли, деган тушунчани қўллаб бўлмайди. Бунинг боиси шундаки, тижорат банклари томонидан қўйилаётган аккредитивларнинг мутлақ асосий қисми таъминланган аккредитивлардир, яъни аккредитив бўйича тўловни амалга оширишда банклар 22602—«Аккредитив бўйича мижозларнинг депозитлари» ҳисоб рақамидан фойдаланади. Демак, аккредитив миқдори мижознинг жорий ҳисобварағидан олиниб 22602 – «Аккредитив бўйича мижозларнинг депозитлари» ҳисобварағида депонентланади, аккредитив бўйича тўлов ушбу ҳисобварақни дебетлаш орқали амалга оширилади.

Халқаро Базель андозалари тижорат банкларининг форвард трансакцияларини 100 фоиз риск даражасига эга бўлган баланسدан ташқари актив сифатида баҳолайди. Биз ҳақиқатдан ҳам форвард трансакцияларини юқори риск даражасига эга эканлигини эътироф этамиз. Лекин, бизнинг фикримизча, форвард трансакциялари опционлар билан бир хил риск даражасига эга бўлиши мумкин эмас. Бунинг сабаби шундаки, опцион эгасида фақат ҳуқуқ бўлади, мажбурият бўлмайди. Банк эса эмитент сифатида

мажбуриятга эгадир. Демак, опционлар ўз эгасини 100 фоиз молиявий рисклардан ҳимоя қилувчи, банкни эса 100 фоиз рискка дучор қилувчи молиявий инструмент ҳисобланади. Шунинг учун уларга 100 фоиз риск даражасини берилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин форвард операцияларини амалга ошираётганда банклар ўзларини сезиларли даражада рискдан ҳимоя қилиш имкониятига эгадирлар. Шунинг учун уларга нисбатан 50 фоиз риск даражаси белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро Базель кўмитасининг экспертлари банклар томонидан чиқарилаётган колл ва пут опционларининг риск даражасини тўғри белгиладилар. Колл ва пут опционларнинг ҳар иккала стандартида ҳам юқори риск даражаси сақланиб қолади. Айниқса опционларнинг америка стандарти жуда riskли ҳисобланади, бунда опцион эгаси опцион шартномаси муддатининг исталган вақтида опциондан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Опционларнинг европа стандартида эса опцион эгаси опциондан фойдаланиш ҳуқуқига фақат опцион шартномаси муддати тугагандан сўнг эга бўлади.

Колл опционлар қимматли қоғозларни ва валюталарни белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ҳуқуқини беради. Пут опционлар эса қимматли қоғозлар ва валюталарни белгиланган курс бўйича келгусида сотиш ҳуқуқини беради.

в) Банк капиталининг етарлилиги шароитида унинг ликвидлигини таъминлаш учун зарур бўлган ликвидли активларнинг мавжудлиги омили.

Ушбу омилнинг аҳамияти шундаки, айрим тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида ресурсларнинг, шу жумладан, капиталнинг асосий қисмини юқори riskли актив операцияларга йўналтиради. Бундай шароитда банкларнинг ликвидлиги хавф остида қолади. Шунинг учун банк активлари таркибида банкларнинг ликвидлигини таъминлаш мақсадида маълум миқдордаги ликвидли активларни сақлаб туриш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган хорижий давлатлар амалиётида ҳукуматнинг қимматли қоғозларидан банкларнинг ликвидлигини таъминлашда кенг фойдаланилади. Масалан, Япония тижорат банкларида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қуйилмалар банк активларининг 10 фоиздан ортиқроқ қисмини ташкил қилади.

Худди шундай ҳолатни Германия, Буюк Британия ва Францияда ҳам кузатиш мумкин.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидлик хусусиятига эга бўлиб, уларга нисбатан молия бозорида доимо барқарор талаб мавжуд. Шунинг учун уларни исталган вақтда қулай бозор баҳоларида сотиб, банкнинг ликвидлигини таъминлаш мумкин. Бошқа томондан эса, улар тижорат банкига қатъий белгиланган фоизларда даромад келтиради ва банкларнинг фоизли даромадларини кўпайтириш йўли билан уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ана шу хусусиятлари туфайли ҳам ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлашда нисбатан ишончли ва даромадли воситаси ҳисобланади.

Юқори ликвидлик хусусиятига эга бўлган ҳукумат қимматли қоғозлари ва бошқа қимматли қоғозларнинг банк амалиётида етишмаслиги тижорат банклари жорий ликвидлигини пул маблағлари ҳисобидан таъминлашни зарур қилиб қўймоқда. Масалан, 2004 йилнинг 1 январ ҳолатига, тижорат банклари балансидаги пул шаклидаги маблағларнинг умумий миқдори 900954 млн. сўмни ташкил қилди. Бу эса тижорат банклари жами активларининг 20,4 фоизи демакдир²³.

Пул маблағлари шаклидаги активлар тижорат банкларига даромад келтирмайдиган ва даромадлиқ даражаси жуда паст бўлган активлар ҳисобланади. Масалан, тижорат банкларининг айланма кассасидаги нақд пуллар ва унинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобварағидаги пул маблағлари даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади. Банкнинг бошқа банклардаги «Ностро» вакиллик ҳисобварақлари қолдиқларига паст ставкаларда фоиз тўланади. Шу билан бирга, банкноталар шаклидаги нақд пулларни сақлаш, етказиб бериш ва ҳисобини олиб бориш тижорат банклари учун қўшимча харажатларни вужудга келтиради.

Ривожланган хорижий давлатларнинг кўпчилигида жорий ликвидлик коэффицентлари мавжуд бўлиб, улар банк капиталига нисбатан

²³ Тижорат банкларнинг ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

ўрнатилгандир. Масалан, Францияда ликвидлик коэффиценти қуйидагича аниқланади: кредитларнинг умумий миқдори банкнинг ўз маблағи (капитали)нинг миқдоридан ва айрим баланс пассивидаги элементларнинг миқдоридан уч мартадан ортиқ бўлмаслиги лозим. Германияда ушбу кўрсаткич тўрт марта қилиб белгиланган. Бу ҳар иккала кўрсаткич банкнинг ўрта ва узоқ муддатлик кўрсаткичларидир. Ўрта ва узоқ муддатли ликвидлик кўрсаткичлари АҚШ, Англия ва Японияда ўрнатилмаган.

Тижорат банклари капиталидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилувчи омил гуруҳига асосан қуйидаги омиллар киради.

а) Банк капиталининг даромадлик коэффиценти (КДК)нинг ўзгариши.

Бу ерда, энг қийин ҳолатдан бири ўз капиталининг, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, акциядорлик капитали ва тақсимланмаган фойданинг баҳосини аниқлаш қийин кечади. Акциядорлик капитали ва тақсимланмаган фойданинг баҳоси банк акцияларидан олиниши кутилаётган даромад миқдори билан аниқланади. Ушбу қиймат ҳам шартли равишда олинган бўлиб, банк томонидан олинаётган даромад айнан қайси акция ҳисобига тўғри келишини аниқлашнинг имконияти йўқ. Тижорат банклари йилни соф фойда билан яқунлаганлигини банк акциядорларига тўлаган дивидендлар миқдори, банк капиталини капитализация қилинаётган маблағлар ҳажмидан ҳам аниқлаш мумкин. Банкнинг бошқа пассив маблағлари сингари банк капиталидан фойда олиш даражаси мажбурий ҳолат сифатида белгилаб қуйилмаган. Аммо банк акциядорларининг банкнинг капиталига инвестиция сифатида йўналтирган маблағларидан манфаатдорлик кўриши ва банкнинг молиявий имконияти мустаҳкамланиб бориши учун тижорат банклари олаётган фойда даражасини доимий равишда ошириб боришлари лозим бўлади, албатта.

Банк капиталининг даромадлик даражасини аниқлаш банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи билвосита кўрсаткич ҳисобланади. Чунки, биринчидан, банк капитали ҳисобидан айнан қайси актив операция молиялаштирилаётганлигини билишнинг иложи йўқ; иккинчидан, банк капитали банкнинг жами ресурсларига нисбатан кичик салмоқни эгаллайди.

Даромадлиқ коэффициентини пасайиши капиталдан самарали фойдаланиш даражасининг пасаяётганлигидан далолат беради.

б) Банк устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи ўзгариши.

Бунда кўзда тутилмаган харажатлар ва зарарларни устав капиталидан қоплаш имконияти назарда тутилади. Банкнинг устав капитали ўзига хос суғурта фонди сифатида операцион фаолият давомида юзага келадиган кўзда тутилмаган харажатлар ва зарарларни қоплаш учун етиши керак.

Ривожланган хорижий давлатлар амалиётида банк депозитларини суғурталаш тизимининг жорий этилганлиги банк капиталига бўлган талабни сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Чунки депозитларни суғурталаш депозитларни мижозлар томонидан оммавий равишда олинишидан юзага келадиган хавфни камайтиради.

Айни вақтда, шуни таъкидлаш лозимки, депозитларни суғурталаш тизимини жорий қилиниши кутилган натижани бермаслиги ҳам мумкин. Бунинг сабаби шундаки, кўпчилик ривожланаётган давлатларда тижорат банкларининг сезиларли қисми молиявий жиҳатдан ночор ҳисобланади. Натижада, улар томонидан суғурта фондига йирик миқдорда ажратмалар қилиниши ушбу банкларнинг молиявий аҳволини янада оғирлаштиради. Жаҳон банкининг эксперти Майкл Фукс раҳбарлигидаги экспертлар гуруҳининг фикрига кўра, депозитларни суғурталаш тизимининг жорий этилиши миллий банк тизимига бўлган ишончни янада йўқотилишига хизмат қилиши мумкин. Уларнинг фикрига кўра, агар суғурта фонди депозитлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмаса, у ҳолда мижозларнинг суғурта фондига ва улар орқали банк тизимига бўлган ишончига путур етади. Шунинг учун, депозитларни суғурталаш фондининг мажбуриятлари чекланган ва фонд капиталининг етарлилик даражаси кафолатланган бўлиши лозим²⁴.

Шуниси эътиборга молиқки, банк капиталининг моддалари барқарорлиги ва даромадлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, узоқ муддатли субординациялашган қарз мажбуриятлари юқори харажатли

²⁴ Жан Матук. Финансовая системы Франции и других стран. Москва. АО «Финстатинформ» 1994. –С.307.

капитал моддаси ҳисобланади. Чунки уларга тўланадиган фоиз ставкалари оддий ва имтиёзли акцияларга тўланадиган фоиз ставкаларига нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Шунинг учун улардан фойдаланиш натижасида олинадиган фойданинг реал даражаси кичик бўлади.

Айрим мамлакатларда банкларнинг кам харажатли қарз мажбуриятлари муомалага чиқарилади. Масалан, Японияда узоқ муддатли кредитлаш банклари ва айрим тижорат банклари икки турдаги дибенчерларни молиявий бозорда жойлаштиради: беш йиллик муддатга, бир йилда икки марта фоиз тўлаш шартига эга бўлган фоизли қоғозлар ва бир йиллик муддатга чиқариладиган дисконтли қоғозлар.

Баъзи мамлакатларда капитал моддаларига мазмунан ўхшаш бўлган қимматли қоғозлар тижорат банклари балансининг мажбуриятлар қисмида акс эттирилади. Масалан, Англия тижорат банклари балансининг пассивида жалб қилинган акциялар, деган модда мавжуд. Жалб қилинган акциялар бу ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар бўлиб, банк уларни бозорда кўзда тутилган муддатда қоплаш шarti билан жойлаштиради. Бундай акцияларга мисол қилиб «Мидленд банк» томонидан 1983 йилда чиқарилган, йилига 10,75 фоиз даромад келтирувчи ва қоплаш муддати 1993 ва 1998 йилларни ўз ичига олган акцияларни келтириш мумкин. Ушбу акциялар имтиёзли акцияларга ўхшайди, яъни банк фойда олмаса ҳам уларга фоиз тўлайди.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари капиталини бошқаришга таъсир қилувчи омиллар капиталнинг асосий сифат кўрсаткичларини ўзгартиришга қодир бўлган омиллар ҳисобланади. Уларнинг банк капиталини бошқариш жараёнига таъсир этиш механизмини чуқур ўрганиш ва салбий таъсирга барҳам бериш чораларини ишлаб чиқиш банк капиталини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

II-БОБ. БАНК КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШНИНГ АМАЛИЙ ТАРТИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИНГ МЕЗОНЛАРИ

2.1. Банк капиталини шакллантиришнинг амалиётдаги ҳолати таҳлили

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунига мувофиқ: «Банкнинг устав капитални банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади. Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади»²⁵. Марказий банк 1997 йилдан бошлаб тижорат банкларининг устав капитални ҳажмини оширишга бўлган талабни кучайтирди. Хусусан, 1997 йил январь ойидан бошлаб тижорат банкларига устав капиталини ҳар чоракда белгиланган миқдорда ошириш мажбурияти юклатилди. Бу эса кутилган самарани берди. Яъни 1998–2000 йилларда тижорат банкларининг капитални икки мартаба кўпайди.

Тижорат банкларини устав капиталининг таркиби турли молиявий манбалар ҳисобига шаклланади. Ушбу манбалар ҳақида тадқиқотнинг биринчи бўлимида батафсил ёритилган эди. Уларнинг асосийлари сифатида банк томонидан чиқарилган оддий акцияларни таъкидлашимиз лозим. Банк устав капиталининг асосий қисми ушбу акциялар ҳисобига шакллантирилади.

Ўзбекистон банк амалиётида тижорат банкларининг имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум ҳам устав капитални таркибига киритилади. Бунда, имтиёзли акцияларнинг қиймати устав капитални умумий суммасининг 20 фоиздан ошиб кетмаслиги керак²⁶. Айрим ривожланган индустриал давлатларда, масалан, Германия ва Австрияда имтиёзли акцияларни сотишдан олинган тушумлар банкларнинг устав капитални таркибига киритилмайди, устав капитални фақатгина оддий акцияларни сотишдан олинган тушум ҳисобига шакллантирилади. Чунки имтиёзли акцияларнинг эгалари тижорат банкларининг ҳисобот йилида фойда олиши ёки олмаслигидан қатъий

²⁵ Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 33- бет.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида» ги Қонуни, 1996 йил 26 апрел. 19-модда.

назар белгиланган дивиденд тўловини олиш ёки банк тугатилганда акция учун қўйилган маблағни биринчи навбатда қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон банк амалиётида, халқаро Базель андозаларида кўзда тутилгани каби, устав капиталининг фақат ҳақиқатда тўланган қисми капитал таркибига киритилади. Халқаро амалиётдан маълумки, кўпчилик ҳолларда акциядорларнинг бир қисми таъсис шартномасида кўзда тутилган миқдордаги ўз улушларининг маълум қисмини тўлашдан бош тортадилар ёки тўлашни кечиктирадилар. Шунинг учун ҳам эълон қилинган устав капиталининг фақатгина ҳақиқатда тўланган қисмини тижорат банкининг капитали таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банклари капитали шаклланиш жараёнига баҳо бериш учун банкларнинг жами капиталининг маълум санадага ҳолатини кўриб чиқамиз.

2.1 – жадвал

Тижорат банклари жами капиталининг таркиби
(2004 йил 1 январ ҳолатига)

Т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори (млн. сум)	Салмоғи (фоизда)
1	Устав капитали	102485,0	13,0
2	Эмиссион даромад	0	0,0
3	Махсус захира	609450,0	77,0
4	Тақсимланмаган фойда	39803,0	5,0
5	Жорий йилнинг соф фойдаси	38384,0	4,9
6	Қайта баҳолаш захираси	855,0	0,1
7	Субординациялашган қарз мажбуриятлари	0	0,0
8	Консолидациялашган шўба корхоналарига қилинган қўйилмалар	0	0,0
	Жами капитал –ҳаммаси	790977,0	100,0

Маълумотлардан кўринадикки, тижорат банкларининг жами капитали асосан 2 элемент ҳисобига, яъни устав капитали ва махсус захира ҳисобига шаклланган. Ушбу 2 элементнинг жами капитал ҳажмидаги салмоғи 90,0 (13,0%+77,0%) фоизни ташкил қилади. Устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи юқори эканлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали юқори барқарорлик даражасига эга бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида банк балансининг пассивидаги устав

капитали салмоғининг ижобий ўзгариши банкнинг тўловга қобиллигининг мустаҳкамлигини белгиловчи бирламчи омил ҳисобланади.

Жадвал маълумотларидан кўриняптики, тижорат банкларининг капитали таркибида устав капитали сезиларли даражада юқори салмоқни (13 фоиз) эгаллайди. Бу эса, устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисми бўлиб, оддий ва имтиёзли банк акцияларини бирламчи қимматли қоғозлар бозорида сотиш натижасида шаклланади.

Ҳозирги пайтда тижорат банклари акцияларини олди-сотдисини амалга ошириш учун иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг тўлиғича шакланмаганлиги туфайли оддий ва имтиёзли акцияларининг баҳосини операциялар қиймат усули орқали аниқлашнинг имконияти йўқ. Мамлакат Президенти И.А.Каримов шу хусусда тўхталиб, жумладан шундай деди: **«Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: қачонки қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тўла ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилиш туғилса, акцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина, бу мақсадга эришиш мумкин.**

Содда қилиб айтганда, бу акциялар қонун нуқтаи назаридан қимматли қоғоз деб баҳоланади. Лекин ҳаётда одамлар бунга қандай қараяпти?»²⁷.

Юқорида қайд этилгандек, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги уларнинг бозор баҳосини аниқлаш имкониятини бермаяпти.

Шу сабабли, банклар устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисмини жами капитал ҳажмидаги салмоғи ва банкнинг ресурслари ҳажмидаги салмоғини таҳлил қилишимиз мумкин.

²⁷ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-том, –Т.: «Ўзбекистон», 2004, 205-бет.

Тижорат банклари жами капитали таркибида махсус захирани жуда юқори салмоққа эга эканлиги, фикримизча, салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки тижорат банклари махсус захирасининг сезиларли қисми девальвация захираси ҳисобига вужудга келган. Девальвация захираси банк иқтисодий қийинчиликларга тушганда ундан чиқиб кетиш учун молиявий ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини етарли даражада бермайди. Чунки ушбу захира реал қийматга эга бўлмаган капиталнинг арзон манбаси ҳисобига вужудга келган бўлиб, уни банкнинг актив пул маблағлари ҳисобварақларида манба сифатида кирим қилишнинг имконияти мавжуд эмас.

Тижорат банклари асосий капитали таркибида эмиссион даромадларнинг мавжуд эмаслиги банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини мамлакат фонд биржаларида олди-сотди қилинмаётганлиги билан изоҳланади.

Маълумки, эмиссион даромад тижорат банкининг оддий ва имтиёзли акциялари бозор баҳоси билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ сифатида юзага келади. Тижорат банклари оддий ва имтиёзли акцияларини қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинмаслиги уларнинг бозор баҳосини шаклланмаслигига сабаб бўлади.

Имтиёзли акцияларни, шунингдек оддий акцияларни ҳам сотиш орқали банк капиталини шакллантиришнинг энг қиммат усули ҳисобланади. Чунки имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий акцияларнинг эгаларига нисбатан тўғридан-тўғри банк фойдасини тақсимлашда биринчи навбатда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар, бунинг натижасида тўланиши лозим бўлган банк дивидендларининг миқдори камайиб кетиши мумкин.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тақсимланмаган фойданинг жами капитал ҳажмидаги салмоғи нисбатан сезиларли салмоқни ташкил этади (5,0 фоиз). Бу эса ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки тақсимланмаган фойда банкнинг барча тўловлари амалга оширилгандан сўнг қоладиган фойда бўлиб, у банк акциядорлари йиллик ҳисобот йиғилишининг қарорига мувофиқ ишлатилади. Тижорат банклари мазкур капитал манбаси ҳам молиявий жиҳатдан нисбатан барқарор манба таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ.

Жорий йил соф фойдасининг миқдори ҳам жами капитал ҳажмида сезиларли салмоқни эгаллайди (4,9 фоиз). Бу эса тижорат банклари соф фойдасининг мавжудлигидан далолат беради. Тижорат банкларининг жорий йилдаги соф фойдаси барча харажатлар ва чегирмалардан сўнг вужудга келадиган капитал манбаси ҳисобланиб, республикада банк амалиётида банкларнинг иккинчи даражали капитали таркибига киритилади. Бизнинг фикримизча, ушбу капитал манбасини нисбатан молиявий барқарор манба эканлигини инобатга олиб асосий капитал таркибига киритиш лозим.

Тижорат банклари капитали таркибида қайта баҳолаш захирасининг жуда кичик салмоққа эга эканлиги жадвал маълумотларидан кўриниб турибди. Ҳолбуки, ривожланган хорижий давлатларда қайта баҳолаш захираси банклар қўшимча капиталининг асосий қисмини ташкил этади. Бунинг сабаби, йирик ва ўрта тижорат банклари катта шаҳарларда юқори баланс қиймати мавжуд биноларга эгадирлар. Биноларнинг бозор баҳоси эса, одатда, ўсиш тенденциясига эга. Бундай шароитда юқори қийматга эга бўлган биноларнинг бозор баҳоси ўсиши натижасида катта миқдордаги қайта баҳолаш захираси пайдо бўлади.

Ўзбекистон тижорат банкларида қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг ўсган қиймати 31501-«Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат» ҳисобварағига кириб қилинади. Ушбу сумма, тижорат банкининг 31203-«Тақсимланмаган фойда» ҳисобварағига, яъни асосий капитали таркибига, тегишли активнинг тиклаш ва бошланғич қийматининг эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига тенг миқдорда ҳар ойда ўтказиб борилади²⁸.

Бинолардан ташқари банкларга тегишли ерларнинг бозор баҳоси ошиши натижасида қайта баҳолаш захирасининг миқдори ошади.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Япония ва Ғарбий европа давлатларида тижорат банкларига тегишли ерлар уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Шу сабабли, ерлар баҳосининг ўсиши ҳисобига юзага

²⁸ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 166- бет.

келган захира миқдори тўғридан-тўғри банкнинг қўшимча капитали таркибига киритилади.

Ўзбекистонда тижорат банклари ва бошқа юридик шахслар эгаллаб турган ер майдонларига нисбатан хусусий мулкчилик муносабатлари мавжуд эмас²⁹. Шу сабабли, тижорат банклари фойдаланаётган ер майдонларининг қиймати қайта баҳоланмайди³⁰. Демак, Ўзбекистон тижорат банкларида қайта баҳолаш захираси фақат банкларга тегишли бўлган асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида юзага келади.

Шуни назарда тутиш лозимки, тижорат банкларида қайта баҳолаш захирасини шакллантириш ва ундан банкнинг капиталини ошириш учун фойдаланганда солиққа тортиш механизми бевосита таъсир қилади. Солиққа тортиш механизми таъсирининг моҳияти шундаки, банкда қайта баҳолаш натижасида юзага келган фарқ миқдори фойда ёки даромад ҳисобланади ва солиққа тортилади. Ёки юзага келган фарқ миқдори мулк қийматининг ўсиши сифатида мол-мулк солиғига тортилади. Бунинг натижасида банк реал тушумга эга бўлмаган ҳолда солиқ тўлаган бўлиб чиқади. Бу эса, банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилади.

АҚШ, Япония ва Ғарбий европа давлатларида тижорат банкларининг қайта баҳолаш захираси умуман солиққа тортилмайди. Бу эса қайта баҳолаш захирасидан капитал элементи сифатида фойдаланиш имконини беради.

Демак, тижорат банклари капитали таркибида мазкур захираларнинг кичик салмоққа эга эканлигининг асосий сабаблари сифатида республикамизда қайта баҳолаш ҳисобидан вужудга келган қийматнинг мол-мулк солиғига тортилиши ва тизимли қайта баҳолаш тартибининг ривожланмаганини эътироф этишимиз лозим.

Тижорат банкларида субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги, тижорат банкларининг ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бозоридаги мавқеининг заифлигидан далолат беради. Чунки субординациялашган қарз мажбуриятларининг тижорат банкларига ўрта ва узоқ

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. –Т.: «Ўқитувчи нашриёти», 1998, 19-бет

³⁰ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 169- бет.

муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай ва кам харажатли воситаси ҳисобланади.

Тижорат банклари, аввало, қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади. Шу сабабли, уларнинг ресурслари таркибида асосий ўринни қисқа муддатли молиялаштириш маблағлари эгаллаши лозим. Айтиш мумкин, ўрта ва узок муддатли кредитлаш ҳисобидан молиялаштириладиган юқори рентабелли инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлиб, улар банкларни ўрта ва узок муддатли ресурслар топишга мажбур қилади. Субординациялашган қарз мажбуриятларидан ана шундай ресурсларни жалб қилиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Тижорат банклари жами капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар мавжуд эмаслиги жадвал маълумотларидан яққол кўринмоқда. Демак, бизнинг банкларда лизинг, траст, факторинг, форфейтинг компаниялари каби кредит муассасалари ташкил этиш амалиёти етарли даражада мавжуд эмас. Ҳолбуки, халқаро банк амалиётида тижорат банклари қошида ташкил этилган кредит муассасалари фаолиятининг иқтисодий жиҳатдан самарали экани ўз исботини топган.

Банклар қошида ташкил этилган шўъба корхоналари мустақил балансга эга бўлмайди, улар белгиланган харажатлар сметаси асосида фаолият юритади ва олган фойдаси банкнинг фойдасига қўшилади. Энг муҳими, улар фаолиятини самарадорлигини аниқ кўрсаткичларда ифодалаш мумкин. Шунингдек, тижорат банклари молиявий муассаса сифатида ресурсларга эга бўлиб, ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятлари янада ошади. Бу уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тижорат банкларида кредитдан келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираларининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи кичик эканлиги кузатилди. Ушбу кўрсаткич, 2004 йил 1 январ ҳолатига тижорат банкларининг жами кредит қуйилмаларининг 4,2 фоизини ташкил этган³¹. Бунинг асосий сабаби, тижорат банклари томонидан берилган кредитларни таснифлашда

³¹ Тижорат банкларининг 01.01.2004 йилдаги ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

уларнинг риск даражаси нисбатан юқори эмаслиги ва муддати ўтган ссудаларни кичик миқдорда эканлигидир.

Тижорат банклари капиталини шакллантиришда унинг таркибини барқарор молиялаштириш манбалар ҳисобидан амалга оширишга эришиш банк капиталини бошқаришнинг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 2004 йил 1 январ ҳолатига тижорат банкларининг устав капитални жами капитал ҳажмидаги улуши сезиларли даражада юқори миқдорга эга.

Устав капиталининг бошқа манбаларга қараганда нисбатан юқори барқарорликка эга эканлигини инобатга олиб, унинг жами пасивлар таркибидаги улушини тадқиқ қилганимизда мазкур кўрсаткичнинг сезиларли даражада пасайиб бориш тенденциясига эга эканлигини гувоҳи бўлдик. Масалан, ушбу кўрсаткич, республикамиз тижорат банкларида 1999 йил 1 январ ҳолатига 4,02 фоиз, 2001 йил 1 январ ҳолатига 2,5 фоиз, 2002 йил 1 январ ҳолатига 1,9 фоизни ташкил этган³². Ушбу натижаларни ижобий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. Ушбу ҳолат тижорат банклари капиталини самарали бошқаришдаги мавжуд бўлган муаммо ҳисобланади. Чунки тижорат банклари устав капитални нисбатан юқори барқарорликка эга бўлиб, банк қийин молиявий ҳолатга тушганда ундан асосий ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланади. Тижорат банклари устав капитални салмоғини банк пасивлари таркибидаги улушининг барқарор миқдорини таъминлашга эришиш уларнинг молиявий жиҳатдан бақувват бўлишига хизмат қилади.

Устав капиталини шакллантиришда ҳамда ундан кейинги босқичларда унинг етарлилигини таъминлашда оддий акциялар банк учун қулай молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Оддий акциялар эмиссияси банк учун ташқаридан капитални жалб қилишнинг энг қиммат шакли ҳисобланади. Жумладан, акцияларни молия бозорида жойлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар, оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдорини бошқа қимматли қоғозларга тўланадиган тўловлар рискинни қайд этиб ўтишимиз мумкин. Чунки, банк келгусида, оддий акциялардан режалаштирилган даромад миқдорини

³² Республика тижорат банкларининг мазкур саналарга тузилган ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

ололмай қолиш эҳтимоли доимо сақланиб қолади. Акциядорларнинг муомалага янгидан чиқарилган акцияларни сотиб олиш имконияти бўлмаганда, ушбу акциялар банк фаолияти устидан назорат юритиш талабларини камайтирадилар. Агар янгидан чиқарилган акциянинг ҳар бири тегишли миқдорда фойда келтирмаса уларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Айни вақтда, фикримизча, Ўзбекистон банк амалиётида тижорат банклари устав капиталининг барқарорлигини оширишга хизмат қилувчи икки асосий омил мавжуд:

1. Банкларни масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) шаклида ташкил этишга рухсат берилмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунининг 7-моддасига мувофиқ банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Демак, маълум бўладики банклар масъулияти чекланган жамият сифатида ташкил этилишига қонун ҳужжатларида рухсат этилмаган.

2. Банк муассислари банк рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида банк акциядорлари таркибидан чиқишга ҳақли эмаслиги³³.

Республикаimiz тижорат банкларининг масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этишга рухсат берилмаганининг асосий моҳияти шундаки, масъулияти чекланган жамиятлар шаклида таъсис этилган банкларда таъсисчи молиявий йил давомида ўзининг улушини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса, аввало, банкнинг ликвидлигига салбий таъсир қилади. Тижорат банкларининг асосий қисми акциядорлик шаклида ташкил этилган бўлиб, юқорида қайд этилган қонуннинг талабига мувофиқ акциядорлар молиявий йил мобайнида ўз улушларини талаб қилиб олишга ҳақли эмаслар. Демак, банк молиявий йил давомида акциядорларнинг маблағларини эркин ишлата олади.

Ўзбекистон банк амалиётида банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини сотишдан тушган маблағлар тижорат банклари устав

³³ Ўзбекистон банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. 254- бет.

капиталининг асосий қисмини ташкил этади. Уларнинг бозор баҳосини ошириш устав капитали миқдорини ва эмиссион даромадлар ҳажмини ошириш имконини беради.

Банк оддий акцияларининг бозор баҳоси ижобий ўзгаришига молия бозорида банк акцияларига бўлган талабнинг ошишига таъсир қилади. Имтиёзли акцияларнинг бозор баҳоси эса банкнинг операцион фойдаси ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ. Чунки имтиёзли акциялар учун белгиланган фоизлар операцион фойда ҳисобидан тўланади.

Марказий банк тижорат банкларининг жами капиталига нисбатан 10 фоиз миқдорида минимал етарлилик талаби белгилаган бўлиб, ушбу талабни бузилишига йўл қўймаслик банк капиталини бошқаришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Асосий капиталнинг минимал даражаси эса 5 фоиз қилиб белгиланган.

Асосий капитал қўшимча капиталга нисбатан барқарор молиялаштириш манбаи бўлганлиги сабабли капитални бошқариш жараёнида унга алоҳида эътибор берилади.

Асосий капитални бошқариш жараёнида унинг барқарорлигига, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганишга устуворлик берилади. Биз кейинги параграфда асосий капитални бошқариш амалиётини қараганимизда бу масалага алоҳида эътибор берамиз.

Банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш капитални бошқаришнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Биз баҳолаш мезонларини мазкур бўлимнинг кейинги параграфларида кўриб чиқамиз. Банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда капиталнинг қийматини баҳолаш марказий масала ҳисобланади.

Лекин, шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда абстракт мушоҳадаларга ҳам сезиларли ўрин ажратилади. Бунинг сабаби, банк капиталидан айнан қайси актив операцияларни амалга оширишда фойдаланилаётганлигини аниқлашнинг иложи йўқ. Чунки банк ресурсларидан умумий асосда фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари капиталини шакллантириш ва бошқаришнинг назарий асосларини тўғри талқин қилиш ва бу борада мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш, тижорат банклари капиталини бошқаришни такомиллаштириш тадбирларини илмий жиҳатдан асослаш учун жиддий замин ҳозирлайди.

2.2. Банк капиталини бошқаришнинг амалдаги тартибининг таҳлили

Аввалги параграфларда банк капитали иқтисодий мазмуни, таркиби, бошқаришнинг назарий асослари ва уни шакллантиришнинг амалиётдаги ҳолати ўрганилди. Ушбу параграфда тижорат банклари капиталини бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинади.

Таҳлил жараёнида асосий эътибор капиталнинг таркиби ва динамикаси ҳамда унинг етарлилиги борасидаги асосий тенденцияларни аниқлашга қаратилади.

Банк капиталининг манбалари ва уларнинг капитал таркибидаги салмоғи ҳамда аҳамияти бир-биридан кескин фарқ қилади. Халқаро банк амалиёти тажрибасидан маълумки, тақсимланмаган фойда ва захиралар миқдори жами капитал салмоғининг 40 фоизидан кўпроғини ташкил этади. Оддий ва имтиёзли акцияларнинг салмоғи банк жами капиталининг учдан бир қисмини ташкил этади.

Субординациялашган қимматли қоғозлар ва мажбуриятлар банк капитали таркибида нисбатан кичик салмоққа эга. Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида субординациялашган қимматли қоғозлар ҳозирча мавжуд эмас. Кейинги пайтларда субординациялашган қарз мажбуриятлари банклар учун узок муддатли молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири бўлиб қолмоқда. Банк капиталини тартибга солувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар ушбу қимматли қоғозларни банкнинг кредиторлари ва омонатчилари олдидаги мажбуриятларини бажаришда кўпроқ фойдаланишга ундайди.

Шундай қилиб, агар банк тугатиладиган бўлса, унинг активлари сўндирилиб, омонатчилари биринчи навбатда компенсация оладилар, субординациялашган қимматли қоғоз эгалари ўз улушларини олиш нуқтаи назаридан иккинчи даражали ҳуқуққа эгадирлар. Лекин ушбу қимматли қоғоз эгалари банкнинг даромадларини тақсимлашда оддий ва имтиёзли акция эгаларига қараганда имтиёзга эга бўладилар. Шунинг учун, халқаро банк амалиётида кейинги йилларда банк капитали таркибида субординациялашган қимматли қоғозлар улушининг ошиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин.

Одатда, ушбу қимматли қоғозлар муомалага чиқарилгандан сўнг жуда қисқа муддат ичида сармоядорлар томонидан сотиб олинади. Тўланадиган фоиз ставкалари қатъий белгиланган ёки тебраниб турувчи бўлади (асосан давлат қимматли қоғозлари ёки қисқа муддатли евродоллар депозитларига ўрнатилган фоизлар миқдорида).

Ўзбекистон тижорат банклари капиталини бошқаришнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш учун уларнинг капитали таркибини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда уларнинг жами капитали таркиби ва динамикасини таҳлил қиламиз.

2.3-жадвал

Тижорат банклари жами капиталининг таркиби ва динамикаси

(фоизда)

Т/р	Моддалар	01.01.2001й.	01.01.2002й.	01.01.2003й.	01.01.2004й.	01.01.2004 йилда 01.01.2001 йилга нисбатан ўзгариши (пункт)
1.	Устав капитали	18,4	14,8	12,4	13,0	-5,4
2.	Эмиссион даромад	0,0	0,0	0,0	0,0	X
3.	Махсус захира	62,7	72,6	76,6	77,0	+14,3
4.	Таксимланмаган фойда	9,6	5,8	5,3	5,0	-4,6
5.	Жорий йилнинг соф фойдаси	9,2	6,6	5,5	4,9	-4,3
6.	Қайта баҳолаш захираси	0,1	0,2	0,2	0,1	0,0
7.	Субординациялашган қарз мажбуриятлари	0,0	0,0	0,0	0,0	X
8.	Консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар	0,0	0,0	0,0	0,0	X
Жами капитал – ҳаммаси		100,0	100,0	100,0	100,0	X

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, тижорат банклари капиталининг шаклланишида устав капитали ва махсус захира муҳим ўрин тутди. Ушбу капитал элементларининг жами капитал ҳажмидаги юқори салмоғи юзага келишига қуйидаги омиллар таъсир қилади.

а) Республикадаги қатор йирик тижорат банклари устав капиталининг сезиларли қисми хорижий валюталарда шакллантирилганлиги;

Миллий валюта алмашув курсининг тебраниши шароитида устав капиталига қўйилган хорижий валюталар банкларнинг балансида девальвация захираси миқдорининг кўпайишига олиб келади. Девальвация захираси эса, ўз навбатида, махсус захиранинг таркибига киритилади. Бинобарин, махсус захиранинг ўсиши юз беради.

б) Кичик ва хусусий бизнес корхоналарини ҳамда деҳқон-фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш фонди маблағларининг кўпайиши.

Тижорат банкларида эмиссион даромаднинг юзага келмаётгани жадвал маълумотларидан яққол кўриниб турибди. Бу эса банкларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини мамлакат қимматли қоғозлар бозорида доимий савдо объектига айланмаганидан далолат беради. Бизга маълумки, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида эмиссион даромадлар банкларнинг асосий капитали таркибида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Бунинг боиси, биринчидан, тижорат банклари, қимматли қоғозларнинг эмиссия ҳажмига кўра, ҳукуматдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Юқори даражадаги эмиссия ҳажми йирик миқдорда эмиссион даромад олиш учун бирламчи асосни юзага келтиради. Бундай ҳолатни АҚШ, Япония ва Германия давлатларининг банк амалиётида яққол кузатиш мумкин. Иккинчидан, ривожланган хорижий давлатларда тижорат банкларининг асосий қисми тўловга қобил бўлган хўжалик субъектлари сифатида юқори нуфузга эгадир, шунинг учун ҳам мазкур мамлакатларнинг молия бозорларида тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга нисбатан барқарор талаб мавжуд. 2000 йилнинг охирига келиб халқаро фонд бозорларида тижорат банкларининг акцияларига бўлган талаб кескин ошди. Экспертларнинг фикрига кўра, бунинг асосий сабаби, ҳукумат қимматли қоғозларининг даромадлик даражаси ва банк депозитларининг фоиз ставкасининг пастлигидир.

Ҳозирги вақтда, Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, етакчи индустриал давлатларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги молиявий операцияларининг 50 фоизга яқин қисми ўнта йирик тижорат банкнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу ўз навбатида тижорат банкларининг

қимматли қоғозлари билан боғлиқ операциялар кўламини кенгайтишига хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар бозори ривожланган мамлакатлар фонд биржаларида олди-сотди қилинаётган акцияларнинг қиймати тўғрисида аниқ молиявий маълумотлар мавжуд. Бундай шароитда муомаладаги акцияларнинг қиймати акция чиқарилаётган вақтдаги баҳо билан унинг бозор баҳоси ўртасидаги фарқни аниқ ажратиш имконини беради. Акцияларнинг бозор баҳосини ошишига тижорат банкларнинг эмитент сифатида молиявий барқарорлиги бевосита таъсир кўрсатади. Ана шу барқарорликдан келиб чиққан ҳолда инвесторлар акциялардан оладиган даромадларининг миқдорини чамалайди, агар прогноз кўрсаткичлари даромадларнинг ошишидан гувоҳлик берса, у ҳолда мазкур банкларнинг акциялари бозор баҳоси ошади.

Янгидан эмиссия қилинган акциялар ўзида кўшилган қийматга муносиб бўлган устама қийматни акс эттириши лозим. Бу эса янги акциядорларга эски акциядорлар билан тенг ҳуқуқли асосда банкнинг соф фойдасини тақсимлаш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқини беради. Бу билан янги акциядорларнинг маблағларини муваффақиятли тарзда тижорат банкларининг фаолиятига жалб қилиш таъминланади.

Эмиссион даромадларнинг шаклланиш жараёнини таҳлил қилишда нокумулятив имтиёзли акцияларни чиқариш ва уларни бошқариш масаласи тижорат банклар эътиборидан четда қолмоқда. Бунинг сабаби, нокумулятив имтиёзли акциялар бир вақтнинг ўзида қатъий белгиланган фоизларда даромад келтиради ва ўз эгасига банкнинг соф фойдасини тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқини ҳам беради. Бу эса банкнинг акциядорларига нисбатан эътиборсизлик сифатида баҳоланиши мумкин. Чунки нокумулятив имтиёзли акцияларнинг эгалари банкнинг акциядорлари оладиган дивидендларга ҳам шерик бўладилар.

Ушбу масаланинг республикамиз банк амалиёти учун аҳамиятга молик жиҳати шундаки, Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги 420-сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талабалар тўғрисида»ги Низомига мувофиқ, тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан тушган маблағлар банкнинг асосий капитали

таркибига киритилади. Марказий банкнинг талабига мувофиқ, нокумулятив имтиёзли акцияларни асосий капитал таркибига киритиш учун улар куйидаги тўрт хусусиятга эга бўлиши лозим.

1. Нокумулятив имтиёзли акцияларни банк томонидан қайта сотиб олиш санаси ва шартлари бўлмаслиги лозим.

2. Ушбу акциялар, эгасининг хоҳишига кўра исталган вақтда банкка қайта сотилиши мумкин эмас.

3. Нокумулятив имтиёзли акцияларга тўланадиган дивидендлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тўланмаслиги мумкин.

4. Нокумулятив имтиёзли акциялар бўйича ўтган йиллардан қолиб кетган дивидендлар тўлаб берилмаслиги лозим.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 2000-2003 йиллар мобайнида тижорат банклари жами капиталининг таркибида устав капиталининг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди. Тижорат банклари фаолиятини молиявий таҳлил қилиш талаблари нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу тенденция салбий ҳисобланади. Чунки халқаро Базель қўмитаси ва Жаҳон банки экспертларининг, шу жумладан, Крис Барлтроп, Диана Мак Нотонларнинг фикрига кўра, банкнинг устав капитали жами капитал таркибига нисбатан энг барқарор молиялаштириш манбаидир. Албатта, бу ерда гап устав капиталининг тўланган қисми ҳақида кетмоқда. Шу сабабли, тижорат банки устав капитали салмоғининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги банк капиталини бошқаришдаги жиддий камчиликлардан бири сифатида таъкидлаш мумкин.

Бунинг устига, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, банк акциядорлари устав капиталидаги ўзларининг улушларини молиявий йил тугагунга қадар олишга ҳақли эмаслар.

Банк акциядорларининг нуқтаи назаридан олиб қараганда банкнинг оддий акцияларини сотиб олишга сарфланган маблағлар акциядорлар учун юқори рискли капитал ҳисобланади. Чунки акциядорлар оддий акция учун фақат дивиденд оладилар. Дивиденд эса банкнинг соф фойдаси ҳисобидан тўланади. Ҳолбуки, банкнинг исталган мажбурий тўловлари ва захиралари

миқдори молиявий йил давомида кескин ўзгариши мумкин. Масалан, муддати ўтган кредитлар миқдорининг ўзгариши кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг ўсишига олиб келади. Бу ҳолат банкнинг операцион фойдаси ҳажмини қисқартиради ёки солиққа тортиш базасининг ва солиқ ставкасининг ўзгариши натижасида банкнинг солиқ тўловларини ўзгаришига олиб келади. Агар солиқ базаси кенгайса ва солиқ ставкаси кўтарилса, банкнинг солиқ тўловлари шаклидаги харажатлар миқдори ошади. Пировардида, тижорат банкининг операцион фойдаси миқдорини камайишига олиб келади. Демак, банкнинг оддий акцияларининг эгалари, бир томондан, кам дивиденд олиш хавфига дучор бўлсалар, иккинчи томондан, акцияларнинг бозор баҳосининг пасайиши орқали банкнинг барча зарарида иштирок этадилар.

Маълумот натижаларидан кўринадик, таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банклари тақсимланмаган фойдасининг жами капитал таркибидаги салмоғи нобарқарор бўлган. 2003 йилда 2000 йилга нисбатан тақсимланмаган фойда салмоғининг сезиларли даражада пасайиши кузатилган. Бизнинг фикримизча, тақсимланмаган фойда салмоғининг пасайишини салбий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди, бунинг сабаби биринчидан, тақсимланмаган фойда миқдорини режалаштиришнинг иложи йўқ. Чунки унинг миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади, иккинчидан, тақсимланмаган фойда салмоғининг кичиклиги ёки тақсимланмаган фойданинг юзага келмаслиги акциядорларга тўланадиган дивидендлар миқдорининг ошиши натижасида бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда дивидендлар миқдорининг ошиши оддий акциялар бозор баҳосининг ошиши учун муҳим омил сифатида хизмат қилиши мумкин.

Банкнинг тақсимланмаган фойдаси, моҳиятига кўра, фойданинг мутлақ озод қолдиғи бўлиб, ундан банкнинг ўтган йиллардаги зарарларини қоплашда, фойда ҳисобидан воз кечилаётган фоизларни балансдан чиқаришда фойдаланилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда фоизларни ўстирмаслик сиёсати қўлланилаётган кредитларга нисбатан фоизларни ўстирмаслик муддати кейинги молиявий йилда тугаган тақдирда, ҳисобланган, лекин ундирилмаган

фоизлар миқдори тақсимланмаган фойда ҳисобидан кечилади. Агар фоизларни ўстирмаслик муддати жорий молиявий йилнинг ўзида тугаса, у ҳолда ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар тегишли фоизли даромадлар ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан кечилади.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2000-2003 йиллар мобайнида тижорат банкларининг жорий йилдаги соф фойдасининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, биринчидан, жорий йилнинг соф фойдаси тижорат банкларининг иккинчи даражали капитали таркибидаги асосий элемент ҳисобланади; иккинчидан, жорий йилдаги соф фойда миқдорининг камайиши банкнинг операцион ва фоизли харажатлар миқдорининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. Бунинг натижасида тижорат банкининг молиявий имконияти чекланиб қолади; учинчидан, банкнинг кўшимча капитал базаси заифлашади.

2000-2003 йиллар мобайнида, тижорат банклари жами капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятларнинг юзага келмаганлиги, уларнинг ўрта ва узок муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай воситасидан фойдаланмаганидан далолат беради.

Масаланинг моҳияти шундаки, тижорат банклари деярли барча мамлакатларда, аввало, қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларнинг баланси пасивида қисқа муддатга жалб қилинган ресурслар асосий ўринни эгаллайди. Бундай шароитда тижорат банклари учун ўрта ёки узок муддатли ресурслар жалб қилишнинг кам харажатли синалган усули бўлиб субординациялашган қарз мажбуриятларини чиқариш ҳисобланади.

Тижорат банклар капиталини бошқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш жараёнини чуқурлаштириш мақсадида номлари шартли равишда олинган «Абсолют» ва «Сифат» тижорат банклари жами капиталининг таркиби ва динамикасини бошқариш амалиётини кўриб чиқамиз.


**«Абсолют» тижрат банки жами капиталининг
таркиби ва динамикаси**

(фоизда)

Т/р	Кўрсаткичлар	01.01. 2001й.	01.01. 2002й.	01.01. 2003 й.	01.01. 2004 й.	01.01.2004йилда 01.01.2001 йилга нисбатан ўзгариши. (пункт)
1.	Устав капитали	6,2	7,5	5,5	5,1	-1,1
2.	Эмиссион даромад	0,0	0,0	0,0	0,0	X
3.	Махсус захира	71,0	80,9	85,3	88,5	+17,5
4.	Тақсимланмаган фойда	14,3	7,8	6,7	4,4	-9,9
5.	Жорий йилнинг соф фойдаси	8,5	3,8	2,5	2,0	-6,5
6.	Қайта баҳолаш захираси	0,0	0,0	0,0	0,0	X
7.	Субординациялаш ган қарз мажбуриятлари	0,0	0,0	0,0	0,0	X
8.	Консолидациялаш ган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар	0,0	0,0	0,0	0,0	X
Жами капитал – жами			100,0	100,0	100,0	

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2000-2003 йиллар мобайнида «Абсолют» банкининг жами капитали таркибида устав капитали салмоғининг сезиларли даражада пасайиши юз берган. Бунинг асосий сабаби таҳлил қилинган давр мобайнида махсус захира салмоғининг юқори даражада ўсиши кузатилган. Бу ўсишнинг туб сабабларини аниқлаш учун 2.2-диаграмма маълумотларидан фойдаланамиз. Шунингдек, таҳлил қилинган ҳисобот даврида «Абсолют» банкининг жорий йил соф фойдаси ҳам камайиб бориш тенденциясига эга бўлган. Соф фойданинг камайиб бориши банкнинг ҳисобот давридаги операцион харажатларининг ошиб бораётганидан далолат беради.

**«Абсолют» банки махсус захираларнинг
2004 йилнинг 1 январ ҳолатига бўлган таркиби³⁴**



Демак, «Абсолют» тижорат банкида махсус захиранинг ўсиши девальвация захираси суммасининг ўсиши билан изоҳланади. Чунки махсус захиранинг мутлақ асосий қисми девальвация захираси миқдоридан иборатдир. Ўз навбатида, девальвация захираси йирик миқдорда экани ва ўсиш суръатининг юқорилиги миллий валюта – сўмнинг алмашув курсини 2001-2003 йилларда сезиларли даражада пасайганлиги билан изоҳланади.

«Абсолют» тижорат банкининг жами капитали таркибидаги махсус захирасининг ўсиб боришини 2.4-жадвал маълумотларидан аниқладик ва унинг туб сабабларини аниқлаш учун 2.2-диаграмма маълумотларидан фойдаландик.

«Абсолют» тижорат банки жами капиталини бошқариш амалиётини Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида» ги 420-сонли йўриқномаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тарзда баҳоладик.

Ҳозирги вақтда банкнинг жами капитали ва асосий капиталига Марказий банк томонидан қўйилган талаблар тўлиқ бажарилмоқда. Банк уставига кўра, банкнинг устав капитали республика бюджети маблағлари ва банк фойдасини капиталлаштириш ҳисобидан шакллантирилади.

³⁴ «Абсолют» тижорат банкининг 01.01.2001 йил ҳолатига тузилган ҳисоботи асосида тайёрланди.

«Абсолют» тижорат банки уставига мувофиқ ҳамда амалдаги қонунчиликка асосан солиқлар тўлангач ва фондларга ажратмалар ажратилгач даромадлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган мақсадлар учун ишлатилади. Банк Кенгаши эса банк фаолиятининг йиллик натижаларини тасдиқлайди, банк Бошқарувининг тавсиясига кўра даромадларни, шунингдек, зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 104-сонли қарорининг 1-иловаси «2000-2003 йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури» да 2000-2001 йилларда банк акцияларининг 40 фоизини хорижий инвесторларга сотилиши кўзда тутилган эди.

«Абсолют» тижорат банки акцияларини хорижий инвесторларга сотилиши банкнинг балансида эмиссион даромадларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо, ҳозирча, банк капиталининг таркибида эмиссион даромадлар мавжуд эмас.

Юқорида қайд этганимиздек, 2000-2003 йиллар мобайнида банк капиталининг таркибида жорий йилнинг соф фойдаси салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги банкнинг фоизли ва операцион харажатлари миқдорининг кескин ўсаётганидан далолат беради. Бундай шароитда банк акцияларининг бозор баҳосини ошириб бўлмайди.

«Абсолют» тижорат банки жами капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги банк томонидан ўрта ва узоқ муддатли молиявий ресурсларни жалб қилиш борасида сезиларли ишларни амалга оширилмаганидан далолат беради. Шунингдек, банкнинг жами капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар ҳам мавжуд эмас. Бу эса банкнинг қошида турли шаклдаги кредит муассасаларини очиш амалиётининг йўқлигидан далолат беради.

Энди йирик банклардан бири «Сифат» тижорат банкининг капиталини таркибини кўриб чиқамиз.

**«Сифат» тижорат банки жами
капиталининг таркиби ва динамикаси**

(фоизда)

Т/р	Кўрсаткичлар	01.01. 2001й.	01.01. 2002й.	01.01. 2003й.	01.01. 2004й.	01.01.2004 йилда 01.01.2001 йилга нисбатан ўзгариши (пункт)
1.	Устав капитали	42,0	40,6	33,5	28,2	-13,8
2.	Эмиссион даромад	0,0	0,0	0,0	0,0	X
3.	Махсус захира	21,4	27,7	36,0	41,0	+19,6
4.	Тақсимланмаган фойда	16,7	12,1	11,2	14,1	-2,6
5.	Жорий йилнинг соф фойдаси	19,6	19,4	19,0	16,6	-3,0
6.	Қайта баҳолаш захираси	0,3	0,2	0,3	0,1	-0,2
7.	Субординациялашган қарз мажбуриятлари	0,0	0,0	0,0	0,0	X
8.	Консолидациялашган шўба корхоналарга қилинган қуйилмалар	0,0	0,0	0,0	0,0	X
Жами капитал – жами		100,0	100,0	100,0	X	

Келтирилган маълумотлардан кўринадик, «Сифат» тижорат банкида таҳлил қилинган давр мобайнида устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, устав капитали нисбатан барқарор молиялаш манбаидир. Бизнинг фикримизча, устав капитали салмоғининг 2004 йилда 2001 йилга нисбатан 13,8 пунктга пасайиши сезиларли даражадаги пасайиш ҳисобланади. Бу эса банк асосий капиталининг сифат даражаси салбийлашганидан далолат беради.

Таҳлил қилинган давр мобайнида, махсус захиранинг банк жами капиталидаги салмоғи 19,6 пунктга ошиши юз берди. Бу ошиш, асосан, капитал захираси ва имтиёзли кредитлаш фондининг ўсиши ҳисобига юз берди. Чунки банкнинг махсус захираси ана шу икки элементдан ташкил топади, таҳлил қилинган даврда эса девальвация захираси мавжуд бўлмаган. Хусусан, 2002 йилда банк махсус захирасининг 54 фоизи капитал захираси ҳиссасига, 46 фоизи эса имтиёзли кредитлаш фондининг ҳиссасига тўғри келди. Бу эса банкни кичик ва ўрта бизнес корхоналарини кредитлашга алоҳида эътибор бераётганидан далолатдир.

Банкнинг 2004 йилда йилдаги соф фойдаси 2001 йилга нисбатан салмоқ жиҳатидан сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Бу эса, фикримизча, салбий ҳолат ҳисобланади ва банкнинг фоизли ва операцион харажатлари миқдорининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Бошқа йирик тижорат банкларидаги каби «Сифат» тижорат банкида ҳам эмиссион даромадлар, субординациялашган қарз мажбуриятлари ва консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар мавжуд эмас.

Энди биз таҳлил объекти сифатида Ўзбекистон-Голландия қўшма банки, яъни ЎзАБН Амро банкни оламир. Бунинг сабаби қўшма банклар фаолияти бошқа тижорат банклари фаолиятидан фарқ қилувчи айрим ўзига хос жиҳатларга эга. Масалан, бир қатор қўшма банкларда банк капитали ўрнига унинг ўрнини босувчи бошқа кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар одатда норматив характерга эга бўлади. Хусусан, XX асрнинг етмишинчи йилларида Нью Йоркда очилган хорижий банкларнинг филиаллари ва қўшма банклар учун «108 талаби» қўлланилар эди. Ушбу талабга кўра банкларнинг активлари пасивларнинг 108 фоизидан кам бўлмаслиги керак эди.

Қўшма банклар фаолиятига хос бўлган хусусиятлардан яна бири уларнинг хорижий бош банк билан ўзаро ҳисоб-китоблар тизими такомиллашган бўлиб, банклараро муносабатларда юзага келадиган банк хизмати турларидан кенг кўламда фойдаланади. Масалан, Ўзбекистон тижорат банклари томонидан очиладиган таъминланмаган импорт аккредитивларини хорижий банклар томонидан маъқулланиши мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо қўшма банклар учун бундай муаммо йўқ. Чунки улар томонидан очилган аккредитивлар бош банк томонидан тасдиқланади ёки қўшма банклар бош банкнинг юқори репутацияси эвазига таъминланмаган аккредитив очиш имкониятига эга бўладилар.

ЎзАБН Амро банк жами капиталининг таркиби

Т/р		01.01.2000й.	01.01.2002й.	(фоизда)
				Ўзгариши. (пункт)
1.	Асосий капитал	75,9	82,2	+6,3
2.	Қўшимча капитал	24,1	17,8	-6,3
3.	Капиталдан чегирмалар	-	-	-
Жами капитал		100,0	100,0	X

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, мазкур банкда жами капиталнинг асосий қисмини асосий капитал ташкил қилади. Худди шундай ҳолатни Ўзбекистоннинг йирик тижорат банкларида ҳам кузатиш мумкин. Таҳлил қилинган давр мобайнида ЎзАБН Амро банк асосий капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғини сезиларли даражада, яъни 6,3 пунктга ўсганлиги кузатилди. Бу эса банк капиталининг сифат жиҳатдан яхшиланганидан далолат беради.

Банкнинг асосий капиталининг ўсиши девальвация захираси ва тақсимланмаган фойданинг ўсиши ҳисобига юз берди. Хусусан, 2002 йилнинг 1 июл ҳолатига келиб, 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан девальвация захираси 527,4 минг сўмга, тақсимланмаган фойда эса 1488,5 минг сўмга ошди.

Ўзбекистон Републикаси «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 20-моддасига асосан, акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, унинг устав капиталини таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорда шакллантирилиши бир йилдан ошмаслиги, 33-моддаси талабига биноан эса, таъсис мажлисида белгиланган муддатда, лекин жамият рўйхатдан ўтгандан сўнг бир йилдан кечиктирмасдан акцияларини тўла сотиб олиши лозим.

Тижорат банклари капиталини бошқаришда, капиталнинг етарлилик масаласи марказий масалалардан бири ҳисобланади. Қуйида «Абсолют», «Сифат» ва АБН Амро банкларининг асосий капиталини, яъни биринчи даражали капиталининг етарлилик даражасини кўриб чиқамиз.

**«Абсолют», «Сифат» ва ЎзАБН Амро банкларининг асосий
капиталини етарлилигига нисбатан қўйилган
талабнинг 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига бажарилиши**

Асосий капиталнинг етарлилиги коэффицентини (АКЕК) аниқлаш методикаси	Марказий банк томонидан белгиланган минимал даража микдори	«Абсолют» тижорат банк	«Сифат» тижорат банк	ЎзАБН Амро банк
АКЕК = капиталнинг умумий суммаси / таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммаси	0,05	0,35	0,26	0,75

Мазкур параграфнинг 2.3 ва 2.4-жадвал маълумотларидан маълумки йирик тижорат банкларда асосий капитал жами капиталнинг мутлақ асосий қисмини ташкил этади. Масалан, 2003 йилнинг 1 январ ҳолатига «Абсолют» тижорат банкининг жами капитали таркибида асосий капиталнинг салмоғи 98,0 фоизни, «Сифат» банкида эса 83,3 фоизни ташкил этди. Шу сабабли ҳам барча йирик тижорат банкларида асосий капиталнинг етарлилик даражаси жуда юқоридир.

Ривожланаётган давлатларда ривожланган индустриал давлатлардан фарқли ўлароқ, тижорат банкларининг активлари таркибида юқори рискли активлар нисбатан кичик салмоқни эгаллайди. Жумладан, ривожланаётган давлатларнинг тижорат банкларида юқори ликвидли, аммо паст риск даражасига эга бўлган активлар юқори салмоқни эгаллайди. Шунинг учун ҳам мазкур давлатларда банк жами капиталининг ва асосий капиталининг етарлилик даражаси юқоридир.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан 1998 йилда ишлаб чиқилган банк капиталининг етарлилик коэффицентини банк капиталини рискка тортилган активлар микдорига нисбати билан ифодаланади. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон тижорат банкларининг жами активлари таркибида юқори рискли активлар микдорининг пастлиги банкларнинг рискка тортилган активлари микдорининг кичик бўлишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Базель андозаларидан олдинги андозаларда активларнинг риск даражасига кўра фарқлаш мумкин эмас эди. Унга мувофиқ, тижорат банкларнинг жами ва асосий капиталининг етарлилиги рискка тортилган активларга нисбатан аниқланишининг жорий қилиниши тижорат банкларнинг активларини йўқотишини олдини олишга ҳамда уларнинг банкрот бўлиш эҳтимолини камайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, тижорат банклари жами капиталининг асосий қисми асосий капиталдан ташкил топмоқда, асосий капитал эса, асосан, махсус захира ва устав капиталдан иборатдир; иккинчидан, Ўзбекистон тижорат банкларининг қўшимча капитал базаси жуда заифдир; учинчидан, Ўзбекистон тижорат банклари жами капитали ва асосий капиталига нисбатан Марказий банк томонидан қўйилган талаблар юқори даражада бажарилмоқда, бу эса, банкларнинг рискка тортилган активлари миқдорининг нисбатан кичик эканлигидан далолат беради.

2.3. Банк капиталини бошқариш самарадорлигининг асосий мезонлари

Тижорат банки капиталининг иқтисодий мазмуни ва уни шакллантириш манбаларини тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, банк капитали молиявий барқарор манбаи ҳамда банкларнинг операцион фаолиятида кутилмаганда юзага келадиган харажатлар ва зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир. Капитал банкка иқтисодий конъюнктуранинг ўзгариши натижасида юзага келадиган янги иқтисодий шароитга мослашиш имконини берувчи молиялаштириш манбаидир.

Капитал банкнинг кредит муносабатлари натижасида йўқотиши мумкин бўлган рискларидан ҳимояланишнинг муҳим воситасидир. Тижорат банкларида иқтисодий рискларнинг асосий тури кредит рискидир. Чунки тижорат банкларининг бирламчи ва асосий вазифаси кредит муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади. Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида асосан таъминланмаган кредитлар берилади, ушбу мамлакатларда гаровли кредитлар бериш амалиётидан деярли воз кечилган. Натижада, банк учун кредит риски доимо сақланиб қолади ва берилган кредитларнинг ҳамда уларга ҳисобланган фоизларнинг маълум қисми ўз вақтида қайтмаслик ҳолатлари банк амалиётида тез-тез учрайди. Бундай шароитда банк капитали кредит рискларидан йўқотиш эҳтимолини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тижорат банклари ликвидлик рискинни бошқаришда банк капиталидан фойдаланилади. Ликвидлик риски деганда, банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган миқдорда ликвидли маблағларга эга бўлмай қолиш хавфи тушунилади. Ликвидлик риски банкнинг репутациясига салбий таъсир қилади ва мижозларнинг банкдан кетиб қолишига сабаб бўлади. Ушбу ҳолатда банк капитали ликвидлик рискинни пасайтиришга хизмат қилади.

Капиталнинг юқорида қайд этилган хусусиятлари уни бошқариш самарадорлигини белгиловчи бирламчи мезонларини аниқлаш имконини беради. Бизнинг фикримизча, банк капиталининг бирламчи бошқариш мезони сифатида қуйидаги икки кўрсаткични олиш мумкин:

1) банк жами капитали етарлигининг барқарор даражасини таъминлаш;

2) банк капиталининг нисбатан барқарор қисми бўлган асосий капиталнинг етарлилик даражасининг барқарорлигини таъминлаш.

Тижорат банки жами капитали етарлигининг барқарорлигини таъминлашни таҳлил қилиш учун бу кўрсаткичнинг ойлик, чораклик ва йиллик даврлардаги ўзгаришини ўрганиш лозим.

Ўзбекистоннинг қатор йирик тижорат банкларида жами капитал етарлигининг даражасини ўрганиш учун қуйидаги жадвал маълумотларига муурожаат қиламиз.

2.9-жадвал

**Йирик тижорат банкларида жами капитали
етарлилик даражасининг (капиталнинг адекватлилик
коэффициенти) таъминланиши**

Т/р	Банклар	01.01. 2000 й.	01.01. 2001 й.	01.01. 2002 й.	01.01.2002 йилда 01.01.2000 йилга нисбатан ўзгариши
1.	ТИФ миллий банки	0,23	0,41	0,35	+0,12
2.	«Ўзсаноатқурилишбанк»	0,35	0,26	0,31	-0,04
3.	«Ўзпахтабанк»	0,26	0,41	0,41	+0,15
4.	«Асакабанк»	0,32	0,71	0,66	+0,34
5.	«Ўзуйжойжамғармабанк»	0,35	0,35	0,36	+0,01
6.	«Ғаллабанк»	0,17	0,23	0,24	+0,07

Маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида барча йирик тижорат банкларида жами капиталнинг етарлигига нисбатан Марказий банк томонидан қўйилган минимал талаб бажарилган.

«Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Ғаллабанк» да жами капитал етарлигининг барқарор даражасига эришилган. «Ўзсаноатқурилишбанк» тижорат банкида 2002 йилнинг 1 январ ҳолатига жами капитал етарлилик даражасининг таъминланиши 2000 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан 0,04 пунктга пасайган. Бу сезиларсиз даражадаги пасайиш бўлиб, мазкур банкда жами капитал етарлигининг таъминланиши барқарор деган хулосани шакллантириш имконини беради.

ТИФ миллий банки, «Пахта Банк» ва «Асака» банкда жами капиталнинг етарлилик даражасини сезиларли миқдорда ошганлиги кузатилди. Бу ҳолат капиталнинг адекватлилик нуқтаи назаридан олиб қараганда ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин тижорат банк фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назаридан олиб қараганда салбий ҳолат сифатида ҳам баҳоланиши мумкин. Чунки тижорат банки активлари таркибида юқори рискли активлар салмоғининг нисбатан кичиклиги жами капитал етарлилик даражасини нисбатан юқори бўлишига олиб келади. Активларнинг риск даражаси юқори бўлса, уларнинг даромадлиқ даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам жами капитал етарлигининг юқори даражаси банк активлари даромадлигини паст даражада эканлигидан далолат бериши мумкин.

Жами капиталнинг нисбатан барқарор қисми бўлиб асосий капитал ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банк капиталини бошқариш самарадорлигини белгиловчи бирламчи мезонлардан бири асосий капитални етарлилик даражаси барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Тижорат банкларининг асосий капитали жами капитал таркибида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди, бу эса уларга асосий капиталнинг етарлиликка қўйилган талабни бажаришига имконият яратади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг асосий капитали таркибида устав капиталининг улуши камайиб бориш тенденциясига эга бўлиб, буни салбий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Тижорат банклари асосий капиталининг таркибида устав капитали улушининг камайиб бориш тенденциясига эга эканлигининг бош сабабларидан бири девальвация захираси ҳисобланади. Чунки тижорат банклари асосий капитал таркибидаги девальвация захираси улушининг доимий равишда ўсиб бориши эвазига Марказий банк томонидан ўрнатилган асосий капиталнинг етарлиликка қўйилган талабни бажаришга муваффақ бўлмоқдалар.

**Йирик тижорат банкларида асосий
капиталнинг етарлилик даражасини (асосий капиталнинг адекватлилик
коэффициенти) таъминланиши**

Т/р	Банклар	01.01. 2000 й.	01.01. 2001 й.	01.01. 2002 й.	01.01.2002 йилда 01.01.2000 йилга нисбатан ўзгариши
1.	ТИФ миллий банки	0,18	0,40	0,35	+0,17
2.	«Ўзсаноатқурилишбанк»	0,35	0,21	0,26	-0,09
3.	«Пахта Банк»	0,25	0,34	0,33	+0,08
4.	«Асакабанк»	0,25	0,67	0,64	+0,39
5.	«Ўзуйжойжамғармабанк»	0,33	0,35	0,34	+0,01
6.	«Ғаллабанк»	0,12	0,19	0,20	+0,08

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, барча йирик тижорат банкларида асосий капиталнинг етарлигига нисбатан Марказий банк томонидан ўрнатилган минимал талаб бажарилган.

«Пахта Банк», «Ўзуйжойжамғармабанк» ва «Ғаллабанк» да ушбу кўрсаткичнинг барқарор даражасини сақлаб қолишга муваффақ бўлинган. «ТИФ» миллий банки ва «Асака» банкда таҳлил қилинган давр мобайнида асосий капитал етарлигининг сезиларли даражада ўсиши кузатилган. Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур ҳар иккала банкда устав капиталига қўйилган хорижий валютадаги маблағлар асосий капитал таркибида сезиларли салмоқни эгаллайди. Сўнгги йилларда миллий валюта курсининг сезиларли даражада пасайиши ушбу банкларда девальвация захираси миқдорининг маълум даражада ўсишига олиб келди. Бунинг натижасида банкнинг асосий капитали сезиларли даражада ўсди.

Банк капиталини бошқариш самарадорлигининг иккиламчи мезонлари капиталдан ресурс сифатида фойдаланиш зарурияти билан белгиланади.

Тижорат банки капитали молиялаштириш манбаи сифатида банкнинг операцион фаолиятида ишлатилади. Айниқса, банк томонидан янги молиявий хизмат турлари ўзлаштирилаётган пайтда, банк филиаллари учун бинолар ва ускуналар сотиб олинаётган пайтда капиталдан фойдаланишнинг аҳамияти

ошади. Тижорат банки миждозларга капитал ҳисобидан қулай фойза ставкаларида кредитлар бериш имкониятига эгадирлар.

Банк капиталидан ресурс сифатида фойдаланилганда унинг самарадорлигини белгиловчи асосий мезон даромадлиқ ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, банк капиталидан ресурс сифатида фойдаланиш самарадорлигини бевосита аниқлашнинг иложи йўқ, шу сабабли у билвосита аниқланади. Банк капиталининг даромадлигини бевосита аниқлашнинг иложи йўқлигини икки асосий сабаби мавжуд:

-биринчидан, банк капитални банк ресурслари умумий таркибида ҳисобга олинадиган ва ресурс сифатида умумий асосда ишлатилади. Яъни, капитал ҳисобидан айнан қайси актив тури молиялаштирилаётганлигини аниқлашнинг иложи йўқ.

-иккинчидан, банк капитални тижорат банки ресурслари умумий ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди. Масалан, республикамиз тижорат банкларида ушбу кўрсаткич 1999 йил 1 январь ҳолатига 13,6 фойза, 2001 йил 1 январь ҳолатига 14,5 фойза, 2002 йил 1 январь ҳолатига 14,2 фойзни ташкил қилди³⁵.

Банк капитални даромадлигини аниқлашда чораклик даврий ораликлардаги даражасини солиштириш орқали унинг динамикаси аниқланади. Агар ҳар бир сўмлик капиталга тўғри келадиган даромад миқдори барқарор бўлса ёки оқилона ўсиш (3-5 фойза) тенденциясига эга бўлса, бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Агар даромадлиқ миқдори пасайиш тенденциясига эга бўлса, бу салбий ҳолат ҳисобланади.

Мазкур кўрсаткич 2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, «Ўзсаноатқурилишбанк» да 90,2 фойзни, ТИФ миллий банкида 53,3 фойзни, «Ўзуйжойжамғармабанк» да 65,4 фойзни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 2002 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мос равишда 85,3 фойза, 40,3 фойза ва 63,0 фойзни ташкил қилди.

Маълумотлардан кўринадики, «Ўзсаноатқурилишбанк» ва ТИФ миллий банкда таҳлил қилинган давр мобайнида мазкур кўрсаткичнинг сезиларли

³⁵ Мазкур тижорат банкларининг 01.01.2001-01.01.2002 йй. ҳолатига тузилган ҳисоботлари асосида ҳисобланди.

даражада пасайиши кузатилган. Бунинг асосий сабаби, ҳар иккала банкда жами капиталнинг ўсиш суръати ялпи даромаднинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлигидир. 2001-2002 йиллар мобайнида «Ўзсаноатқурилишбанк» да ялпи даромаднинг ўсиш суръати 27,2 фоизни ташкил этган бўлса, жами капиталнинг ўсиш суръати 38,1 фоизни ташкил қилди. ТИФ миллий банкида эса, бу кўрсаткичлар мос равишда 43,5 фоиз ва 89,7 фоизни ташкил этди³⁶.

Банк амалиётида капиталнинг самарадорлигини баҳолашда бир сўмлик устав капиталига тўғри келадиган даромад кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун ялпи даромад суммаси устав капитали суммасига бўлинади ва натижа 100 фоизга кўпайтирилади.

2002 йилнинг 31 декабр ҳолатига, мазкур кўрсаткич «Ўзсаноатқурилишбанк»да –214,8 фоизни, ТИФ миллий банкида –863,2 фоизни, «Ўзуйжойжамғармабанк» да –264,2 фоизни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичлар 2001 йилнинг 31 декабрига, мос равишда 210,1 фоиз, 535,1 фоиз ва 284,0 фоизни ташкил қилди.

Ҳар учала банкда мазкур кўрсаткични юқори даражада эканлиги тижорат банклари устав капитали пасивлар умумий ҳажмидаги салмоғининг сезиларли даражада юқори эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Тижорат банклари капиталининг самарадорлигини таҳлилида уларнинг жорий йилдаги соф фойдасининг даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг соф фойдаси деганда, одатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан кейин қолган фойда тушунилади. Лекин айрим банкларда мажбурий тўловларнинг асосий қисми тўланмасдан, уларнинг жорий йил фойдаси таркибида кўрсатиш ҳоллари мавжуд бўлади. Масалан, француз банк тизими анъаналари асосида фаолият юритаётган банкларда мажбурий тўловлар тўлангунга қадар баланс тузилади. Бундай банкларда йил давомида тўпланган фойданинг йирик миқдорда балансда акс этиши юз беради. Кўпчилик тижорат банкларда жорий йил фойдасини аниқлашда барча мажбурий тўловлар миқдори чегириб ташланади. Шунинг учун бу банкларнинг балансида акс этадиган фойда миқдори фақат фойданинг озод қолдиғи ҳисобланади.

³⁶ Мазкур тижорат банкларининг 01.01.2001-01.01.2002 йй. ҳолатига тузилган ҳисоботлари асосида ҳисобланди.

Тижорат банклари хорижий сармоя иштирокидаги банкларни ва шўъба банкларни ташкил этишда ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадларида ҳам фойдаланади. Бундай шароитда банкнинг ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда учинчи усулдан ҳам фойдаланилади. Ушбу усул қимматли қоғозлардан олинadиган фоизлар ва дивидендларнинг миқдорини банк капитали миқдorigа бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткич, юқоридаги кўрсаткичлар каби фоизда акс эттирилганлиги учун олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади.

Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг самарадорлигини аниқлашда банк капиталининг бозор қийматини аниқлаш усули муҳим аҳамият касб этади.

Банк капиталининг бозор қийматини ҳисоблаш учун бир қатор усуллардан фойдаланилади. Лекин бизнинг фикримизча, қўлланилаётган асосий кўрсаткичларни маълум бир мантиқий кетма-кетликда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан олганда, банк капиталининг умумий бозор қийматини аниқлашни қуйидаги усулини қўллашдан бошлаш лозим:

Банк капиталининг бозор қиймати = банк активларининг бозор қиймати – банк мажбуриятларининг бозор қиймати.

Ушбу мантиққа риоя қилган ҳолда банк капиталининг ҳақиқий бозор баҳосини қуйидаги формула асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

Банк капиталининг бозор қиймати = чиқарилган акцияларнинг жорий курс қиймати \times чиқарилган акцияларнинг сони.

Ушбу усул йирик банкларнинг капиталини динамик тарзда баҳолаш учун жуда қулай ҳисобланади. Лекин йирик банклар капиталига нисбатан бу усулни қўллаш учун битта мажбурий шарт бажарилиши лозим, у ҳам бўлса ушбу банкларнинг акциялари молия бозорида доимий равишда олди-сотди қилиниши керак.

Банк капиталининг бозор баҳоси капиталнинг банкни қай даражада оғир инқироз ҳолатларидан қутқара олиш даражасини кўрсатади. Агар банкнинг молиявий ҳолати барқарор бўлса, у ҳолда миждозлар унинг акцияларини доимий равишда сотиб оладилар ва аксинча, банкнинг банкрот бўлиш хавфи юзага

келган бўлса, унинг акцияларининг бозор баҳоси пасаяди. Молия бозори, айниқса, иккиламчи молия бозори ҳали ривожланиб улгурмаган Ўзбекистон Республикаси шароитида банк капиталининг бозор қийматини баҳолаш қийин кечади.

Тижорат банклари капиталининг бозор баҳосини ўзгаришига сиёсий куч бевосита таъсир қилади. Агар сиёсий риск даражаси юқори бўлса, бу қимматбаҳо қоғозлари эмитентларининг, шу жумладан тижорат банкларининг акциялари бозор баҳоси пасаяди. Бу эса банк капиталидан самарали фойдаланишга салбий таъсир қилади.

Халқаро Базель қўмитаси 2000 йилдан бошлаб сиёсий рискни эмитентларнинг акцияларини бозор баҳосига нисбатан юзага келтирадиган салбий таъсирини маълум даражада юмшатишга муваффақ бўлди. Яъни, тижорат банклари капиталини тартибга солиш тизимига жиддий ўзгартириш киритилди: миқдорнинг кредит рискин аниқлашда унинг кредит рейтинги ҳисобга олинган бўлди. Бу эса сиёсий риск даражаси юқори бўлган мамлакатлардаги тўловга қобил бўлган ва кредит рейтинги юқори бўлган миқдорларни банклар томонидан кредитлаш имкониятини кенгайтди. Юқори иқтисодий ўсиш жараёнини бошидан кечираётган давлатларда тижорат банклари капиталини ўсиши иқтисодиётнинг банк кредитларига бўлган эҳтиёжининг ўсишидан орқада қолди. Бундай шароитда халқаро Базель андозалари бўйича тижорат банклари капиталини тартибга солиш тизимига киритилган ўзгариш банк капиталини иқтисодиётнинг кредитларга бўлган эҳтиёжини ўсишига мос равишда ўсишини таъминлашга хизмат қилади. Бунга мисол қилиб Россия Федерациясидаги нефт компанияларини олиш мумкин. Россиянинг бир қатор нефт компаниялари, шу жумладан, Лукойл, Сибнефт ва бошқа компаниялар юқори кредит рейтингига эгадир. Лекин, мамлакатда сиёсий риск даражаси юқори бўлганлиги сабабли, уларга берилган кредитлар 100 фоиз риск даражасига эга бўлган кредитлар сифатида баҳоланар эди. Демак, уларга кредит берган тижорат банкларининг ликвидлиги кредит миқдорига мутаносиб равишда пасаяр эди. Бу ҳолат, бир томондан, юқори кредит рейтингига эга бўлган корхоналарнинг кредит ресурсларига бўлган

эҳтиёжини қондирилмай қолишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, тижорат банкларининг ушбу корхоналарни кредитлашдан манфаатдорлигини пасайтиришга хизмат қилади.

Тижорат банклари капиталини бошқариш самарадорлигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишда банк капиталининг ҳар бир элементини ўзига хос аҳамияти мавжудлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Масалан, банк устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисми, эмиссион даромад ва тақсимланмаган фойда банк кредиторлари томонидан ҳеч қандай даъво ва инкасса талабномалари мавжуд бўлмаган пул маблағларидир. Шунинг учун улардан банкнинг операцион фаолиятида юзага келадиган, кўзда тутилмаган харажатлар ва зарарларни қоплашда фойдаланиш имконияти катта. Капиталнинг бошқа манабаларидан эса харажатлар ва зарарларни қоплашда фойдаланиш имконияти сезиларли даражада чекланган. Масалан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг маълум қисми банкнинг қўшимча капитали таркибига киритилади. Лекин ушбу захира ажратмаларининг ўзи 56802 – «Ссудалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағи орқали тўғридан-тўғри банкнинг харажатига олиб борилади. Демак, муддати ўтган ссудалар бўйича асосий қарз миқдори ва фоизлар қайтарилмагунга қадар бу маблағлардан банк харажатлари ва зарарларини қоплашда фойдаланишнинг иложи йўқ. Ёки, ҳозирча тижорат банклари капитали таркибида етарли даражада шаклланмаган бўлсада, субординациялашган қарз мажбуриятларини сотишдан олинган тушум миқдорини олайлик, банк бу мажбуриятларни ўзининг ўрта ва узоқ муддатли ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида сотади. Демак, бизнинг фикримизча, субординациялашган қарз мажбуриятларини сотишдан олинган маблағлар кўзда тутилган ўрта ёки узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, капиталнинг ушбу элементида банкнинг операцион фаолиятида юзага келадиган харажатлар ва зарарларни қоплаш мақсадида фойдаланиш имконияти кескин чекланган.

Мазкур параграфнинг поёнида хулоса қиладиган бўлсак, банк капиталини бошқариш самарадорлигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлиб, пировардида банк капиталининг ҳақиқий бозор қиймати ва ҳимоя воситаси сифатидаги ролини тўғри баҳолаш имкониятини беради.

III-BOB. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА БАНК КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Банк капиталини бошқариш борасидаги асосий муаммолар ва уларнинг моҳияти

Амалга оширилган молиявий таҳлил натижалари тижорат банкларининг капиталини бошқариш билан боғлиқ бўлган қатор сезиларли муаммоларни аниқлаш имконини берди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Тижорат банклари жами капитали таркибида қўшимча капитал салмоғининг жуда кичиклиги муаммоси.

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, тижорат банклари жами капиталининг мутлақ асосий қисми асосий капиталдан иборатдир. Масалан, 2003 йилнинг 1 январ ҳолатига тижорат банклари жами капиталининг 93,3 фоизи асосий капитал ҳиссасига тўғри келди. Бу ҳолат банкларнинг қўшимча капитал базасини заиф эканидан далолат беради.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, тижорат банклари қўшимча капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятлари, консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмалар мавжуд эмас. Бундан ташқари кўчмас мулк бозорининг мамлакатимизда етарли даражада ривожланмаганлиги қўшимча капитал таркибидаги қайта баҳолаш захираси миқдорини сезиларли даражада ошириш имконини бермаяпти.

- Тижорат банклари устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғини пасайиш тенденциясига эга эканлиги намоён бўлмоқда.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, тижорат банкларида, 2000-2003 йиллар мобайнида, устав капиталининг жами капитал ҳажмидаги салмоғини сезиларли даражада пасайиши юз берган. Бу эса банк капиталини бошқариш самарадорлиги пасаяётганидан далолат берувчи салбий ҳолат ҳисобланади. Қўлланманинг биринчи бобида таъкидлаб ўтганимиздек, устав капитали банк фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан барқарор манбаи ҳисобланади. Устав капиталига нисбатан молиявий йил давомида акциядорларнинг ва банк кредиторларининг аниқ талаби мавжуд эмас. Шунинг учун устав капиталдан

тижорат банкларининг операцион фаолиятида юзага келадиган, кўзда тутилмаган харажатлар ва зарарларни қоплашда эркин тарзда фойдаланиш мумкин.

- Ўзбекистонда миллий валюта бозорини янада эркинлашиши муносабати билан миллий валюта алмашув курсининг сезиларли даражада пасаяётганлиги ва шунинг асосида мамлакатимизнинг қатор тижорат банкларида девальвация захираси миқдорининг сезиларли даражада ўсаётганлиги аниқланди.

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, бир қатор тижорат банкларида девальвация захираси миқдорининг ўсиши ҳисобига уларнинг махсус захира миқдорининг ўсиши юз бермоқда. Махсус захира банкларнинг жами капитали ҳажмида юқори салмоққа эга эканлиги сабабли, девальвация захираси ҳисобига жами капитал ҳажмининг кескин ўсиши кузатилмоқда. Масалан, 2003 йилнинг охирига келиб, мамлакатимиз тижорат банкларининг жами капитали ҳажмида махсус захиранинг салмоғи 77 фоизни ташкил қилди.

Девальвация захираси ҳисобига махсус захира ҳажмининг ўсишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. Чунки девальвация захираси барқарор молиялаштириш манбаи таркибига кирмайди.

- Мамлакатимиз тижорат банкларининг активлари таркибида юқори рискли активлар салмоғининг нисбатан кичиклиги ва бунинг натижасида банк активларининг даромадлиқ даражасининг пастлиги қарор топган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларида кассали активларнинг йирик миқдорда тўпланиб қолиш ҳоллари кузатилмоқда. Бунинг натижасида банк активларининг даромадлиқ даражасига салбий таъсир этувчи ҳолат юзага келди. Масалан, ҳозирги вақтда кассали активларнинг жами банк активлари ҳажмидаги салмоғи 23-25 фоизни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич Германия, Буюк Британия ва Франция давлатларининг банк амалиётида 3 фоиздан ошмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон банк амалиётида юқори риск даражасига эга бўлган ва юқори даромад келтирувчи қатор активлар ҳозирча мавжуд эмас. Масалан, тижорат банкларида форвард трансакциялари, опционлар ва фьючерслар ҳозирча мавжуд эмас. Бундан ташқари, халқаро банк

амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг асосий шакли бўлган ва тижорат банкларига юқори даражада даромад олиш имконини берувчи ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан оқилона тарзда фойдаланилмаётир. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ўзбекистон банк амалиётида асосан таъминланган аккредитивлардан фойдаланилмоқда, яъни банклар аккредитив бўйича тўловларни амалга оширишда асосан 22602 – «Аккредитив бўйича миждозларнинг депозитлар» ҳисобварағидан фойдаланишмоқда.

- Ўзбекистон тижорат банклари активларининг сезиларли қисмини кассали активлардан иборат эканлиги банк ресурсларидан, шу жумаладан, банк капиталидан фойдаланиш самарадорлигини паст даражада эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини етарли даражада ривожланмаганлиги Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини ушбу бозорда доимий олди-сотди объектига айланишига тўсқинлик қилмоқда. Бунинг натижасида, биринчидан, тижорат банкларининг асосий капитали таркибида эмиссион даромадлар вужудга келмаяпти; иккинчидан, тижорат банклари капиталининг бозор баҳосини аниқлаш имкони юзага келмаяпти.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Японияда тижорат банклари, эмиссия ҳажмига кўра, қимматли қоғозларнинг эмитентлари ичида ҳукуматдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Демак, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг акциялари доимий олди-сотди объектига айланган. Банк акцияларининг қимматли қоғозлар бозорида доимий равишда олди-сотди қилиниши ва иккиламчи бозорнинг юқори даражада ривожланганлиги банк капиталининг реал бозор баҳосини аниқлаш имконини беради.

- Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда банк акцияларининг қийматига салбий таъсир қилувчи инфляция ва валюта курси омиллари мавжуд.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, инфляция даражасининг нисбатан юқори ва нобарқарор эканлиги акцияларнинг инвестицион қийматига салбий таъсир қилади. Натижада, инвесторларнинг банк акцияларини сотиб олиш учун

қилган қуйилмалари ва банк акцияларидан олинадиган дивидендлар ва фоизлар шаклидаги даромадларнинг реал қиймати пасаяди. Пировардида, банк акцияларининг сотилиши қийинлашади, инвесторларнинг бу акцияларни сотиб олишдан манфаатдорлиги пасаяди. Чунки инвесторлар банк акцияларининг бозор баҳосини пасайиши эвазига банкнинг барча зарарларида иштирок этадилар.

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида, шу жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бир қатор мамлакатларда миллий валюта алмашув курсининг пасайиш тенденцияси кузатиляпти. Бунинг натижасида, миллий валютада ёзилган ва муомалага чиқарилган қимматли қоғозларга қилинган қуйилмалар ва уларга тўланган даромадлар реал қийматининг пасайиши юз беряпти. Бу ҳолат қимматли қоғозларнинг асосий эмитентларидан бири бўлган тижорат банкларининг акциялари ва облигацияларининг савдосига салбий таъсир қилмоқда. Бунинг оқибатида инвесторларнинг қимматли қоғозларни, шу жумладан, тижорат банкларнинг қимматли қоғозларини сотиб олишдан манфаатдорлиги пасаймоқда.

Ривожланаётган давлатларда миллий валюта курсининг пасайиш тенденциясига эга эканлигининг асосий сабабларидан бири бу мамлакатларда Марказий банк ва ҳукумат томонидан «эркин сузиб юрувчи курс» режимини қўлланилмаётганидир. Ҳозирги вақтда, Халқаро валюта фондининг расмий маълумотларига кўра, дунёнинг 47 мамлакатида эркин сузиб юрувчи курс режимидан фойдаланилади. Марказий банк ва ҳукумати етарли олтин захираларига эга бўлмаган, тўлов балансининг аҳволи ночор бўлган кўпчилик ривожланаётган давлатларда эркин сузиб юрувчи курс режими миллий валюта курсининг тебранишига кучли туртки беради. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозларга қилинган қуйилмалар ва улардан олинадиган даромадларнинг реал қийматини кескин пасайишига сабаб бўлади.

- Банк акциядорларини моддий жиҳатдан манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг банк Бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

а) Банк акциядорларининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммо.

Бизга маълумки, акциядорларни қизиқтирадиган икки асосий омил мавжуд. Буларнинг биринчиси, банк акцияларини сотиб олишга сарфланган маблағлар ва улардан олинадиган даромадларнинг реал қийматини сақланиши бўлса, иккинчиси эса, тўланадиган дивидендлар миқдорининг юқорилиги ва барқарорлигидир.

Таҳлил натижаларидан кўриндики, тижорат банкларида 2000-2003 йиллар мобайнида жами капитал таркибида жорий йилнинг соф фойдаси салмоғининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Бу эса салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки банк амалиётида жорий йилнинг соф фойдаси мажбурий тўловлар амалга оширилгандан сўнг қоладиган фойда бўлиб, акциядорларга дивиденд тўлаш учун манба бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, унинг салмоғи пасайиши акциядорларнинг моддий манфаатларига салбий таъсир қилади.

б) Банк акциядорларининг банк бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммо.

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, тадқиқот жараёнида биз аниқлашга муваффақ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги маълум даражада акциядорларнинг банк бошқарувидаги иштирокининг фаол эмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистонда акциядорларнинг банк фаолиятини бошқаришдаги ролини оширишнинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган дейишга, бизда, муайян асослар мавжуд. Жумладан, 1998 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ:

-устав капиталида давлатға тегишли акциялар пакети 25 фоиздан ортиқ бўлган тижорат банкларининг банк кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ишончли вакил киритилади, унинг зиммасига мазкур акциялар пакетини бошқариш вазифаси юклатилади;

-акциядорлик-тижорат банки Кенгаши банк филиалларининг Бошқаруви ва раҳбарлар билан биргаликда банкни самарали бошқаришни ташкил этиш,

кредитлар берилиши ва уларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Тижорат банклари тизимида давлатнинг улушини юқори эканлиги ривожланаётган давлатлар амалиётида ҳам, ривожланган давлатлар амалиётида ҳам кўзга ташланади. Масалан, етакчи индустриал давлат ҳисобланган Германияда давлатнинг тижорат банклари капиталидаги улуши 50 фоизни ташкил қилади.

Бу ҳолат ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигига хос ҳисобланади. Давлатнинг банк тизимидаги улуши Хитойда – 99 фоиз, Ҳиндистонда – 88 фоиз, Индонезияда – 85 фоиз, Тайванда – 75 фоиз, Бразилияда – 48 фоиз, Польшада – 46 фоиз, Аргентинада – 36 фоиз, Венесуэла ва Россияда – 30 фоиз ва Мексикада – 28 фоизни ташкил этади³⁷.

- Тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида банк капиталига оид маълумотларни ишончли тарзда акс эттирмаслик муаммоси.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикасининг банк тизимларида айрим ҳолларда капиталнинг сифат кўрсаткичларини ҳисоботларда аниқ ва тўғри акс эттирмаслик ҳоллари мавжуд. Масалан, Россия Федерациясида муаммоли кредитларнинг ҳақиқий миқдорларини тижорат банклари томонидан бузиб кўрсатилиши натижасида бир қатор банкларда капиталнинг етарлилик коэффицентини асоссиз равишда юқори бўлиш ҳоллари юз берди. Бунинг натижасида айрим тижорат банкларини оғир молиявий ҳолатга тушиб қолиш ҳоллари юз беради. Масалан, тижорат банклари айрим ҳолларда жорий йилнинг соф фойдаси миқдорини пасайишига йўл қўймаслик мақсадида муддати ўтган ссудаларнинг реал миқдорини яширадilar. Агар мазкур банклар томонидан кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг ҳақиқий миқдори кўрсатилса, у ҳолда, **биринчидан**, жорий йилнинг соф фойдаси сезиларли миқдорда камайиб кетади, бу эса, банкнинг молиявий барқарорлик даражаси паст, деган хулосани шакллантириш имконини беради; **иккинчидан**, жами капитал

³⁷ А.Г.Саркисянц. Банковская система России и направления её реформирования. //Бухгалтерия и Банки. 2001г. №7. С. 10.

миқдорининг сезиларли даражада камайиши юз беради, чунки қўшимча капитал таркибига жорий йил фойдаси киритилади.

Тижорат банкларининг ҳисоботларида капиталнинг етарлилиги ва бошқа сифат кўрсаткичлари хусусида нореал маълумотларнинг мавжудлиги инвесторлар ва Марказий банк учун жиддий муаммоларни юзага келтиради. Чунки Марказий банк миллий банк тизимининг барқарорлиги учун жавобгар ҳисобланади, шу сабабли, Марказий банкда банк тизимининг тўловга қобиллиги ва ликвидлиги хусусида сохта тасаввур ҳосил бўлади. Инвесторлар учун эса, бунинг оғир оқибатларидан бири уларда банк акциялари бозор баҳосининг шаклланиши ва улардан олинадиган даромадларнинг ўсиши хусусида нотўғри тасаввур ҳосил бўлади.

Ушбу муаммо хорижий мамлакатларнинг банк амалиётида ҳам мавжуд бўлиб, тижорат банклари капиталининг етарлилиги тўғрисида ижобий хулоса чиқариш имконини беради. Масалан, Япониянинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Сумитомо банкининг Нью Йоркдаги филиали бошқарувчиси ўн йил мобайнида қимматли қоғозлар билан операциялардан филиал кўрган зарарни яшириб келган. Ўн йил давомида зарар миқдори бир миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Демак, ўн йил давомида жорий йил фойдаси бир миллиард АҚШ долларига камайиши ва бу суммага захиралар миқдори ташкил қилиш лозим эди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган захираларнинг миқдори кўпчилик ҳолларда таснифланган кредитлар миқдорига тўғри келмайди. Бундай ҳолларда тижорат банклари томонидан онгли равишда захираларни етарли миқдорда ташкил этмаслик ҳоллари юзага келади. Яна шундай ҳолатлар мавжудки, кредитларни таснифлашда банк ходимлари томонидан хатоликларга йўл қўйилади. Бунда муддати ўтган ссудалар муддатли ссудалар ҳисобварағида ҳисобга олиб борилаверади. Натижада таснифланган кредитларнинг ҳақиқатдаги умумий миқдори балансда акс этган суммага нисбатан сезиларли даражада юқори бўлади.

- Тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантириш ва унинг минимал даражасига нисбатан қўйиладиган талаблар хусусида ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, тижорат банклари капиталини шакллантириш ва уларнинг минимал даражасига қўйиладиган талаблар хусусидаги халқаро Базель андозалари дунёнинг бир қатор мамлакатларида тўлиғича қабул қилинмаяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари жами капиталининг таркиби ва етарлилигига қўйиладиган минимал талаб бўйича халқаро Базель андозаларидан сезиларли даражада фарқ қилувчи жиҳатлар мавжуд. Худди шундай ҳолатни Россия, Швейцария, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг банк амалиётида ҳам кузатиш мумкин.

Халқаро Базель андозаларини Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида янада тўлароқ жорий этиш лозим. Акс ҳолда тижорат банк капиталини бошқариш самарадорлиги хусусида ягона ёндошувни шакллантириб бўлмайди.

Тижорат банки капитали таркибини шакллантиришда АҚШ Федерал захира резерви томонидан ишлаб чиқилган методикада халқаро Базель андозаларидан фарқ қилувчи жиҳатлар анчагина. Бизнинг фикримизча, халқаро Базель андозаларида кўзда тутилган асосий капиталнинг таркиби АҚШ Федерал захира резервининг методикасида кўзда тутилган асосий капиталга нисбатан анча барқарордир.

Шунингдек, тижорат банкларининг капитал захираси хусусида ҳам халқаро банк амалиётида ягона ёндошув мавжуд эмас. Капитал захираси тижорат банки устав капитали миқдорида ташкил этилади. Лекин, унинг мақсади ва ишлатилиш соҳаси хусусида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Кўпчилик ривожланган давлатларда капитал захираси ташкил этилмайди. Капитал захираси асосан ривожланаётган мамлакатларнинг банк амалиётида кенг қўлланилади.

Капитал захираси моҳиятига кўра банк устав капитали миқдорини оширишни таъминловчи молиявий манба ҳисобланади. Уни банк фойдаси ҳисобидан ташкил этиши акциядорлар умумий йиғилишининг қарорини кутиб

ўтирмасдан, устав капитали каби барқарор молиялаштириш манбаига эга бўлиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг капиталини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар мавжуд ва уларни ҳал қилиш капитални бошқариш тизимини такомиллаштириш имконини беради.

3.2. Банк капиталини бошқаришни такомиллаштиришда дивиденд сиёсатининг роли

Дивиденд сиёсати банк капиталинининг етарлилигини таъминлаш ва уни самарали бошқаришни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Дивиденд учун тўланаётган маблағ миқдори дивиденд сиёсатининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, банк акциядорларининг манфаатларини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва банк акциялари баҳосининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Демак, банк томонидан оқилона дивиденд сиёсатининг юритилиши унинг капитал базасини мустаҳкамлашга, капитални самарали бошқаришга ва тижорат банкининг молия бозоридаги мавқеини кўтаришга хизмат қилади.

Тижорат банклари томонидан ҳақиқатда тўланадиган дивиденднинг реал миқдори дивиденд сиёсатини амалга оширишда қўйиладиган асосий масалалардан ҳисобланади. Банкнинг актив операцияларидан олинадиган даромадларнинг кўпайиши унинг рентабеллик даражасига ва пировардида, унинг дивиденд сиёсатига ижобий таъсир кўрсатади.

Банк ҳисобот даврининг якуни бўйича олган маълум миқдордаги фойдасини барча зарур мақсадларга қилинган ажратмалардан сўнг, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ, оддий ва кумулятив имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўлашга йўналтиради. Демак, дивидендлар соф фойда ҳисобидан тўланади ва банк молиявий-хўжалик фаолиятида соф фойданинг юзага келмаслиги дивидендларнинг тўланмаслигига ва унинг оқибатида банк акциялари бозор баҳосининг пасайишига сабаб бўлади. Кўпчилик ҳолларда, банк акциялари бозор баҳосининг пасайиб кетиши акциядорлар томонидан акцияларни қайтариб топширилишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида, банк устав капиталининг миқдорини камайишига олиб келади. Агар устав капиталини барқарор молиялаштириш манбаи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу ҳолат банкнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигига салбий таъсир қилишини кузатишимиз мумкин.

Акциядорлар тижорат банклари дивиденд сиёсати орқали пул маблағларини банкларнинг устав капиталига жойлаштириш хусусидаги қарорларини қабул қилади. Агар, тўланаётган дивиденд суммаси акциядор

кутаётган миқдордан кам бўлса, бундай ҳолатда улар акцияларнинг бир қисмини сотиб, олинган тушумни жорий харажатларини молиялаштиришга сарфлайдилар. Агар улар, дивиденд тўлови эвазига мўлжалидан ортиқча маблағга эга бўлсалар, у ҳолда, олинган дивидендни янги акциялар сотиб олишга йўналтирадилар. Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, банк томонидан олиб борилаётган дивиденд сиёсатига акциядорлар томонидан мустақил равишда хулоса чиқарилади. Акциядорлар томонидан чиқарилган хулоса банк капиталининг таркиби ва миқдorigа кескин таъсир қилади.

Инвесторлар банкнинг акциялари учун тўланаётган дивиденд тўловидан ташқари, тўланаётган сумманинг барқарорлигига катта эътибор беришади. Дивиденд тўловининг барқарорлиги деганда, ҳисобот даври мобайнида тўланган дивиденд миқдорининг ўзгариши эътиборга олинади. Дивиденд миқдорининг ўсиб бориши банкнинг қимматли қоғозлари қийматини ўсишига ва банкнинг акцияларини иккиламчи молия бозоридаги олди-сотдисига ижобий таъсир қилади.

Миллий иқтисодиётда иккиламчи молия бозорининг ривожланмаганлиги тижорат банклари жами капитали таркибида эмиссион даромадларнинг шаклланмаётганлигига сабаб бўлаётгани қўлланманинг олдинги бобларида таҳлил қилинган эди. Демак, барқарор дивиденд сиёсатининг олиб борилишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бўлган дивиденд тўловининг миқдори, кўп жиҳатдан, иккиламчи молия бозорининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир. Ушбу масала тижорат банкларининг капиталини самарали бошқариш ва унинг таркибини шакллантириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Дивиденд сиёсати бўйича қарор қабул қилишда тижорат банкларининг ликвидлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки дивиденд учун тўланаётган сумма тўғридан-тўғри банк капиталини камайишига олиб келади. Маълумки, тўланаётган дивиденд суммаси тижорат банкининг тақсимланмаган фойдасига таъсир қилади, тақсимланмаган фойда ўз навбатида, банкнинг биринчи даражали капиталининг асосий элементи ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида, дивиденд сиёсатини банк капитали миқдорини камайтирмасдан амалга ошириш мақсадида қуйидаги учта усулдан фойдаланилади:

а) дивидендларни инвестиция қилиш;

Ушбу усул банк капиталини ошишига олиб келади. Банк капиталининг ошиши унинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади, лекин унинг даромадини ўсишига тўғридан-тўғри таъсир этмайди. Чунки банк капиталининг ошиши унинг ҳимоя функциясини мустаҳкамлаб, банкнинг молия бозоридаги иқтисодий мавқеини кўтариш билан бирга, иккиламчи молия бозоридаги қатнашувини жадаллаштиради.

б) дивидендларни банкнинг акциялари билан тўлаш;

Албатта, дивиденд сиёсатини олиб боришда ушбу усул ҳам банк капитали миқдорининг ошишига хизмат қилади. Лекин банкнинг молия бозоридаги акциялари курсига таъсир ўтказиши. Биринчидан, банкнинг акцияларини сотиб олишга бўлган талабнинг камайишига олиб келади, бу эса банкнинг акцияларини баҳосини тушириб юборади. Иккинчидан, банк акциядорлари ва молия бозорининг бошқа қатнашчиларида банкнинг дивиденд сиёсатига нисбатан ишончни пасайишига олиб келади. Демак, ушбу усулни қўллашда банк акциядорларининг ҳисобот йиғилишидаги қарори муҳим роль ўйнайди. Унга кўра, банкнинг дивиденд тўловлари ўрнига акциялар берилиши молия бозорида ва акциядорлар ўртасида банкнинг акцияларига бўлган талаб асосий эътиборга олинган ҳолда қарор қабул қилинади. Ушбу ҳолатда, банкнинг акциялари молия бозорида номинал баҳоларда сотилиши, банкнинг дивиденд сиёсатига ва унинг акциялари баҳосига салбий таъсир ўтказмайди. Шу билан бирга, банкнинг жами капитали таркибидаги эмиссион даромадларини вужудга келмаслигига олиб келади.

Қўлланманинг олдинги бобларида тижорат банклари жами капиталининг таркибида эмиссион даромаднинг мавжуд эмаслиги ва унинг сабаблари ҳақида тўхталган эдик. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб, банк томонидан муомалага чиқарилган акцияларни иккиламчи фонд бозорида олди-сотди операциялари етарлича эмаслиги ёки акцияларнинг номинал баҳода (ёки

ундан ҳам паст баҳода) сотилаётганлиги ҳисобланади. Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида, айрим ҳолларда, банк акцияларини сотиб олиниши эвазига имтиёзли кредитлар бериш ҳоллари ҳам учрайди. Бу эса, банк капиталини ва активларини бошқариш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

в) банк ходимларига ҳисобланган дивидендларни банк акциялари билан қоплаш;

Ушбу усулнинг асосий афзалликларидан бири шуки, биринчидан, банк ўз капитал базасини кўпайтиради, иккинчидан, ходимларнинг банк фаолиятини ривожлантиришга қизиқишини орттиради, яъни, банк фаолиятини бошқаришда банк ходими ва унинг раҳбари ўртасида ўзаро манфаатдорлик вужудга келади. Ушбу ҳолат банк капиталини самарали бошқаришга ва унинг молия бозоридаги фаолиятини рақобатбардош бўлишига хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу усулнинг яна бир асосий қулайликларидан бири молия бозорида акцияларни жойлаштириш учун брокерлик харажатларининг камайиши ҳисобланади. Хорижий банк амалиётида ушбу усул жуда ривожланган бўлиб, бунинг асосий сабабларидан бири солиқ органлари томонидан банк ходимларининг капитални шакллантиришга йўналтирган маблағларига нисбатан солиқ имтиёзлари белгиланганидир.

Шунга қарамасдан, банк тизимининг ривожланиши натижасида, келгусида ушбу масала жуда долзарб мавзуга айланиб хизматчиларнинг иш сифатига ва самарадорлигига катта таъсир қилади, шу билан бирга раҳбарият қабул қиладиган қарорларни ходимлар томонидан назоратини кучайтириш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, дивиденд сиёсати юритишнинг асосий омиллардан бири, етарли даражада ахборотларга эга бўлиш, унинг қийматини баҳолай олиш ва дивиденд тўловларининг амалиётдаги самарасини таҳлил қилиши ҳисобланади. Банк, фойдасининг тушиб кетишига қарамасдан, молия бозорида дивиденд тўловларини камайтирмаслиги унинг акцияларига нисбатан фонд бозорлари ишонч билан қарашига асос бўлади. Демак, банкнинг барқарор дивиденд сиёсатини юритиши, банк фойдасининг тушиб кетган бўлишига қарамасдан, акциядорлар унинг келажагига ишонч билан қарашига

сабаб бўлади. Банк бошқарувчилари, молия бозорида барқарор дивиденд сиёсатини юритиши натижасида вақтинчалик молиявий қийинчиликларни енгиб ўтиши лозим. Албатта, банк ушбу ҳолатни молиявий бозорда узоқ вақт ушлаб туролмайди, натижада банкнинг молиявий муаммолари унинг дивиденд сиёсатидаги нобарқарорликни юзага келтиради.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг дивиденд сиёсатини муваффақиятли тарзда амалга оширишни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири миллий валютанинг алмашув курси ва инфляция даражаси барқарорлиги ҳисобланади. Ҳар бир акциядор банкнинг устав капиталига қўйган маблағининг реал қиймати сақланишидан манфаатдор. Ушбу маблағнинг реал қиймати эса инфляция ва алмашув курси тебранишига боғлиқ бўлади. Инфляция даражасининг ошиши ва миллий валюта алмашув курсини пасайиши миллий валютада ёзилган акцияларнинг реал қийматини пасайишига олиб келади. Агар, тижорат банки томонидан тўланаётган дивидендлар даражаси инфляция ва миллий валютанинг алмашув курсини ўзгариши натижасида пасаядиган қийматни ўрнини қопламаса, у ҳолда бу банк акцияларига бўлган талаб кескин пасаяди. Бу ўз ўрнида, банкнинг муомаладаги акциялари бозор баҳосининг пасайишига ва янги акциялар чиқариш ҳисобидан устав капитали ҳажмини ошириш имкониятини чекланишига олиб келади. Бунинг устига, акциядорларнинг маълум қисми ихтиёридаги оддий акцияларни сотиш пайига тушиб қоладилар, бунинг натижасида банк устав капиталининг миқдори камаяди. Шунинг учун ҳам, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида акцияларга дивиденд тўлашда инфляция даражаси албатта ҳисобга олинади. Лекин миллий валютанинг алмашув курси ҳисобга олинмайди.

Ғарбий европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияда инфляциянинг мўътадил даражаси сақлаб турилади. Агар, инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаса, унинг даражаси мўътадил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мазкур мамлакатларнинг тижорат банклари фаолиятида инфляция муаммоси деярли учрамайди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий қисмида инфляциянинг нисбатан юқори ва нобарқарор даражаси сақланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам,

мазкур мамлакатларда банк акцияларини қулай баҳоларда иккиламчи фонд бозорларида сотиш муаммоси ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Мазкур муаммоларнинг натижаси ўлароқ, ушбу мамлакатларда хорижий валюталарда ёзилган банк акцияларига бўлган талаб юқоридир.

Ривожланаётган мамлакатларда тўлов балансининг сурункали дефицитга эга эканлиги миллий валюталарнинг алмашув курсларини доимий равишда тебранишига сабаб бўлмоқда. Бу жараён миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ривожланаётган мамлакатларда миллий валюта курсининг барқарорлигини сақлаб туриш мақсадида тўлов балансининг ҳолатига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари дивиденд сиёсатига инфляциянинг таъсири муаммоси ўзининг ечимини топомқда. Яъни, инфляция даражаси йил сайин пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Инфляция даражаси 2002 йилда 21,6 фоиз бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 3,8 фоизни ташкил этди³⁸.

Ўзбекистон тижорат банкларининг дивиденд сиёсати учун валюта курси муаммоси юзага келиши мумкин. Бунинг боиси биринчидан, ҳукумат 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб тўлов балансининг жорий операциялари бўйича сўмни хорижий валюталарга эркин алмашувини жорий этилганини маълум қилди; иккинчидан, валюта курсларини унификация қилиниши натижасида миллий валюта курсининг сезиларли даражада тебраниш ҳоллари кузатилмоқда.

Тижорат банкларининг хорижий валюталарда амалга ошириладиган дивиденд тўловлари улар учун маълум муаммоларни юзага келтириши мумкин. Ана шундай муаммолардан бири сифатида миллий валюта курсининг пасайиши шароитида банкларнинг дивидендлар тўлаш билан боғлиқ харажатларининг ошишини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бунда, банкларнинг дивиденд тўлаш мақсадидаги харажатлари умумий ҳажми ошади.

³⁸ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-том, –Т.: «Ўзбекистон», 2004, 187-бет.

Мазкур тоифадаги иккинчи муаммо тўланиши лозим бўлган дивидендларни репотрация қилиш муаммосидир яъни, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда миллий валютадаги суммани эркин алмашадиган валютага конвертация қилиб, уни хорижий инвесторга дивиденд сифатида ўтказиб бериш муаммоси мавжуд. Ушбу муаммо жорий валюта бозорининг ликвидлик даражасининг пастлиги билан изоҳланади.

Халқаро банк амалиётида, банк акцияларига дивиденд тўлашда листинг талабларини бажармаслик муаммоси мавжуд яъни, айрим тижорат банклари фонд биржаси томонидан қўйилган листинг талабларини бажармайдилар. Бунинг натижасида инвесторлар банкнинг молиявий ҳолатидаги жиддий ўзгаришларни ўз вақтида аниқлайолмайдилар.

Мазкур тоифадаги тўртинчи асосий муаммо, хорижий валюталарда ёзилган банк акцияларини халқаро фонд бозорларида жойлаштириш муаммосидир. Халқаро фонд бозорларида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг мамлакат рейтинги мавжуд эмас. Бу эса молиявий жиҳатдан барқарор бўлган банклар ҳам акцияларининг ҳам бозор баҳосига салбий таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларнинг дивиденд сиёсати уларнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб, кўп қиррали омилларнинг бевосита таъсирига берилувчан ҳисобланди.

3.3. Банк капиталини самарали бошқаришни такомиллаштириш йўллари

Тижорат банклари капиталини самарали бошқаришни такомиллаштириш мақсадида, қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Тижорат банклари устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисмининг асосий капитал ҳажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик лозим.

Бунинг учун девальвация захирасини нобарқарор молиялаштириш манбаи сифатида махсус захира таркибидан чиқариш ва уни қўшимча капиталнинг алоҳида элементи сифатида акс эттириш зарур. Қўшимча капитал таркибидаги жорий йилнинг соф фойдасини асосий капитал таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки жорий йилнинг соф фойдаси барча мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан кейин ва барча захиралар ташкил қилиб бўлингандан сўнг қоладиган фойда бўлиб, барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

Агар девальвация захирасини нобарқарор молиялаштириш манбаи сифатида махсус захира таркибидан чиқарсак, у ҳолда миллий валюта алмашув курсининг пасайиши натижасида банк капиталини девальвация захираси ҳисобидан асосий капиталнинг ўсишига чек қўйган бўламиз.

- Халқаро Базель андозаларида кўзда тутилган банкларнинг форвард трансакциялари бўйича активларини рискка тортиш тизимига ўзгартириш киритиш лозим.

Тижорат банкларининг форвард трансакциялари Базель андозаларида кўзда тутилгандек 100 фоиз эмас, балки 50 фоиз риск даражасини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки форвард трансакцияларида тижорат банклари ўзларини иқтисодий рисклардан сезиларли даражада ҳимоя қилиш имкониятига эгадирлар. Колл ва пут опционларда эса банкнинг ўзини ҳимоя қилиш имконияти сезиларли даражада чекланган. Шунинг учун ҳам форвард трансакциялари ва опционларнинг риск даражасини бир хил бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

- Тижорат банкларининг қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш лозим.

Тижорат банкларида консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмалар ва субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳажмини ошириш йўли билан тижорат банклари ўзларининг қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятига эгадирлар.

Миллий иқтисодиётда тижорат векселлари муомаласи мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳозирча, траст ва форфейтинг компаниялари шаклидаги консолидациялашган шўъба корхоналари очишга зарурият йўқ. Лекин, миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг лизинг ва факторинг хизматларига хўжалик субъектлари томонидан эҳтиёж катта. Бу эса тижорат банклари қошида лизинг ва факторинг компанияларини ташкил қилиш зарурлигини белгилайди.

Ҳозирги вақтда лизинг компаниялари лизингга берилган ускуналар учун оладиган фойзли даромадларидан фойда солиғи тўламайдилар. Бундан ташқари, товарларни ишлаб чиқарувчидан тўла қийматда сотиб олаётганларида қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган. Фикримизча, мазкур солиқ енгиликлари лизинг операцияларини ривожлантириш учун кучли туртки беради. Тижорат банкларининг кассали активлар шаклида вақтинчалик бўш пул маблағлари мавжуддир. Ушбу пул маблағларининг сезиларли қисмини лизинг операцияларига йўналтириш улар балансининг ликвидлигига жиддий тарзда хавф солмайди. Чунки банк капиталининг етарлилик коэффиценти ва асосий капиталнинг етарлилик коэффиценти белгиланган норматив даражага қараганда жуда юқори натижани ташкил қилади. Бу кўрсаткичларнинг бажарилиши айрим тижорат банкларимизда 0,7 ни ташкил қилмоқда, ТИФ миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта Банк» каби йирик тижорат банкларида жами капиталнинг етарлилик коэффиценти ўртача 0,35-0,4 ни ташкил қилмоқда. Ҳолбуки, белгиланган норматив даража 0,1 ни ташкил этади.

Тижорат банклари учун лизинг операцияларини ривожлантиришнинг яна бир қулай томони, лизинг операциялари банкларнинг кредит рискинни камайтириш имконини беришидадир. Чунки лизингга берилган ускуналар гаров вазифасини ўтайди. Тижорат банки лизингга берилган ускунани ўзининг балансига асосий восита сифатида қирим қилади, ускуналарга ҳисобланган

амортизация ажратмалари ҳам банкнинг балансида тўпланади. Демак, банк лизингга берилган ускуналарга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Тижорат банкларининг мустақил балансга эга бўлмаган факторинг компаниялари очишга қилган қўйилмалари банк қўшимча капиталининг муҳим элементи бўлиб қолиши мумкин. Чунки банкларнинг факторинг хизматларига бўлган талаб юқоридир.

Тижорат банклари қошида мустақил балансга эга бўлган факторинг компанияларининг очилиши хўжалик субъектлари ўртасидаги дебетор ва кредиторлик қарзларини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки факторинг компаниялари ўзларининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда хўжалик субъектларининг дебетор қарзларини сотиб олади.

Айни вақтда, тижорат банкларининг факторинг операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи айрим омиллар мавжуд, улардан асосийлари сифатида қуйидаги икки омилни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) Факторинг кредитларини бериш муддатини белгилаб қўйилганлиги.

Мамлакатимиз банк амалиётида тижорат банклари томонидан бериладиган факторинг кредитларининг максимал муддати 90 кунни ташкил этади. Ривожланган хорижий мамлакатлар банк амалиётида эса факторинг кредитларининг муддатига нисбатан чеклаш йўқ.

б) Тижорат банклари томонидан бериладиган факторинг кредитларининг фоиз ставкаси Марказий банкнинг расмий қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солинади. Яъни, факторинг кредитлари фоиз ставкасининг юқори чегараси расмий қайта молиялаштириш ставкасидан 1,8 мартадан юқори бўлмаслиги лозим.

Тижорат банкларининг факторинг кредитларига нисбатан белгиланган талаблар олиб ташланиши лозим. Чунки факторинг кредити тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг битта шакли бўлиб, у билан боғлиқ рисклар иқтисодий нормативлар доирасида чегараланган.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида тижорат банкларининг кредитлаш лимитларига нисбатан чекловлар жорий қилиш ҳолатлари мавжуд бўлган, лекин банк кредитларининг фоиз ставкаси чегараланмаган.

- Тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилишини таъминлаш лозим.

Бунинг учун, аввало, тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар ва имтиёзли акцияларга тўланадиган фоизлар даражасини инвесторларнинг манфаатига мос келадиган мақбул даражага етказиш лозим. Бунинг учун, аввало, ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларига тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш лозим, иккинчидан, инвесторларнинг акцияларни сотиб олишга қилган қуйилмалари ва улардан оладиган даромадлари қийматига инфляция даражасини ва миллий валютанинг алмашув курси таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида банк акцияларига бўлган барқарор талабни юзага келтириб бўлмайди. Тижорат банклари акцияларининг қимматли қоғозлар бозорида эркин муомаласи таъминланмас экан, банк капиталининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

Ҳозирги вақтда жаҳон қимматли қоғозлар бозорида банк акциялари ва корпоратив акцияларга бўлган талаб кучайди, ушбу акцияларнинг бозор баҳоси ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Бундай шароитда мамлакатимиз йирик тижорат банкларининг хорижий валюталарда ёзилган акцияларини жаҳон фонд бозорларида сотилишини ташкил қилиш уларнинг капитал базасини мустаҳкамлашни таъминлайди. Бунинг учун тижорат банкларига жаҳон фонд биржалари билан бўладиган ўзаро муносабатларида юзага келадиган хорижий валютадаги тўловларни амалга ошириш шароити таъминлаб берилиши лозим. Яъни, тижорат банклари исталган вақтда ўзларининг сўмдаги маблағларини ана шу мақсадлар учун хорижий валюталарга эркин конвертация қилиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Ҳозирги вақтда халқаро Базель қўмитаси андозалари тижорат банкларига кредит рискени минималлаштириш ва актив операциялар кўламини кенгайтириш учун тегишли имкониятлар беради.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон тижорат банкларининг актив операциялар ҳажмини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Тижорат банкларининг

актив операциялари ҳажмида рискка тортилган активларининг улуши ортиб бориши, уларнинг даромад манбаининг ўсишига иқтисодий омил яратади. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, тижорат банкларининг рискка тортилган активлари сифат даражаси жиҳатидан юқори кўрсаткичга эга бўлиши зарур. Чунки тижорат банкларининг рискка тортилган активлари сифат даражаси иқтисодий жиҳатдан ёмонлашуви тижорат банкларининг ушбу активлар бўйича махсус захираларни яратишни талаб этади. Ушбу захиралар тижорат банклари харажатлари ҳисобидан шакллантирилиб тўғридан-тўғри банк фойдасининг ошиб боришига салбий таъсир кўрсатади. Демак, тижорат банкларининг кредит рискинни минималлаштиришнинг асосий омилларидан бири уларнинг рискка тортилган активлари сифат даражасини яхшилашдан иборат бўлади. Тижорат банкларининг активлари сифат даражасининг ижобий кўрсаткичга эга бўлиши ташкил қилиниши лозим бўлган захира миқдори улушининг камайишига олиб келади.

Тижорат банклари акцияларини хорижий инвесторларга сотиш натижасида жалб қилинган маблағлардан банкларнинг инвестицион кредитлари ҳажмини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тижорат банклари ана шундай йўл билан ўзларининг оддий акцияларининг бозор баҳосини оширишлари мумкин. Бунда банк капиталининг етарлилик коэффициенти доимий назорат объекти бўлиши керак. Чунки хорижий инвесторлар тижорат банкларининг тўловга қобиллигини баҳолашда биринчи навбатда банк капиталининг етарлилигига эътибор берадилар.

Тадқиқот жараёнида банкларнинг жами капитали ва асосий капиталининг етарлилигига қўйилган талаблар юқори даражада бажарилаётганининг гувоҳи бўлдик. Албатта бу, капиталнинг етарлилиги нуқтаи назаридан ижобий ҳолат сифатида баҳоланади. Лекин капитал манбаларининг молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак салбий ҳолат сифатида ҳам қараш мумкин. Бунинг боиси, тижорат банклари капиталининг манбалари таркибида молиявий жиҳатдан нобарқарор молиявий ресурсларнинг ўсиб бориш тенденцияси мавжуд. Капитал таркибида молиявий жиҳатдан нисбатан

барқарор бўлган устав капиталининг миқдори пасайиб бориш тенденциясига эга.

- Тижорат банкларининг баланс ҳисоботларида банк капиталининг таркиби ва етарлилигига оид маълумотларнинг ҳаққоний тарзда акс эттирилиши лозим.

Айрим тижорат банкларида банк капитали сифат кўрсаткичларини бузиб кўрсатиш ҳоллари мавжуд, айниқса, таснифланган кредитлар миқдорини атайин камайтириб кўрсатиш натижасида захира ажратмалари миқдорини нореал бўлиб қолиш ҳолларига йўл қўйилган. Бундай шароитда жорий йилнинг соф фойдаси миқдори асоссиз равишда юқори қилиб кўрсатилади. Чунки тижорат банкларининг кредитлардан йўқотиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун йўналтириладиган маблағ уларнинг харажати ҳисобидан амалга оширилади. Тижорат банклари харажатларини бу йўл билан камайтирилиши маълум даврда ижобий натижа бериши мумкин, лекин банкнинг келгусидаги фаолиятини иқтисодий инқирозга учрашига замин яратиб боради. Албатта, бунинг оқибатида салбий ҳолатлар вужудга келиши мумкин.

Бунинг устига, захира ажратмалари рискка тортилган активлар миқдорининг 1,25 фоизига тўғри келадиган қисми капитал таркибига киритилиши лозим. Демак, бу суммани капитал таркибида акс этадиган қисми ҳам нореал миқдорга эга бўлади.

- Банк акциядорларининг банк бошқарувидаги иштирокини кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳукумат дастурида кўзда тутилган тижорат банкларини давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини ниҳоясига етказиш лозим.

Бунинг учун, аввало, йирик тижорат банкларнинг оддий акцияларини хусусий секторга мансуб корхоналарга сотиш ҳажмини ошириш йўли билан ушбу банкларнинг устав капиталидаги давлатнинг улушини пасайтириш лозим. Бунда банк Бошқарувида хусусий акциядорларнинг иштирокини фаоллаштириш имкони юзага келади.

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг ролини оширилиши банк капиталидан ва банкнинг ресурсларидан самарали

фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Бизнинг фикримизча, банк кредитларини ўз вақтида қайтмаслиги учун банк Кенгашининг жавобгарлигини оширилган муҳим ижобий силжиш ҳисобланади. Айти вақтда, банк капиталининг етарлилигига ва сифат кўрсаткичларига риоя қилишда ҳам банк Кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг натижасида банк капиталини бошқариш сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва банкнинг баланс ҳисоботларида ҳаққоний маълумотларни акс эттириш ишига сезиларли ҳисса қўшиш имконияти юзага келади. Банк Кенгаши бу вазифаларни ҳал қилиш учун етарли имкониятларга эга. Ана шундай имкониятлардан бири тижорат банклари ички аудит хизматининг Банк Кенгаши раисига бўйсундишидир. Банк капитали сифат кўрсаткичларига оид маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ички аудит хизмати бошлиғининг шахсан жавобгар эканлигини белгилаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш дастурида банк капиталини бошқаришнинг ҳар бир сифат кўрсаткичи бажарилиши банк Бошқарувининг ҳисоботи орқали банк Кенгаши олдида вақти-вақти билан тингланиб турилиши лозим.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида банк фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари акциядорларнинг доимий диққат эътиборида бўладиган бирламчи масаладир. Бу самарадорлик кўрсаткичлари аниқ ҳисоблаш методикасига эга бўлиб, уларнинг белгиланган режа миқдорлари мавжуд. Мазкур режа кўрсаткичларнинг ҳақиқатда бажарилиши акциядорларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинади ва банк раҳбариятининг фаолиятини баҳолаш учун жиддий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд қилганимиздек, нокумулятив акциялар шаклидаги имтиёзли акцияларни банк капитали таркибига киритиш мақсадида қўйилган тўрт талабнинг иккитасидан воз кечиш лозим. Марказий банк томонидан нокумулятив акцияларга қўйилган тўрт мажбурий талабнинг учинчиси, яъни, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан дивидендлар тўланмасдан ўтказиб юборилиши эди. Бизнинг фикримизча, нокумулятив имтиёзли акцияларни банк акциядорлари ўртасида тақсимлаш лозим ва акцияларнинг

жозибаторлигини ошириш мақсадида учинчи мажбурий талабдан воз кечиш керак. Яъни, соф фойда мавжуд бўлган тақдирда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан нокумулятив имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўланмасдан ўтказиб юборилиши мумкин эмас.

Тўртинчи талаб бўйича эса нокумулятив имтиёзли акцияларга ўтган йилларда тўланмай тўпланиб қолган дивидендлар қайта тўлаб берилмайди. Агар биз учинчи талабни қонуний асосда ўзгартирадиган бўлсак у ҳолда тўртинчи мажбурий талаб ўз-ўзидан бекор бўлади.

Жаҳон банкининг етакчи экспертлари Крис Барлтроп ва Диана Мак Нотонларнинг фикрига кўра, нокумулятив имтиёзли акцияларининг чиқарилиши банкнинг оддий акцияларини сотиб олган акциядорларга нисбатан эътиборсизликдир. Чунки нокумулятив имтиёзли акциялар аралаш инструмент сифатида ўз эгаларига қатъий белгиланган фоизда даромад келтирадилар ва бир вақтнинг ўзида уларга банкнинг соф фойдасида иштирок этиб дивидендлар олиш ҳуқуқини беради. Бизнинг фикримизча, нокумулятив имтиёзли акциялар акциядорлар ўртасида тақсимланиши лозим. Бу эса, акциядорларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади, уларнинг банк бошқарувидаги фаоллигини оширишда кучли рағбатни юзага келтиради.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Қўлланмада амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги асосий хулоса ва таклифларни чиқаришга муваффақ бўлдик.

1. Банк капиталининг иқтисодий моҳияти хусусида ҳамон ягона илмий ёндошув мавжуд эмас. Олимларнинг банк капитали хусусида берган таърифларининг қиёсий таҳлилига таянган ҳолда унга: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб банкнинг операцион жараёнида қутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир», -деган таъриф берилди.

2. Тижорат банкларининг капитали икки қисмдан, яъни асосий капитал ва қўшимча капиталдан иборат бўлиб, асосий капитал барқарорлиги жиҳатидан қўшимча капиталга нисбатан устун турувчи молиялаштириш манбаидир. Таҳлил қилинган давр мобайнида, тижорат банкларининг асосий капитали таркибида устав капиталининг ҳақиқатда тўланган қисми пасайиш тенденциясига эга эканлиги аниқланди. Тижорат банклари устав капитали ҳақиқатда тўланган қисмининг асосий капитал ҳажмидаги салмоғи пасайишига йўл қўймаслик зарур.

3. Тижорат банклари жами капиталининг юқори ўсиш суръатлари асосан махсус захиралар ҳисобидан таъминланмоқда, махсус захиранинг асосий улуши эса девальвация захираси ҳиссасига тўғри келади. Капитал таркибида ушбу модда нобарқарор молиявий манба эканлигини ҳамда асосий капиталнинг етарлилиги миқдорининг сезиларли даражада юқорилигини инобатга олиб, девальвация захирасини асосий капитал таркибидан қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

4. Ҳозирги вақтда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида, шу жумладан, Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Базельнинг ижобий жиҳатлари билан биргаликда, унга хос бўлган асосий камчилик ҳам бор, яъни, банк кредитлари бўйича риск тоифалари мижоз иқтисодиётнинг

қайси секторига ва қайси давлатга мансуб эканлигига қараб белгиланган эди. Республикамиз тижорат банкларида Базель андозаларининг фақатгина ижобий жиҳатларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек унинг рискка тортиш тизимига айрим ўзгартиришлар киритиш зарур.

5. Тижорат банклари капиталининг таркиби таҳлил қилинганда улардаги қўшимча капитал базаси заиф эканлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаблари уларнинг қўшимча капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарга қилинган қуйилмалар мавжуд эмаслиги, субординациялашган қарз мажбуриятларидан фойдаланиш тартиби ижобий ечимини топмаганлиги ва берилган кредитларнинг қайтарилмаслиги натижасида йўқотиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси миқдорининг пастлигидир. Демак, тижорат банклари қўшимча капитал базасини мустаҳкамлашда мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

6. Миллий иқтисодиётда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини ушбу бозорда доимий олди-сотди объектига айланишига тўсқинлик қилмоқда. Уларнинг капитали таркибида эмиссион даромадларнинг вужудга келиш имкониятини бермаяпти, акцияларнинг бозор баҳосини шаклланишига иқтисодий муҳит яратилмаяпти. Шунингдек, банк акциядорларини моддий жиҳатдан манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг банк бошқарувидаги иштирокини фаоллаштиришга иқтисодий эҳтиёж туғдирмаяпти. Ушбу ҳолатларни ижобий ҳал этиш мақсадида, тижорат банкларининг оддий ва имтиёзли акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг қўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим.

7. Тижорат банклари капиталини бошқаришнинг асосий усуллари тўртта бўлиб, улар банк устав капиталининг барқарор даражасини таъминлаш, банк умумий капиталининг етарлилигини таъминлаш, банк асосий капиталининг етарлилигини таъминлаш ва банк капиталидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади. Тижорат банкларининг капиталини самарали бошқариш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш асосида ушбу усулларни тўлиқ ишлашини таъминлаш зарур.

8. Тижорат банклари жами капиталининг ва асосий капиталининг етарлилик даражасини бошқариш амалиётини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, капиталнинг ҳар иккала етарлилик коэффицентини ҳақиқатда бажарилиши барча йирик тижорат банкларида белгиланган норматив миқдорга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бунинг асосий сабаби сифатида банкларнинг рискка тортилган активлари ҳажмининг нисбатан пастлиги ва асосий капитал нобарқарор молиявий манбалар ҳисобидан ўсиб бораётганидир. Ушбу масаланинг ечими сифатида, банкларнинг соф фойдасини асосий капитал таркибига киритиш лозим, шунингдек, асосий капитални молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантиришнинг мавжуд бошқа имкониятларидан ҳам тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

9. Миллий иқтисодиётда тижорат векселлари муомаласини мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳозирча, траст ва форфейтинг компаниялари шаклидаги консолидациялашган шўъба корхоналари очишга зарурият йўқ. Лекин, миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг лизинг ва факторинг хизматларига хўжалик субъектлари томонидан эҳтиёж юқорилигини инобатга олиб йирик тижорат банклари қошида мустақил балансга эга бўлмаган лизинг ва факторинг компанияларини ташкил этиш кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

10. Йирик тижорат банкларининг оддий акцияларини хусусий секторга мансуб корхоналарга сотиш ҳажмини ошириш йўли билан банкларнинг устав капиталидаги давлатнинг улушини пасайтириш мумкин. Бунда банк Бошқарувида акциядорларнинг иштирокини фаоллаштириш ва уларнинг ролини оширилиши банк ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Банк Кенгаши аъзоларининг жавобгарлигини ошириш орқали банк капиталини бошқаришнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш лозим.

Тижорат банкларининг капиталини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш ва уларни самарали жойлаштиришга эришиш банкларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига пухта замин тайёрлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Қонунлари ва Президент асарлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.—Т.:«Ўқитувчи», 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. —Т.: «Адолат», 1997.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. —Т.: «Ўзбекистон», 2003.
4. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. —Т.: «Ўзбекистон», 2003.
5. «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. —Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.—Т.: 2003.
7. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлариини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.—Т.: 2003.
8. Каримов И.А.«Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан». 3-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1995, -267 б.
9. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». 6-том.—Т.: «Ўзбекистон», 1997, 326 б.
10. Каримов И.А.«Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз». 9-том. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. -440 б.
11. Каримов И.А. «Биз танлаган йўл —демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли». 11-том. —Т.: «Ўзбекистон», 2003. —319 б.
12. Каримов И.А. «Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ». 12-том. —Т.: «Ўзбекистон», 2004. —340 б.

Китоб ва туркум нашрлари

1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. —Т.: «ТМИ», 2000. —311 б.
2. Абдуллаева Ш.З. Пул кредит ва банклар. —Т.: «Молия», 2000. —312 б.
3. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.—Т.:«ТМИ», 2002, -304б.

4. Ачилов М.Ф., Алиев М.Г., Котов В.А., Тешаев Ш.Ж., Хамидулин М.Б. Рынок капитала Узбекистана: Вчера, сегодня и завтра.–Т.: «Молия», 2002,- 268б.
5. Белых Л.П. Устойчивость коммерческих банков. Как банком избежать банкротства. –М.: Банки и биржи. «ЮНИТИ», 1996.
6. Василишен Э.Н. Регулирование деятельности коммерческих банков. – М.: «ФиС», 1995.
7. Газибеков Д.Г., Собиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. –Т.: «Молия», 2001.
8. Грязнова А.Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. – М.: «Ф и С», 2002.
9. Долан Эдвин Дж., Колин Д.Кампбелл. Деньги, банковское дело и денежно кредитная политика. Пер. с англ. –М.:, 1996. Дэвид Полфреман, Филип Форд. Основы банковского дела. –М.: «ИНФРА-М», 1996.
10. Кадиров А.К., Каралиев Т.М., Омонов А.А. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. –Т.: «Узбытцентр», 1991. –64 б.
11. Киселев В.В. Управление банковским капиталом: теория и практика. Российская академия предпринимательства. –М.: «Экономика», 1997. –256 б.
12. Лаврушин О.И. и др. Банковское дело. – М.: «ФиС», 2001.
13. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари.–Т.:«Шарқ», 1996.
14. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Т.: 1999.
15. Маркова О.М.и др. Коммерческие банки и их операции. – М.: «ЮНИТИ», 1995. – 288 б.
16. Мамонова И.Д. Экономический анализ деятельности банка /Учебное пособие. – М.: «Инфра – М», 1996.
17. Муллажонов Ф.М. Банковская система Узбекистана в годы независимости. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, -205 б.
18. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. –Т.: «Ўзбекистон», 2001, -304 б.

19. Нурмурадов М.Б., Қоралиев Т.М., Холмахмадов З.А. Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида кредит механизми ва банклар. –Т.: «ТХХИ», 1991.

20. Под ред. проф О.И. Лаврушина. Банковское дело – М.: «ФиС», 2001.

21. Рид Э., Коттер Р., Гилл Э., Смит Р. Коммерческие банки. Перевод с английского А.А.Кандаурова, Т.Д.Масюковой, М.З.Штрэнгарц. Под редакцией В.М.Усоскина 2-е издание. –М.: «Космополис» 1991. –480 б.

22. Тошмуродов Ш.М. Формирование и использование прибыли коммерческого банка. СПб: СПбУЭФ, 1993, -126 б.

23. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: «Вазар- Ферро», 1994. .

24. Ёлмасов А., Шарифхўжаев М.Ш. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Меҳнат, 1995. –527 б.

25. Ян Вилле Ван дер Фоссен. Начальный капитал банков. Материалы семинара по банковскому надзору. Вена, 26 февраля – 8 марта 1996. –11 б.

26. Базельский комитет по банковскому надзору. Основные принципы эффективного банковского надзора. Базель, 1997.

27. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. I, II том. Пер. с англ. Институт экономического развития Мирового банка, русская версия. -Вашингтон. 1994.

28. Диана Мак Нотон и Крис Дж. Барлтроп. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, Д.С. 1994.

29. Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. I, II

Журналдаги мақолаларга ҳаволалар

1. Власов С.Н., Рожков Ю.В. Управление ликвидностью коммерческого банка. //Банковское дело. №9, 2001. –С.24-26.

2. Геращенко В.В. Актуальные проблемы банковской системы в 1999 году. //Деньги и кредит. №1, 1999. –С.3-10.

3. Гулямов Р.А. Приросты развития банков Узбекистана. //Рынок, деньги и кредит. №12, 2001. –С. 3-6.

4. Гурьева М.И. Проблемы кредитно-денежной системы США в 80-е годы. //Деньги и кредит. №10, 1991. – С. 62-75.
5. Доронин И.Г. Международный финансовый кризис: причин и последствия. //Деньги и кредит. №2, 1999. – С. 34-40.
6. Долженкова Л.Д. Влияние экономики США на положение в мировом хозяйстве. //Банковское дело. №6, 2001. – С. 2-7.
7. Егоров С.Е. О состоянии банковской системы и путях её укрепления. //Деньги и кредит. №4, 1999. – С. 6-12.
8. Красавина Л.И. Швейцарский стиль банковской системы: Мировой опыт и Россия. //Деньги и кредит. №3, 2003. –С.42-47.
9. Масленченков Ю. С. Мониторинг финансовой деятельности банка на основании моделирования его баланса и идентификации традиционных банковских рисков. //Деньги кредит. №2, 1998.-С.10-14.
10. Матовников М.Ю. Новая система регулирования достаточности капитала Базельского комитета – «за» и «против». //Деньги и кредит, №2-2001 – С. 30.
11. Михайлов А.Г. Коммерческие банки: методы оценки надёжности. //Банковское дело. №1, 1998.-С.28-30.
12. Москвин В.А. Система рисков при инвестиционном кредитовании предприятий. //Банковское дело. №2, 1998.-С.5-10.
13. Муратов А. Аукционы кредитных ресурсов. //Банковские ведомости. №5, 1995. С. 25.
14. Муродов Н. Международные стандарты банковского надзора, рекомендованные Базельским комитетом. //Бозор, пул ва кредит. №1, 2003. – С.7-11.
15. Наврузов А. Пути повышения эффективности использования ресурсной базы коммерческих банков. //Бозор, пул ва кредит. №9-10, 2002. –С. 10-12.
16. Норқобилов С., Жўраев Ў. Банк тизими ислохотлари йўлида. //Бозор, пул ва кредит. №9, 1999, 19-22 бетлар.

17. Нурмуродов Б. Надзор и регулирование деятельности коммерческих банков: Мировой опыт. //Рынок, деньги и кредит. №1, 2003. –С. 12-15.
18. Поморина М.А. Внутренний анализ финансового состояния банка. //Банковское дело. №6, 1999. – С. 34-40.
19. Поморина М.А. Методы оценки и управления процентным риском. //Банковское дело №1, 1999. – С. 12-18.
20. Портной М. Экономика США сегодня. //Экономист. №3, 1992. – С. 118-126.
21. Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективы их реализации.//Деньги и кредит.№6, 2000.–С.20-23.

Молия, пул муомаласи ва кредит соҳасига тегишли Фармонлар, Қарорлар, меъёрий ҳужжатлар ва банк ҳисоботларига ҳаволалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 1997 йил 27 апрел. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 1998 йил 2 октябр. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2000 йил 21 март. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, №24, 1999 йил 15 январ. – Т.: «Ўзбекистон», 2003.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, №104, 2000 йил 24 март. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартриш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, №280, 2002 йил 5 август. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

7. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида Низом, № 559, 1998 йил 2 декабр. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

8. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом, №571, 1998 йил 19 декабр. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

9. Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом, №905, 2000 йил 2 март. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

10.Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом, № 420,2000 йил 26 апрел.–Т.:«Ўзбекистон», 2003.

11.Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансларининг актив ва пассив қисмларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидалари. №363, 1997 йил 24 октябр. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

12.Ўзбекистон банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида Йўриқнома. № 485, 2001 йил 8 февраль. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари
капитали етарлигига нисбатан белгиланган талабларининг халқаро
Базель стандартларидан фарқ қилувчи асосий жиҳатлари***

№	Кўрсаткичлар	Банк капитали етарлигининг минимал даражаси
1	Тижорат банклари жами капиталининг етарлилик даражаси: - Халқаро Базель стандартларининг талаби - Ўзбекистон Марказий банкининг талаби	0,08 0,1
2	Тижорат банклари асосий капиталининг етарлилик даражаси: - халқаро Базель стандартларининг талаби - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаби	0,04 0,05

* *Манба:* Республика Марказий банки ва халқаро Базель кўмитасининг меъёрий йўриқномалари асосида тайёрланди.

**Базель кўмитаси андозаларига кўра банк активларининг
рискка тортилиш даражаси***

0%	(a)	Касса (банкда мавжуд бўлган олтин қуймаларни ҳам ўз ичига олади)
	(b)	Ҳукуматга ва Марказий банкка нисбатан, миллий валютада акс этган ва шу валютада қопланадиган талаблар
	(c)	ИХТТ га кирувчи мамлакатлар Марказий Ҳукумати ёки Марказий банкларига бўлган ҳархил молиявий талаблар
	(d)	ИХТТ га кирувчи мамлакатларнинг нақд валюталари ёки қимматли қоғозлари билан қопланадиган ёки ҳукумат томонидан кафолатланган молиявий талаблар
0, 10, 20 ёки 50 % (назорат органларининг хоҳишига қараб)	(a)	Миллий давлат муассасаларига нисбатан қўйилган талаблар, марказий ҳукумат ва улар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ёки кафолатланган кредитлар бундан мустасно
20%	(a)	Кўп томонлама ривожланиш банкларига (ЖТТБ, АРБ, ОТБ, АФРБ, ЕТТБ) ва шу банклар томонидан эмиссия қилинган ёки кафолатланган қимматли қоғозларга нисбатан қўйилган талаблар
	(b)	ИХТТ га кирувчи мамлакатларнинг банкларига ва шу банклар томонидан кафолатланган кредитларга қўйилган талаблар
	(c)	ИХТТ га кирувчи ташкилотларнинг қимматли қоғозларига нисбатан бўлган талаблар, бу талабларга нисбатан тегишли назорат ва меъёрий жараёнлар қўлланилади, жумладан, тортилган рискни ҳисобга олган ҳолда капитал бўйича талаблар ва қимматли қоғозлар билан шуғулланадиган шундай ташкилотларнинг кафолатларига нисбатан талаблар
	(d)	ИХТТ дан ташқаридаги мамлакатларнинг банкларига нисбатан қолдиқ муддати бир йилгача бўлган талаблар ва ИХТТ га кирмайдиган мамлакатларнинг банклари томонидан кафолатланган қарз маблағларига нисбатан бир йилгача муддатдаги талаблар

	(e)	ИХТТ га кирувчи мамлакатларнинг номиллий давлат муассасаларига бўлган талаблар, марказий ҳукумат ва ушбу муассасалар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган ёки кафолатланган қарз маблағлари бундан мустасно
	(f)	Йиғим жараёнидаги касса
50%	(a)	Турар жой мулки ипотекаси билан тўлиқ таъминланган қарз маблағлари, ушбу кўчмас мулк қарздорга тегишли ёки келгусида эгалланади ёки бўлмаса ижарага олинади
100%	(a)	Хусусий секторга бўлган талаблар
	(b)	Фаолият муддати бир йилдан юқори бўлган, ИХТТ га кирмайдиган банкларга бўлган талаблар
	(c)	ИХТТ га кирмайдиган давлатлар ҳукуматига бўлган талаблар
	(d)	Хусусий секторда фаолият юритувчи тижорат компанияларга қўйилган талаблар
	(e)	Бинолар, заводлар ва ускуналар ҳамда бошқа доимий активлар
	(f)	Кўчмас мулк ва бошқа кўринишдаги инвестициялар (бошқа компанияларнинг фаолиятида консолидациялашмаган кўринишда қилинган инвестициялар ҳам киради)
	(g)	Бошқа банклар томонидан чиқарилган капитал инструментлари (капиталдан чегириб ташланадиган қисми бундан мустасно)
	(h)	Бошқа барча активлар

*Манба: Базельский комитет по банковскому надзору Международная Конвергенция. Оценки капитала и стандарта. 1998. С.25/37.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг риска
тортилиш даражаси ***

0%	(а)	Банкда ва унинг филиалларида нақд пул кўринишида сақланаётган миллий ва чет эл валютаси (жумладан, йўлдаги нақд пуллар ва Марказий банк ҳамда тижорат банк захира фондларида сақланаётган олтин қуймалар.)
	(б)	Марказий банк ва унинг худудий бошқармаларидаги вакиллик ва захира ҳисоб варақларида сақланаётган маблағлар.
	(в)	Ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тўғридан-тўғри талаблар ва бу эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар.
	(г)	Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек, бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига қўйиладиган бошқа талаблар.
	(д)	Активлар ёки уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва ИХТТ га кирувчи мамлакатлар миллий валюталарига деноминация қилиниб, нақд пул билан таъминланган ҳамда банкда алоҳида чеклаб қўйилган депозит ҳисобрақамда сақланадиган қисми.
20 %	(а)	ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтларига нисбатан талаблар, шу жумладан, қарзлар ва пул бозори воситалари.
	(б)	ИХТТ давлатларида рўйхатга олинган депозитар институтлари кредитлари билан таъминланган бошқа барча активлар. ИХТТ давлатлари депозитар институтларининг капитали бўлган қимматли қоғозлар юқори таваккалчилик даражасига (100 фоиз) эга активлар.
	(в)	Банкнинг ИХТТ давлатлари маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари, шунингдек, улар томонидан кафолатланган банк активлари. Бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар алоҳида лойиҳалар бўйича тушумлардан эмас, балки юқорида кўрсатилган ташкилотлар бюджети ҳисобидан амалга оширилади.
	(г)	Банкнинг Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотларига нисбатан талаблари, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан кафолатланган банк активлари.

	(д)	Жорий бозор қийматида баҳоланган ва Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро кредит ташкилотлари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар билан таъминланган активлар ва уларнинг қисмлари.
	(е)	Банкнинг ИХТТ га аъзо бўлмаган мамлакатларнинг миллий валюталарига деноминация қилинган ва миллий валютадаги мажбуриятлари билан қопланган, ИХТТ га аъзо бўлмаган давлатлар Марказий Ҳукуматлари ва марказий банкларига нисбатан талаблари. Миллий валютада деноминация қилинмаган ва миллий валютада молиялаштириш суммасидан ошиб кетган активлар қисми таваккалчилик даражаси юқори бўлган активлар қаторига киритилади.
	(ж)	Жорий бозор қийматида баҳоланган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ИХТТ га кирувчи давлатлар Марказий Ҳукуматлари томонидан эмиссия қилинган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар кўринишидаги гаров билан таъминланган ёки кафолатланган активлар, уларнинг қисмлари ва балансдан ташқари мажбуриятлар. Қимматли қоғозлар банк тасарруфида бўлиши ва белгиланган тартибга мувофиқ унга берилиши лозим. Кафолатлар тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай шартларсиз, яъни уларни қўллашни чекловчи бирон-бир қўшимча шартларни ўзида қамраб олмаган бўлиши керак.
	(и)	Ўтказиш жараёнидаги пул ҳужжатлари (лекин йўлдаги нақд пуллар ҳисобга кирмайди).
50%	(а)	Жисмоний шахсларга, бир оилага уй-жой (хонадон) сотиб олиш ёки уй қуриш учун берилган дастлабки гаров предмети билан таъминланган кредитлар. Бунда ссуда миқдори гаров қийматига нисбати 60 фоиздан ошмаслиги керак. 60 ва ундан юқори кунга муддати ўтган, фоизлар ҳисоблаш тўхтатилган ёки реструктуризацияланган кредитлар таваккалчилик даражаси юқори бўлган активлар тоифасига киради. Бир оила учун уй-жой қуриш мақсадида бериладиган кредитлар шу уй-жойда яшамокчи бўлган хусусий шахсларгагина берилиши керак. Банк дастлабки гаров ҳуқуқига эга бўлмаса, бундай кредитлар таваккалчилиги юқори (100 фоиз) бўлган активлар ҳисобланади.

	(б)	Банкнинг ИХТТ га кирувчи давлатлар маҳаллий ҳокимият органларига нисбатан талаблари ёки бу талаблар ва кафолатлар бўйича тўловлар мазкур мажбуриятлар бўйича молиялаштириладиган муайян лойиҳа тушумларига боғлиқ бўлса, ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланган активлар. Юқорида қайд этилган ташкилотлар томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар.
100 %	(а)	Банк томонидан берилган барча кредитлар, жумладан, тадбиркорлик тузилмалари, қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналарига берилган кредитлар, шунингдек, ипотека ва истеъмол кредитлари (0 ва 50 % таваккалчилик даражасига кирган кредитлар бундан мустасно).
	(б)	Банкнинг асосий воситалари, иншоотлари, жиҳозлари ва шахсий кўчмас мулки.
	(в)	Бошқа барча активлар.

*Манба: Марказий банкнинг 2000 йил 26 апрелдаги 420 – сонли «Гижорат банклари капиталининг етарлиликка қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми асосида тузилди.